



# Бажт қүнеги

Алманах





# Бахт қўниги

Алманах

«Nodirabegim»

12253

ALISHAQARASHIY NOMIDAI  
ТАШКЕНТ 2019  
TAU  
AXBOROT-RESULSIZ MURKAZI

УЎК 821.512.133-194

КБК 84(5Ў)я2

Х 47

Тўпловчи ва напрга тайёрловчилар:

*Зилолабону Холикова,*

*Дилобар Аслиддин қизи*

**Холикова, Зилолабону**

Х 47      Бахт конгириги / Зилолабону  
Холикова, Дилобар Аслиддин кизи –  
Ташкент: «Нодирабегим» нашриёти,  
2019. – 152 б.

Ушбу тўпламда республикамиз бўйлаб ижод қилиб келаётган ёшлар ва катталарнинг ижод намуналари ўрин олган бўлиб, ундан мухабbat, эзгулик, баҳт, хаёт, қийинчиликда тобланган дил изтироблари ҳақидаги шеър ва хикоялар ўрин олган.

Зилолабону Холикова ва «Оху» ижодкорлар клуби томонидан шу вақтгача «Истеъдод учқунлари», «Мехригиё» алманаҳлари чоп этилган. Ушбу тўплам унинг ўқувчиларга аталган навбатдаги тухфасидир.

УЎК 821.512.133-194

КБК 84(5Ў)я2

## АЛЁР СУРУРИ

Инсон ҳаётини оби ошсиз, куй ва қўшиқсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бинобарин, инсон дунёга йиғлаб келмайди, аксинча ўзига хос тарзда куйлаб, тарона айтиб келади. Аслида дунё ҳам наинки кудратли бир қалом сўз билан, шунингдек, афсунгар куй ва қўшиқ билан яралган, дея ишонгинг келади.

Бадиий адабиёт ҳам инсон ҳаётида ҳал қилувчи аҳамиятга молик, керак бўлса, ҳаётнинг мустаҳкам заминини ташкил қиласидиган омиллар сирасига киради. Сўзнинг муқаддаслиги, бадиий адабиётнинг қадри беқиёс даражада юксак экани росмана истеъдодли шоир ва ёзувчиларга миллат тимсоли, ҳалқнинг ор-номуси сифатида қарашда ҳам акс этади. Айрим инсонлар-у гурухлар эмас, балки бутун бошли аҳоли ҳалқни ташкил қиласани каби, буюк адабиёт ҳам ёлгиз шахс томонидан эмас, балки юзлаб, минглаб адабиёт ихлосмандлари саъи-ҳаракатлари билан яратилади. Бу гўёки битта даражат ёки бир неча даражат билан жаннатдай ўрмон пайдо бўлиб қолмайдиган бир ҳолатга ўхшади. Буюк адабиёт яратилиши учун ҳалқнинг маънавияти ҳамма даврларда ҳам имкон борича юқори мақомда бўлиши учун турли даражадаги истеъдодлар кўлни-кўлга бериб, бадиий ижод саҳнида ҳамжиҳат қалам тебратиши керак.

Мазкур тўпламдан жой олган ижод намуналари айни нуқтайи назардан қувонтиради. Зилолабону Холиқованинг жонбозлиги, ғайрат-шижоати билан дунё юзини кўрган бу тўплам оммавий шеърхонлик, оммавий китобхонлик, бадиий ижодга оммавий мойиллик даражаси нақадар юқори эканидан далолат беради. Нафақат маданият ва маърифат марказлари бўлган йирик шаҳарларда, балки чекка кентлар-у қишлоқларда ҳам ижодкор қаламкашлар доираси кенгайиб бораётгани

жуда кувонарли ҳол. Интернет кучайиб бораётган, маърифий-маданий манбалардан, бадиий асарлардан баҳраманд бўлиш имконияти тобора кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда буни табиий ҳол сифатида талқин қилиш жоиз.

Ижтимоий тармоқлар нафақат тезкор хабарлар, шу билан бирга бадиий ижод мактаби, ҳатто дорилғунуни вазифасини ҳам ўтаётирки, натижада жойларда ҳам ижодкор қаламкашлар тобора ортмоқда. Ижтимоий тармоқлар барча тоифадаги қаламкашлар учун ўзига хос фикрлашиш, малака ошириш, бадиий ижод намуналарини синовдан ўтказиш майдонига ҳам айланди. Мазкур тўпламдан жой олган қатор ҳикоялар, шеърлар дастлаб интернетнинг ижтимоий тармоқларида оммабоп шахсий саҳифаларда, ижодий гурухлар саҳифаларида ҳам омма ҳукмига хавола қилинган ва ўзига хос синовдан ўтган.

Мазкур ҳикоялар ва шеърларнинг алоҳида тўплам ҳолида нашр қилинишини эса уларнинг ўзига хос эътирофи сифатида баҳолаш ва қадрлаш ўринли бўлади.

*Абдуҳамид ПАРДАЕВ,  
шоир.*



Халима  
Жұманийзова



1959 йилда Қорақалпоғистон Республикасининг Түрткүл туманида туғилған. Тошкент давлат Университетинининг журналистика бўлимидан тамомлаган. Унинг «Кўнгил мулки», «Кўнгил манзиллари» «Мухаббат ороли» хамда «Жалолиддин Мангуберди» номли тўпламлари нашр этилган. Халима Жұманийзова бугунги кунда АҚШда истиқомат қилиб, эркин ижод билан шуғулланмоқда.

## Т У Н

Деразамни очдим, тун кирди шошиб,  
Эски дугонамдай қилди, дардиҳол.  
Ва унинг қалбида булултар сузиб,  
Қоронгу ҳисларин ўйнарди шамол.

Булултар ортида синган юлдузлар,  
Кўнглим дарёсига тўкиларди жим.  
Юрагим ичида ғавғо соларди.  
Минг йиллик армонни куйлаб аллаким.

Тун узоқ шивирлаб айтди қайғусин,  
Алангалар чирмаб жисм-у жонимга.  
Баҳайбат бир соя девор тикларди,  
Мени аямасдан түрт томонимга.

Туннинг кўзларига тикилдим узоқ,  
Ва дедим бас, етар, тингламайман, йўқ.  
Агар варақласанг кўнглим китобин,  
Сени кўйдиради жонимдаги чўғ...

Мен ҳам бор дардимни сўйладим унга,  
Аввал кўзларига тўлиб борди хун.  
Сўнг аста оқарди негадир юзи.  
Менинг кўз ўнгимда эриб кетди тун.

\* \* \*

Мовий ҳаволарда сузади кўнглим,  
Гоҳ жўшиб, гоҳида оляпман тин.  
Сархуш булутларга қулоқ соламан –  
Ахир баҳор яқин, жуда ҳам яқин.

Бойчечак шаклида, қиқирлар умид,  
Мажнунга айланар бу она замин,  
Олис-олислардан келади нурлар –  
Ахир баҳор яқин, жуда ҳам яқин.

Нега мен баҳорга бунча ошиқман,  
Ёмғирлар ёққанда гулдай энтиқдим.  
Зориққан майсалар каби ичикиб –  
Хушхабар кутгандай баҳорни кутдим.

Шивирлаб ўтади қалбимдан кунлар,  
Вакт эринмай солар юзимга ажин,  
Аммо фурсатлардан чиқаман омон,  
Ахир баҳор яқин, жуда ҳам яқин.

Мен билдим, баҳорда колган ёшлигим,  
Ва яна – юракни тортгувчи ёлқин.  
Кўнгил томонлардан келар бир садо.  
Ахир баҳор яқин, жуда ҳам яқин.

\* \* \*

Мени танимадинг, биламан осмон,  
Дилимга тўлганда ойнинг гардлари.  
Ахир жисм-у жоним маҳв этаётган  
Менинг дардим эмас, ишқнинг дардлари.

Кетгандим ўзимдан-ўзимни олиб,  
Ҳажр уммонлари йўлимни тўсди.  
Мунис юрагимда қоннинг рангида  
Соғинч деган, ажаб бир дараҳт ўсади.

Энди у гуллайди фасл танламай,  
Мен эса бемордан bemorrokdirman.  
Бағри кенг дунёда, чексиз дунёда –  
Фақат фироқдурман, мен фироқдурман.

Жаранг йўқ, йифимда на битта кўз ёш,  
Ва хабар келмайди ишқ томонлардан.  
Шамолга совуриб бутун умримни  
Дон излаб чарчадим, мен самонлардан.

Гулхан-у тошқинлар ичра хаётим,  
Балки пинҳонларда ўлганман пинҳон.  
Сени соғинганман, жуда согиндим –  
Очиқ кўзларимни ёпиб кўй, осмон.

\* \* \*

Хаёт боғларинғда гуллади умид,  
Гуллади хаёлнинг маъсум чорбоғи.  
Бунчалар чиройли ёниб турибди,  
Юрагимга яқин қуёш чироғи.

Бу боғлар ичинда сени ўйладим,  
Билдимми, ҳар недан ўзинг суюксан.  
О, дилрабо соғинч, муаттар соғинч,  
Барча туйғулардан ўзинг буюксан.

Сабода тебранди дарахтлар майин,  
Олча гулларида ўзгача ифор.  
Бу гуллар тафтида эриб кетгаандай,  
Дилимга ёғилган миллион йиллик қор.

Ўзгача гуллабди олма дарахти,  
Шивирлаб тилида нимадир айтди.  
Нозик шивирлардан мен сархуш тортиб,  
Ўзимдан айрилган ўзимга қайтдим.

Титрокларда колди бу жисм-у жоним,  
Сездим юксаклардан бокар эдинг жим.  
Согинч шамолида пойинг остида,  
Олма гулларида тўкилди кўнглим.

## ҚҰМСАШ

Фасллар бошимдан айланиб ўтар,  
Ер ҳам айланади бунча шошилиб.  
Мен ҳамон қарайман сен бор томонга,  
Бор жоним бүғзимга аччиқ тиқилиб.

Сен борсан, қалбимда тирик ишқ билан,  
Сен томон телбадай югураман мен.  
Дилимга санчилган хижрон тиканин,  
Сабр тишлирида суғураман мен.

Гарчи вақт назарга илмайди мани,  
Вактнинг деворларин бузиб кетаман.  
Ва ҳароб кунларим вайронасидан –  
Чиройли қўнглимни тухфа этаман.

Шамоллар устимдан қулиб ўтади,  
Ёмғирлар ёғади шошилиб, шоша.  
Мен эса қарайман сенинғ томонга  
Уммонлар ортидан уфклар оша.



Саҳодиғ  
Оташ



1965 йил 22 ноябрда Чимкент вилояти (Жанубий Қозогистон) Сайрам тумани Қизилкишлок (Күлкент)да таваллуд топган. 1998 йилдан бери вилоят мақомидаги «Чашма» ижодий бирлашмаси аъзоси. «Талаба кундалиги» шеърий тўплами муаллифи ва «Чашма» ижодий уюшмаси аъзолари билан ҳамкорликда бир қанча тўпламлар ҳаммуаллифи. «Сайрам талантлари», «Назм юлдузлари – 2007–2016» танловлари ғолиби. Ижодий фаолияти учун қатор ташаккурномалар ва «Арғумок» адабий мукофоти, «Жамоат жонкуяри» медаллари нишондори. «Сайрам тумани ўзбек этномаданият марказига – 25 йил» ҳамда таржима борасидаги меҳнатлари учун таниқли қозоқ оқини Т. Айбергеновинг таваллуди муносабати билан «Т. Айбергеновга 80 йил» кўкрак нишони билан тақдирланган.

### ШОИР ХАЛҚ ЮРАГИ

Халқ дардини куйловчи ёғоч торнинг ипидай,  
Иллатларни бўғувчи баланд дорнинг ипидай –  
Шоирларни, дейдилар, ўз халқининг юраги,

Овози йўқ шоирнинг бормикан ҳеч кераги?!  
Яшаб ўтди Миртемир, сўзнинг тенгсиз заргари,  
Шеърларидаги товланар оддий сўзлар гавхари.  
Ўзбеклигин танитди она кишлоқ Иқонни,  
Мехрини ҳам қозонди бутун Ўзбекистонни.  
Софинганда куйлади табиатдан жўш уриб,  
Булбуллар ҳам лол қолди, ҳайратидан қош кериб.  
Муҳаббатдан тил қотса, ошиқлар ҳам пиёда,  
Шу қўшиқни тинглашга ошиккани зиёда.  
Таржима бобида ҳам дўстлик ипин боғлади,  
Пўлатдан арқон эшиб, нонин ҳалол оклади.  
Танишиб қанча эллар, меҳр тушди ўртага,  
Ижод боғи айланди дўстлик номли ўрдага.  
Сахийлиги ҳам машҳур, қанча меҳмон туз тотган,  
Мехридан шогирдларин боши осмонга етган.  
Амир Темур қиличи етолмаган не замин,  
Миртемирнинг қаламин тан олганга Ҳақ амин.  
Шоирнинг суратига боқиб хаёл сураман,  
Рухи ила тиллашиб, етаклашиб юраман.  
Қўлда асо, суюниб, қадам ташлар шошмасдан,  
Жавоб берар саволга меъёридан ошмасдан.  
Жилмайганча гоҳида теваракка боқади,  
Шабада ҳам шивирлаб, юракка ўт ёқади.  
Бир дам тўхтаб йўлида, қалам тутиб ўйланар,  
Ёндафтарин очганча шеър ёзишга шайланар.  
Сокин кеча, хонада шоир ёлғиз ўтирас,  
Шеърларини пишиқлаб, ёзиб яна ўчирас.  
Хаёлда сўзлар тинмай, бир-бири-ла курашар,  
Шоирга маъқул келиб ютгани қад керишар.  
Ҳар бир сўзни заргардай торозига солади,  
Қай бири тош босолса, ўшанисин олади.  
«Чиройимас, маъниси менга муҳим» деб қўяр,  
Машки тобига етса, жажжи гўдакдай сурар.

Шундай шоир меҳнати, кечаси ҳам тиним йўқ,  
Ҳар сўзлари тунда ҳам ёниб турар, мисли чўг.  
«Осон эмас шоирлик , бекорга қилманг ҳавас,  
Хонангизда димиқиб, ололмай қолманг нафас.  
Баҳо берар ўкувчинг, шеъринг окласин тузинг,  
Солма ўзинг лаганга, эл-юрт алкасин сўзинг!»  
Устознинг танбехларин қабул килдик, дея «Хўп!»  
Суҳбатидан мирикиб ўтил олдик, озми-кўп.  
Таваллудин нишонлаб келишди қанча меҳмон,  
Қариндош-уруғ, авлод, қўли кўксига мезбон.  
Туркистоннинг «қаймоғи» кўкрак кериб ўлтирад,  
Юртдошининг шаънига мақтов кўксин тўлдирад.  
Халқ бир тана бўлса, шоир унинг юраги,  
Келажаги йўқ элга шоирнинг йўқ кераги!!!

## ФАРИШТА ЭМАСМАН

Фаришта эмасман, сиз каби одам,  
Мен ҳам бир онага суюкли фарзанд.  
Атак-чечак қилиб босганман қадам,  
Гоҳ ичдим заҳарни, гоҳ шимганман қанд.

Фаришта эмасман, йўқ менда қанот,  
Қокилиб тураман йўлимда баъзан,  
Ноҳақликни кўрсам этарман фарёд,  
Ширин сўзга эриб куламан шодон.

Фаришта эмасман, ҳаваскор шоир,  
Ҳафсала қиляпман битмок учун шеър.  
Ёзиб ҳам тураман севгига доир,  
Ўткир чиқсин дея тўкмоқдаман тер.

Фаришта эмасман, сиз каби одам,  
Шу замин дилбанди, эркатой ўғлон.  
Фақат қўлимдан ҳеч тушмагай қалам,  
Қалбларга бўлсин деб сўзларим дармон.

\* \* \*

Ўйнашмагин арбоб билан,  
Арбоб урап ҳар боб билан.  
Бош кўтарсанг овунтирас,  
Туроги йўқ жавоб билан.  
Бурун сукар ҳар ишингга,  
Эгов солар бор тишингга.  
Эшакни-ку гўшти ҳаром,  
Яраса-да бир ишингга.  
Ўзин санаб «асил тулпор»,  
Назарида – эл нобакор.  
Ўзгаларнинг меҳнатида  
Фақат «ўзим», дер, «ҳиссадор!»  
Ўздан чикқан ола ёмон,  
Теринг шилиб тиқар сомон.  
Арбобларнинг орасида  
«Тулумчи»лар бордир ҳамон.  
Ўз иззатин билган улуғ,  
Авлиёлар элда қутлуг.  
Эл ишончин оқломаган  
«Авлиё»лар ўрни ўтлуг.  
Андишанинг отин кўрқок,  
Санаганлар ақли тўмтоқ.  
Эл бирлашса қўпоради,  
Тоғларни ҳам этиб тупроқ.

## ЮЛДУЗ

Мағур әдинг, осмонда юлдуз,  
Сени узіб олдилар ундан.  
Балчиққа ҳам қоришиб кундуз,  
Айирдилар ҳаттоқи тундан.

Ох, юлдузим, ёрқин экансан,  
Тан олишга мажбурман бу кун.  
Нозларингга ошиқ этгансан,  
Вужудимни ёндириб, бутун.

Узоқ йиллар сени күролмай,  
Айладим бевафо дея.  
Васлинг ширин тотин сүролмай,  
Аlam ёши түкилди куя.

Мұхаббатта сирдош-у, шонсан,  
Нақш этиб битдим юракка.  
Түрда бешик, унда, ишонсанг,  
Белаб қўйдим оппоқ тилакка.

Қизгонишдан гоҳо ўзимдан,  
Гул чехрангга мўралаб қўйгум.  
Уялганда вафо ўзимдан,  
Бошим муштлаб бўралаб тўйгум.

Нечун ахир яралдинг гўзал,  
Ўз кўшкингдан айирди ҳаёт?  
Шундаймикан тақдири азал,  
Нафс қўлидан топмадинг нажот?!

Магрур эдинг, осмонда юлдуз,  
Сени узиб олдилар ундан.  
Умримга ҳам қўл чўзганда куз,  
Сени тилааб қолдим-ку тундан.

Мағрур эдинг осмонда юлдуз,  
Мағурумисан ҳали ҳам, гулюз!

**ЭЙ, БАНДА...**  
(«Талаба қундалиги»дан)

Ҳар қачон ҳам нонинг ёрти ё бутун,  
Жигилдонинг ғамин ўйлаб сен бугун,  
Келажагинг унутдинг-ку не учун,  
Хом сут эмган, қалби сўқир, эй, банда!  
Манқуртликка маҳкум этиб болангни,  
Ўз қўлинг-ла пайҳон қилдинг лолангни,  
Ким тинглагай эрта сенинг нолангни,  
Хом сут эмган, қалби сўқир, эй, банда!  
Кўппак каби хушомадга эврандинг,  
Тўғри сўзга тишинг кайраб уврандинг,  
Гап тополмай, тупук сочиб гуврандинг,  
Хом сут эмган, қалби сўқир, эй, банда!  
Овсар каби лўқ этасан кўзингни,  
Қидирмагин отилган ўқ-сўзингни,  
Дашномларга дучор этдинг ўзингни,  
Хом сут эмган, қалби сўқир, эй, банда!  
Кўрдим, қандай бичдинг элга кенг кафан,  
Ёзилгани пешонамга шул экан,  
Бир кун дерсан, ўз-ўзингга, эҳ, аттанг,  
Хом сут эмган, қалби сўқир, эй, банда!

## НЕ АЖАБ

Овозангдан дунё лол, ёқа тутса, не ажаб,  
Не-не ошиқ ҳажрингда зардоб ютса, не ажаб.  
Ноз-карапшма, одобинг ром этганда ёш-қари,  
Ойсиз тунда интизор, сени кутса, не ажаб.

Тили бурро йигитлар сехрланиб қошингда,  
Дил изхорин айттолмай, тили қотса, не ажаб.  
Илҳом бериб муҳаббат, ёнаётган Оташ хам  
Шайдоларинг туфайли тутаб ётса, не ажаб.

Магурурланма, эй гўзал, Оллоҳ берган ҳуснингга,  
Ичи куйган кимсалар таъна этса, не ажаб.  
Хаёли бўл, вафоли, аёллигинг унутма,  
Сен кутмаган хор ошиқ қўлинг тутса, не ажаб.



Азимжон  
Каландаров



1968 йилда Бухоро вилояти Олот туманиндағи Чандир қишлоғыда туғилған. 1984 йилда ўрта мактабни аъло баҳоларда битирған ва Самарқанд давлат университетининг амалий математика факултетига ўқишигга кириб, мазкур университетни 1991 йилда имтиёзли диплом билан тугатған. Ҳозирги пайтда Бухоро давлат университети физика-математика факултетида талабаларга сабоқ беради. Шу билан бирга, насрда қалам тебратиб келмоқда. Унинг ҳикоялари даврий нашрларда эълон қилиниб, ўз муҳлисларини топған. 2006 йилда «Офтоб», 2010 йилда «Одамлардан бири», 2014 йилда «Тепаликда қолған одамлар» номли тўпламлари, 2014 йилда «Боди сабони кўрсам» (Махтумқули асарлари таржимаси), 2016 йилда «Дунё, хей» (Махтумқули асарлари таржимаси) китоблари нашр қилинган. Илмий тадқиқот ишлари бўйича бир нечта илмий ва усулий мақолалари, қўлланма ва рисолалари чоп этилған.



## Вафодор (Хикоя)

Мен итман. Қулоклари диккайган, думи хурпайган оддийгина ит. Мен ҳамма нарсани тушунаман, ҳаммасини биламан, фақат гапира олмайман. Хотираларни ҳам бор эди. Фақат уни анчадан бүён күрмаяпман. Келинг, яхшиси бир бошдан гапириб берай.

Түғриси, қаерда, қачон туғилганимни эслай олмайман. Ишқилиб, күзим очилган дастлабки кунлар, онамнинг иссиқ оғуши, сут таъми ҳамон эсимда, лекин, бунга анча йил бўлди. Эсимни танигандан бери кўчадаман. Онам катта бир кулранг итга эргашиб кетганидан бўён ундан, умуман, бутун дунёдан аразлаганман. Хуллас, у пайтлар кичкинагина итвачча эдим. Катта шаҳарда, одамлар орасида яшардим. Чўчқадек семиз бир одам хеч қандай сабабсиз мени тепиб, оёғимни синдириди. Ҳаммаси шундан бошланди. Оёғим қаттиқ оғриб, инграб, чўлоқланиб кетаверсам, бошқа бир одам мени ушлаб олиб, оёғимни тахтакачлади. Олдимга егулик қўйди. О, туғилганимдан бўён бунақа мазали нарсаларни татиб кўрмагандим. Маза килиб едим, оёғимнинг оғриғи ҳам унтилгандек бўлди. Шундан сўнг мен бу ўрта бўйли, юзлари нурли, сочиға оқ оралаган, доимо хаёлчан юрадиган одамни яхши кўриб қолдим. Энди бу одамдан айрилмайман, уни Хўжайнин деб атайман деб, ўзимга сўз бериб қўйдим. Ётадиган жойим яхши, менимча, бу хўжайнининг ишхонаси бўлса керак. Одамлар қизик-да, бир жойда яшаб, бошқа жойда ишлайдилар. Ишқилиб, ҳар куни егулик бор, парвариш яхши бўлиб, тузала бошладим. Кунларнинг бирида у оёғимдан тахтакачни олиб ташлади. Бинойидек юра бошладим. Оёғим оғримаяпти, ҳатто чўлоқланмадим ҳам.

Хўжайним ҳар куни эрталаб келади. Келган заҳоти мен югуриб олдига чиқаман. У менга егулик бирон нарса олиб келган бўлади. Корин ғамидан қутилиб, яна остонасига ётиб оламан. Унинг олдига кўп одамлар кириб чиқаверади, кириб чиқаверади. Бу ерда қоғоз кўп. Ҳамма ёқ қоғоз. Тавба, одамлар нима қилишаркан шунча қоғозни? Бир чеккада мен уларни кузатиб тураман. Кимdir хурсанд бўлиб чиқади, қайси бири уришиб-уришиб чиқади. Лекин кўп одам бу ердан рози бўлиб чиққанини кўраман. Баъзилари менга бирон егулик ҳам ташлайди. Кечга бориб одамларнинг келиши камаяди. Мен кутиб тураман, ҳеч ким қолмагандан кейин хўжайнининг олдига кираман.

— Оч қолдингми, дўст? — дейди у менга кўзойнак остидан қараб. Мени Дўст деб чақиради у, ўрганиб кетганман. Бошимни кўтариб унга қарайман. У эса ўрнидан туриб, бошқа бир хонага кириб кетади. Сўнг менга егулик олиб чиқиб беради. Ташқарида мен учун бир идиш қўйилган. Егуликни ўшанга ташлайди. Мазза қилиб ейман-да, келиб очиқтурган эшикдан секин муралайман. Хўжайн кўзойнакни кўзидан олиб, менга қараб турган бўлади. Авваллари қўрқа-писа борар эдим, сўнг ўрганиб кетдим. Кўрдимки, бу одам ҳеч кимни уришмайди. Секин бориб хўжайн ўтирган креслонинг тагидаги гиламчага ётиб оламан. Оҳ, ана бу ер юмшоққина, ётиш ҳам мазза. Кўпинча хўжайн туфлисини ечиб, оёғини менинг устимга кўяди. Оёғи бирам иссик, ундан юрагининг уриши эшитилиб туради. Хонада паст овозда мусиқа янграб туради. Мусиқа билан юрагининг уриши ўхшаб кетади. Юраги мусиқага қараб урадими ёки мусиқа юрак уришига монандми, билмайман. Ана шу ҳолатга маҳлиё бўлиб ётавераман, ётавераман...

Бирдан хўжайн кетадиган бўлиб қолади. Туфлисини оёғига кийиб, ўрнидан туради. Эшикнинг олдида уни кузатиб тураман. Бирам чарчаган бўладики, кўзлари зўрға очилади. Чироқларни ўчириб, кўчага чиқади. Ташқарида кеч кирган, ҳамма ёқда

кўча чироқлари ёқиб қўйилган. Хўжайин уйга қараб йўл олади. Мен ҳам ортидан эргашаман. Куни билан ётавериб зерикканим учун бу сайд жуда ажойиб. Димоғимга бир нималарнинг хиди урилгандек бўлади. Ўша нарсани излаб кўраман. Хазонлар, турли нарсалар, тупроқларни титиб чиқаман. Гоҳ хўжайниндан орқада қоламан, гоҳ югуриб олдинга ўтиб кетаман. Бориб оёғининг остида ўралашаман, у менга кулиб қарайди. Менга шунинг ўзи етади, демак мен уни хафа қилмабман. Эркаланиб кетаман, бурнимга урилган бирон хиднинг ортидан чопаман. Нихоят, хўжайнининг уйига ҳам етиб келамиз. Эшикка яқинроқ боришга қўркаман. Чунки бир марта яқинроқ борганимда эшикни очган аёл бошимга супурги билан урган. Лекин биламан, ҳозир ўша аёл хўжайнин кириши билан овозининг борича бақириб, жаврай бошлайди. Куни билан уйда ўтириб зерикса керак-да, менга ўхшаб...

Мен орқага қайтаман. Қайтиб келиб хўжайнининг ишхонаси олдида ётаман.

Бир куни унинг уйи олдида қолдим. Тонг отиши билан хўжайнин кичкина бир қизчани кўтариб кўчага чиқди. Мен хўжайнининг ёнига югуриб бордим. Хўжайнин уйининг олдидаги скамейкага ўтириб олди, қизча қучоғида ўтирибди. Қизча менинг кўрган заҳоти оғзидаги бир-иккита тишини кўрсатиб, хўжайнинга қаради.

– Кел, ўйнаймиз, – дедим қизчага. Қизча менинг гапимга тушунди.

– Ҳозир, бобом қўйворсинлар, – деди-да, хўжайнининг қучоғидан сирғалиб туша бошлади. Ерга оёғи тегиши билан менга қараб:

– Қулоғиигдан тортайми? – деб қулоғимга ёпишди. Кўлчалари бирам майин эканки, қулоғимга бирам ёқди! Тумшуғимни қизчага тегизсам, у қочиб, ўзини хўжайнининг қучоғига урди. Демак, бундан сўнг унга тумшуғимни теккизмайман.

– Кетдик югурамиз! – дедим ва югуриб олдинга чиқдим, оркага қарасам, қизча ортимдан келаяпти.

– Ҳозир сени тутиб оламан! – деди ортимдан атак-чечак қилиб эргашаркан.

Шу куни қизча билан роса ўйнадим. Фақат бир нарсага ҳайрон қолдим: менинг гапимга қизча тушунди. Унинг гапига мен ҳам тушундим. Нега одамлар катта бўлиб қолгач бизни тушуниш у ёқда турсин, бир-бирларини ҳам тушунмайдилар ёки тушунишга ҳаракат ҳам қилмайдилар?!

Хўжайнинг олдига келадиган икки одамни мен кўп кўраман. Бири ориқ, узун. Бу одам кўпинча ҳамма кетгандан кейин, кеч тушиши олдидан келади. Қўлида халта, ундан бирам ёқимли ҳид келиб туради. Хўжайнинг хонасига кириб кетаркан, ортидан эшикни маҳкам ёпади. Иккаласи анча вактгача бир нималарни гаплашиб ўтиради. Мен эса кутиб ўтиравераман. Нихоят, эшик очилиб, менга аталган насиба чиқади. Хўжайн қўлидаги суюкларни менинг идишимга соларкан, ундан бир бадбўй ҳид келади. Ўзи ҳам гандираклаб турибди. Одамларга ҳайрон қоламан, бунаقا ёмон суюқликни қандай ичишаркан? Бир сафар суюкларнинг устига ундан озгина тўкилган экан. Нафсим кўймади, ялаб кўрдим. Лекин эрталабгача кўнглим айниб чиқди. Нима бўлгандаям бошқа бунақасини емайман, деб қўйдим ўзимга.

Ориқ, узун кишининг хўжайнинг хусумати йўқ. Уни мен биламан, кўнглида бирорвга ёмонлик тиламайди. Кўзларимга бир зум тикилган пайти кўнглидагини сезганман. Шунинг учун ҳам ҳар сафар келганидан хурсанд бўламан, югуриб олдига чиқаман. Яна бир бақалок, тепакал келади баъзан. Бу одамни жиним суймайди. Хўжайнини ёмон кўради, қарашларидан маълум. Нега ёмон кўради, билмайман. Тепакалнинг ичи қоп-қора, балки шунинг учун ёмон кўрар. Хўжайн унга ёмонлик қилмайди-ку. Мен унинг ҳам ичиши кўриб тураман-ку. Одамларнинг кўнглидагилар менга аён.

Бир сафар қия очик турган эшикдан уларнинг сухбатини эшитиб қолдим.

– Сен болаларни ҳам ўзингнинг колипингга тушираяпсан, – деб бақиради тепакал, – Сен фақат фалонта китобим чиқди, деб мақтанишни биласан, ёзганларинг ҳаммаси бир тийин. Одамларнинг бошини қотиришдан бошқа нарсага арзимайди. Агар мен ҳам шундай жойда ишлаганимда бундан ҳам кўп китоб чиқаардим. Секин бошимни эшикдан ичкарига тикдим. Тепакал кўлидаги китобни хўжайиннинг бурнининг тагигача олиб бориб бақиради:

– Шуям шеърми, шуям асарми, сен умуман адабиётни тушунмайсан! Олдингтакимтўртқаторёзибкелса, ўзингунишеър қилиб чиқараверасан. Сен пул ишлайсан, бошқа дардинг йўқ. Хўжайин кўз кири билан менга қаради, унинг ранги бўзариб кетганди. Тепакал ҳам бурилиб эшик томонга қаради, менга кўзи тушиши билан қўлидаги китобни менга қаратиб отди. Орқага қараб қоғдим. Баъзан кўчада итларнинг бир-бирини гажиётганини кўраман, менинг жуссам уларнидан кичикроқ бўлса, яқинига йўламайман. Аслида каттароқ итлар кичигига тегмайди, ҳайвонлар қонуни бу. Уришса ҳам ўзининг тенги билан уришади. Одамларга эса бунинг фарки йўқ, шекилли...

Тепакал эшикни тарақлатиб ёпиб чиқиб кетаркан, «Бопладимми!» деб тиржайди. Бориб оёғидан узиб олгим келди. Лекин, ўзимни босдим. Бироздан кейин ориқ, узун келди. Кўлида халтаси йўқ эди. Хўжайин билан иккаласи озроқ ўтириб, сўнг чиқиб кетишиди. Хўжайиннинг ранги кўкариб кетибди. Авзори ҳам бузук. Ориқ, узун хўжайинни кўлтиқлааб олди. Иккаласи етаклашиб чиқиб кетдилар. Бу ерга келадиган одамларнинг кўпидан «пул» деган сўзни эшитаман. У нима экан, деб ўйлардим. Бир куни хўжайин столининг устида шу нарсани кўриб қолдим.

Якинроқ бориб ҳидлаб кўрдим: бир даста қозоз экан. Қизик, уни еб бўлмаса, одамлар нима қиласканлар уни?

Совук ўтиб, иссиқ кунлар бошланган эди. Эрта тонгдан хўжайиннинг уйига бордим. Хўжайин қачон чикаркан, деб кутиб турсам, яна ўша қизчани етаклаб чиқиб қолди. Кизча одамларга ўхшаб гаирирадиган бўлиб колибди. Хўжайниндан тинмай ни-маларнидир сўрайди. Мен уларнинг олдига югуриб бордим. Кизча бирам кўркиб кетдики... «Кел, ўйнаймиз», – дедим.

Тушунмади. Ўтган сафар кўрганимда тушунган эди. Демак, инсонлар болалигидагина бизни тушунади... Кизча энди bemalol юрадиган бўлибди. Ҳатто югурадиям... Хўжайин қизча билан анча айланиб юрди. Мен ҳам уларнинг атрофида юрдим. Секин-аста қизча менга ўрганди. Ҳатто менга қанд берди. Мазза қилиб едим. Кун исий бошлагандан кейин улар уйга қайтишиди. Шундан кейин ҳам бир нечамарта улар билан бирга айлангандим. Дараҳтларнинг барги тўкила бошлаган вактлар эди. Кечки пайт хўжайиннинг олдига яна ўша тепакал келди. Иккаласи бирам жанжаллашишиди... Атрофда ҳеч ким йўқ уларни ажратиб кўйишга. Нихоят, тепакал қорнини шишириб, хурсанд чиқиб кетди. Қия очиқ турган эшикдан бошимни тиқиб қарасам, хўжайин ўзи ўтирган креслога ястаниб қолибди. Аста ёнига бориб, оёғига суйкандим. Юрак уриши аввалгидек эмас. Бир чеккага ўтиб юзига қарадим, ранги оқариб боряпти. Ўзимни кўчага отдим. Ташқарида дарвоза олдида иккита одам турган экан, уларга қараб вовуллай бошладим. Қани энди уларга тушунтира олсам! Улардан бири қўлига таёқ олиб мени кува бошлади. Мен хўжайиннинг хонаси томон қочдим. Изимдан келаётганидан хурсанд бўлдим. Орқага ўгирилиб қарасам, у одам қайтиб кетаяпти. Яна унга қараб во-вулладим. У эса парво ҳам қилмай изига қайтиб кетди. Қанчалар ёлвордим, эй, одам кел, бутомонга бир қарагин, деб. Лекин у пинак ҳам бузмади. Дарвоза олдидаги ўтиргичга ястаниб, ёнидаги билан сухбатии давом эттирди. Қайтиб кирсам, хўжайин ғалати, хириллаган овоз чиқарайпти,

кўркиб кетдим. Шу пайт миямга бир фикр келди. Мен хўжайнинг яшайдиган уйини биламан-ку. Уйига қараб чопдим. Зиналардан югуриб чиқиб, темир эшикни тимдалай бошладим. Эшик очилиб, мени супурги билан урган аёл пайдо бўлди. Тез юрганимдан оғзимдан тилим осилиб кетди. Унга қарадим. Шу пайт қўлига илинган нарса, ботинка бўлса керак, ўша билан белимга солди: вангиллаб орқага қараб қочдим. Қайтиб келиб, хўжайнинг оёқларига суйкалдим. Оёқлари совий бошлабди...

Кўчага чиқиб роса ярим соат увилладим, бирор қайрилиб қарамади. Эрталабгача кутишдан бошқа иложим қолмади. Тонгни хўжайнинг оёқлари остидаги гиламчада оттирдим. Бир пайт ҳар доим хўжайнинг чой дамлаб кирадиган қиз келди. Очиқ эшикдан бир қаради-ю, додлаб кўчага югорди. Унинг изидан дарвозанинг олдида турадиган одам югуриб келди: «Ман айтдим-а, кечакучук кўп безовта бўлди деб...»—деяхонагакирди. Сўнг кимларгадир телефон қилишди. Мен ташқарига чиқдим. Бироздан сўнг бу ер одамларга тўлиб кетди. Ҳар хил оқ машиналарда келишиб, хўжайнини олиб кетишди. Мен ҳам изларидан югуриб кетдим. Лекин машина тезроқ чопаркан, унга ета олмадим. Орқага қайтишга мажбур бўлдим. Қайтиб хўжайнинг ишхонасига келдим. Эшик берк, бу атрофда ҳеч ким йўқ эди. Шундай кейин уйига қараб чопдим. Уйи атрофида ҳам ҳеч кимни учратмадим. Анчагача кутиб ётдим. Мен биладиган ҳеч ким келмади...

Бир неча кун хўжайнни изладим. Уйи билан ишхонасига кунига неча мартараб бориб келдим. Аммо хўжайнни учратмадим. Бир куни хўжайнинг ишхонасига борсам, эшик очиқ турибди. Секин эшикдан мўраладим. Қарасам, хўжайнинг ўрнида ўша тепакал ўтирибди. Орқага қайтдим. Барibir хўжайнни топаман, дедим ўзимга-ўзим. Тумшуғимни баланд қилиб, ҳавони ҳидладим.

Хўжайиннинг хиди бурнимга урилгандек бўлди. Энди шу хидни йўқотмасам бўлди, хўжайинни албатта тоиаман, дедим. Хўжайиннинг хиди шундок димоғимда турибди. Йўлга тушдим. Югуриб кетавердим, кетавердим... Бирон нарса есам, бирон бегона хид бурнимга урилса хидни йўқотаман деб ҳеч нарсага қарамадим. Билмайман, неча кун югурдим. Аллақандай жойларга бориб қолдим. Одамларнинг ҳаммаси ернинг остига кириб кетишган шекилли, ер юзида одам зоти кўринмасди...

Хўжайн ҳам ернинг остида...

Чиқиб қолармикан деб анча кутдим. Чиқавермади. Корним жуда очиқиб кетган эди. Хўжайинни топдим-ку, дедим ўзимга ўзим. Атрофдан бирон егулик изладим. Излаб-излаб, бир уйнинг яқинига бориб қолибман. Қулоқ солсам, хўжайиннинг овози келяпти!. Қачон ернинг остидан чиқиб келди экан, нега мен кўрмай қолдим..? Очикканимни ҳам унугиб, ўзимни ичкарига урдим. Хўжайн тўртбурчак қути ичида, ойнанинг ортида туриб гапираяпти. Вовуллай бошладим. Шунда бир одам чиқиб келиб мени ҳайдамокчи бўлди. Мен эса хўжайнни чақирдим. У эшийтмайди. Ойнадан туриб гапиришда давом ғаяпти. Овозимга атрофдаги итлар йиғилиб келишди. Уйнинг ғаси мени таёқ билан уриб кўчага ҳайдади. Шундай кўчага чиқишим билан бир неча итлар менга ёпишиб кетди. Энди мени тилкалаб ташлайди, деб турганимда катта бир ит пайдо бўлди. Ҳамма итлар ундан кўркиб, орқага тисарилишди.

- Сен қаердан пайдо бўлдинг? – деди катта ит.
- Хўжайнини излаб келдим, – дедим.
- Топдингми?
- Ернинг остига кириб кетган десам, мана бу уйдан овози чиқаяпти.
- Очиқиб кетибсан-ку. Юр, сенга егулик бераман. Катта ит олдинга бошлади. Изидан бордим. Катта идишда бир нималар бор экан. Оч бўлганим учун ундан роса едим.
- Энди мен борай, – дедим.

- Каерга борасан?
- Хўжайиннинг олдига. Чиқиб қолса, уни кўрмокчиман.
- У энди чиқмаса керак, -- деди катта ит.
- Барибир мен унинг ёнига бораман. Уни кутиб тураман, – дедим-да, хўжайиннинг олдига қараб чопдим.

Келиб қарасам, хўжайнин чиқиб кетмабди. Ҳалиям ернинг остида экан. Чиқишини кутиб ётавердим...

Бир куни хўжайинни кутиб ётсам, эрта тонгда бир машина келиб тўхтади. Аввал машинадан бир аёл тушди. Уни танидим, мени супурги билан урган эди. Ёнида ўша қизалоқ ҳам бор. Сўнг машинадан бир эркак тушиб келди. Улар мен томонга қараб келишарди. Мен ўрнимдан туриб, улар келаётган томонга қарадим. Шунда қизалоқ:

– Буви, дада, қаранг, бобомнинг кучуги! – деб, мен томонга югурмоқчи бўлди.

Аёл унинг қўлидан маҳкам ушлаб олди.

– Ҳамма кучук бобонгнинг кучуги бўлаверадими, қайт ортингта! – деди-да, ёнидаги эркакка буюрди, – Бор, итни қувиб кел. Мен нарироқقا бориб туриб, уларни кузата бошладим. Аёл ҳам, эркак ҳам роса йиғлашди. Қизик, одамлар нега йиғларкан? Йиғласа нима ўзгаради? Шуларни ўйлаб бошим қотиб турувди, яна бир неча кичик машина, битта катта машина келди. Кичиклари узокроқда тўхтади, каттаси эса хўжайиннинг ёнигача келди. Ундан бир неча одамлар тушиб, тахта-ю тунукадан бир нарсалар ясай бошлишди. Келганларнинг орасида тепакал ҳам бор эди. У одамларга қараб бир нималарни уқтирарди. Улар анча уриниб, бир уйча қурдилар. Аввалига севиниб кетдим, буни менга қуряптиларми деб. Шунинг учун узокдан томоша қилиб турдим. Бир пайт қарасам, узун, ориқ ҳам шу ерда экан. Ишни тутатиб, ҳаммаси уйчанинг атрофида ўтиришди. Ораларидан кимdir дуо ўқиди. Мен бунинг дуо эканлигини оҳангидан сезиб турдим. Анчадан кейин тепакал биринчи бўлиб ўрнидан турди-да, ориқ,

узунга қараб бакира бошлади. Мен яқинроқ бордим. Ориқ, узун ерга бөкіб бир чеккада турарди. Шунда тепакалнинг овозини аниқ-тиниқ эшиздим:

— Уни сен ўлдирдинг, ўзи юраги хаста эди, сен арақ ичиравериб ўлдирдинг! Ох, жон дўстим, қадрдоним, сени нималар қилиб қўйди бу пиёниста! — деб оҳ-воҳ қила бошлади. Тепакалнинг юзига қарадим, унинг башараси худди ўша куни хонадан чикиб кетаётгандагидек. Тиржайиб туроётгандек. Ичи қоп-қоронғи. Ҳозир бу ерда одамлар кўп-да, бўлмаса сени тилкалаб ташлардим, дейман ўзимга-ўзим. Секин писиб чеккада турган ориқ, узуннинг ёнига бордим. У йифлаб турарди. Мени кўриб, ёнимга келди. Бошимни силади. Кўзининг ёши шундок тумшуғимга томди. Бирам иссиқ, лекин шўр экан. Мен унинг оёғига суйкалдим.

— Ана энди ўзингга ҳамроҳ топдинг, — деди тепакал кесатиб.

Мен унинг гапига парво қилмадим, чунки мен қизалоқни излардим. Унинг кўлларининг тафтини согингандим. Келиб яна қулоғимдан, думимдан тортсаям майли эди. Лекин, уни аёл маҳкам қучоқлаб ўтиради. Бироздан кейин ҳаммаси кетди. Мен яна бир ўзим хўжайнини кутиб қолдим. Аввал уйчанинг ҳамма томонини айланниб чиқдим. Бирон жойида кирадиган жой йўқ... Кейинчалик уйчанинг бир томонига катта тошни ҳам ўрнатиб қўйишиди. Энди хўжайнин қандай чиқади бу ердан? Барibir кутиб ўтиравераман, бир куни чиқиб қолар... Негадир сўнгги пайтларда мадорим қочиб, дўстим тез-тез тушимга кирадиган бўлди. Кўнглим эса ёришиб боряпти: дийдор онлари яқин!

## Маймун билан Товус

Маймунни худо урган куни Товусни севиб қолибди. Товус ҳам бир ноз қилибди, икки ноз қилибди, аслида ўзи ўлиб турган эмасми, рози бўла қолибди. Хуллас иккаласи турмуш қуриб яшай бошлабди. Маймун ўша пайтлари ўзида йўқ хурсанд, Товуснинг висолидан сармаст бўлиб юраверибди. Маймун бундай ўйлаб қараса ўзидан кейин бирон зурриёд қолмаяпти.

– Менга кичкинагина битта маймунча туғиб бер, – деб ялинибди Маймун Товусга.

– Мен туғмайман, – дебди Товус, – мен тухум қўяман, ана ўшани босиб ётсанг, ундан кичкина жўжа чиқади.

– Неча кун босиб ётиш керак? – сўрабди Маймун.

– Жўжа чиққунича, – жавоб берибди Товус.

Маймун тухум босиб ётишга рози бўлибди. Товус эса унга биттагина тухум туғиб берибди. Маймун оч наҳор бўлсаям тухумни босиб ётаверибди. Ўрнидан туриб бирон нарса емоқчи бўлса, тухумлар совиб қолади, деб Товус рухсат бермас экан. Маймуннинг муҳаббати, яна кичкина маймунча орзуси кучлилик қилиб, кечакундуз ўрнидан турмабди. Товус эса ялло қилиб юраверибди. Бир куни Товус уйига келиб қараса, Маймун тухумнинг устида ўлиб ётганмиш. Тухум эса палағда бўлиб, ёрилиб, хиди ҳамма ёқни тутиб кетган. Товус бирам йиғлабди, бирам йиғлабди, айтиб-айтиб йиғлабди. Ҳамма унга қўшилиб йиғлабди. – Бечора Товус, – дейишибди атрофдагилар, – ёрини қаттиқ севар экан, муҳаббатидан жудо бўлганига қанчалар нола қиласинти. Шундай буён Товус ҳар куни тонг саҳардан ноласини бошларкан. Ножингса кўнгил берсанг, Маймуннинг ҳолига тушасан.



Моҳидил  
Шермонова



1968 йил 30 октябрда Сирдарё вилоятида туғилган. 1986 йили Жиззах вилояти Баҳмал туманидаги 29-ўрта мактабни тамомлаган. Тошкент давлат маданият ва санъат молия олийгоҳини ҳамда маҳсус журналистика курсини тамомлаган. 2014 йил «Соғинчларим», 2017 йил «Ойдин йўллар» деб номланган шеърий тўпламлари чоп этилган. Республика ва хориж матбуотларида бир қанча публицистик ва шеърий асарлари эълон қилинган.

## ДИЙДОР ИСТАБ

Ота уйнинг қадри бўлак, меҳри бўлак,  
Болалигим ўтган дамлар пурвикордир.  
Ёнингдаги яқинларинг ўрни бўлак,  
Бахтимизни кўрса улар баҳтиёрдир.

Юрагимда болаликнинг завқи ҳамон,  
Етаклайди хотиралар шавқи томон,  
Ойлар ўтар, йиллар ўтар, утар умр!  
Согинтирас ширин дийдор ўшал замон.

Олис йўлнинг азобида гир ёнаман,  
Дийдор истаб Аллоҳимга ёлвораман.  
Тугамайди бу ҳаётнинг ташвишлари,  
Яна ўзим билан ўзим оввораман.

Гар кўрмасам хол сурмасам, боролмасам,  
Хижрон аро хомуш хафа кўнгилларим.  
Азиз ота-онам, ака-укаларим,  
Омон бўлинг мунис опа-сингилларим.

Умр келиб кетгувчи бир фасли баҳор,  
Мен сизларга дил сўзларим этай изҳор.  
Омон бўлинг эй қадрдон яқинларим,  
Сизга меҳр-у муҳаббатим дилда бисёр.

## ҲАЁТ МАКТАБИ

Мен дўстларнинг кўзларида меҳр кўрдим,  
Ғанимларнинг сўзларида қаҳр кўрдим,  
Бу дунёда ҳам онанг дўст ҳам, отанг дўст,  
Ҳикматларнинг замирида сеҳр кўрдим.

Хосиятли инсонларни ҳолис кўрдим,  
Холислардан ғаразликни олис кўрдим,  
Ҳавас ахлин оқибатли аҳил кўрдим,  
Ҳасад ахлин рақобатли баҳл кўрдим.

Магар кимнинг юрагида кибр кўрдим,  
Албат унинг ҳаётида жабр кўрдим,  
Такдир йўли goҳо енгил, goҳ мураккаб,  
Иймонлининг юрагида сабр кўрдим.

Қинғир ишга жазо бирла жавоб бордир,  
Ҳаром гунох ҳалолида савоб бордир,  
Виждонинга қилма жафо аҳли муслим,  
Қиёматда золимларга азоб бордир.

Ҳикматларнинг замирида сехр кўрдим...

### ОНАМ БИЛАН

Бахтиёрман бахтлидирман парвонам билан,  
Латофатда тенги йўқ ул дурдонам билан.  
Дийдорлашиб қувнасам воҳ, ягонам билан,  
Давраларда рақсга тушсан мен онам билан.

Кўзга суртгим келар ҳар гал азиз изини,  
Шодлигидан шодланаман кўрсан ўзини.  
Юрагимга боссам қани кучиб юзини,  
Давраларда рақсга тушсан мен онам билан.

Рухим парвоз айламакда кенг самоларда,  
Туйгуларим улашаман тонг саболарга.  
Дилрабо, шўх, куй-қўшикқа, хуш наволарга,  
Давраларда рақсга тушсан мен онам билан.

Гоҳи севинч сиғмай кетар менинг ичимга,  
Гоҳ бардамлик бахш этади онам кучимга.  
Дўстлар ҳамроҳ бўлинг энди бу қувончимга,  
Давраларда рақсга тушсан мен онам билан.

Бу давранинг файзи бўлак содик дўст билан,  
Кўришайлик яхши кунда ёруғ юз билан.  
Келинг бирга ўйнаб кулинг сиз ҳам биз билан,  
Давраларда рақсга тушсан мен онам билан.

## ОТАНГ СЕНДАН РОЗИ БЎЛСИН

Садоқатли инсон билан гўзал экан бу олам,  
Мард-у, ҳалол, матонатли отангта ўхша болам.  
Камолингни кўрмок истаб кун-у тун дилда нолам,  
Мендан кўпроқ отанг сендан рози бўлсин, жон болам.

Ота рози Худо рози, отанг дуосин олгин,  
Ҳикматларнинг замирида ҳақиқат бордир, билгин.  
Уйим обод бўлсин десанг азиз кўнглин шод қилгин,  
Мендан кўпроқ отанг сендан рози бўлсин, жон болам.

Ота дили оғринса гар титраркан етти фалак,  
Бу дунёда фарзанд учун ғамхўр йўқ ундан бўлак.  
У сен учун шунчалар ҳам қайғуриб, жони ҳалак,  
Мендан кўпроқ отанг сендан рози бўлсин, жон болам.

Қайтар дунё, бир кун келиб қайтмай қолмас экан, бил,  
Отасини рози қилган, отангни сен рози қил.  
Кексайганда нозиклашиб қолар экан бу кўнгил,  
Мендан кўпроқ отанг сендан рози бўлсин, жон болам.

## СОҒИНИБ КЕЛ

Бир кун келар бизлар кутган севги сайли,  
Йиллар оша соғинтириб яша, майли.  
Мажнунини кутган менман ушал Лайли,  
Келсанг, ўзинг соғиниб кел, вафоли ёр!

Зухро каби осмонингда порлагайман,  
Тоҳиримни ҳузуримга чорлагайман.

Ошиқмасанг севгингни тан олмагайман,  
Келсанг, ўзинг соғиниб кел, вафоли ёр!

Ширин каби севсам ҳамки Фарҳодимни,  
Олиб қўяр бўлса тунда хаёлимни.  
Мен ҳеч кимга айттолмам дил фарёдимни,  
Келсанг, ўзинг соғиниб кел, вафоли ёр!

Сен ҳам бир бор соғиндим деб ул Моҳингни,  
Кимларгадир айтганмисан дил оҳингни?  
Кўргим келар соғинч тўла нигоҳингни,  
Келсанг, ўзинг соғиниб кел, вафоли ёр!

Ўзинг билан баҳт олиб кел, вафоли ёр!



Обид  
Күлдөш



Бухоро вилоятида таваллуд топган. «Хаёлимни ўғирлаган киз», «Моҳиятга сайр» сингари китоблар муаллифи. «Бухоро оқшоми» газетаси мухбири.

## МАХЛУҚ

*Бешикни ёдимга туширди тобут.  
Аъзам Ўқтам*

Ўша тунда Оймома осмонни тарқ этган эди. Шахар ғафлат уйкусида. Баҳайбат Махлук ахлатхона ёнгинасидаги захкашдан чиқиб келди.

Ҳайратланарлиси – кейинчалик уни ғарбдан кириб келди, дейдиганлар ҳам кўпайди. Аслида ҳар бир шаҳарнинг Оймомаси, Махлуклари бўлади. Ҳар ҳолда буни бувим Кенжа биби айтган. У яхшигина ровий, рамзлаштиришга уста эди. Мен эса фақат баён қиласман. Воқеанавислигим учун «Хиёбон газеталари»дан яхшигина қалам ҳақи ҳам олиб тураман.

Алам қиласманни, қўшним, шаҳар ҳавосига ўрганолмаётган шоир Й. Т. менга «бозорчисан, яланғоч ёзасан,» дегани-деган. Ўзининг ижодида замонавийликдан асар ҳам йўқ. У аллақандай минора-ю мадраса, гумбазлар ҳақида ёзадимией.

Махлук шунчалар жирканч эдики, айникса, ундан қўланса ҳид анкиётганига чида бўлмас эди. Кўзларида эса меҳрдан асар ҳам йўқ. Аллақандай очлик жазаваси ёниб турарди.

У биринчи бўлиб қишлоқдан шаҳарга қочиб келган Т фохишани еди. Лекин ҳамма ундан қочар, Махлукқа қарши ҳаракат йўқ эди. Кейин у наша кайфидан Ойномани унугтган бир тўда бангиларни паққос туширди.

Одамлар Махлукдан телбаларча қочишар, аммо улар шаҳардан чиқиб кетишнинг имкони йўқлигини билишмасди. Чунки кўшни шаҳарларда уруш кетаётган эди-да. Бу хабар эса уларни шу пайтгача бирор маротаба ҳам қизиқтирумаган.

— Махлукқа қарши биргалашиб курашганда, уни енгган бўлармидик... — деди қўшиним менга илтижоли термилиб. Й. Т. нинг нигоҳида кўркув, даҳшат эмас, мен англаб етолмаётган канакадир хавотир бор эди. — Болаларини ташлаб бўлса-да, ўзга шаҳарларга қочаётганлар биланми?

Шоир ўзининг саволига ўзи жавоб берди. Тўғрироги, у ўзига-ўзи гапираётган экан.

Бу пайтда шаҳарнинг ярми остин-устун бўлган эди. Қийчув, йиги-сиги, шовқинлар қулоқни қоматга келтирадиган даражага етди. Бироқ ҳеч ким жаноб Махлукқа курол у ёкда турсин, хода ҳам ўқталмас, у эса кимнингдир тилидан, бошқа бирини кўзларидан ейишни бошлар, паққос тушириб бўлганидан кейин оғзидан бадбўй ҳид тарқатганча кекириб олиб, яна «иши»ини давом эттираверарди.

Махлук шаҳар ахлини деярли еб тутатди. Энди у биз томонга бостириб келаётган эди. Хавотирланиб, қўшинимга боқдим. У нимадандир асабий, лекин ҳали ҳам Махлукдан заррача кўркмаётган эди. Менга эса суякларим шикирлаётгани ёшитиларди. У устимизга янада тезлик билан бостириб кела бошлади. Бирдан сонларим ораси қизиганини, кейин ялтироқ шимим хўлланганини сездим.

Махлук менинг қонсиз юзимга қарата қаҳқаҳа отди. Шунда унинг оғзидаги қолғиндилар юзларимга учиб тушди. Бадбўй ҳиддан кўнглим бехузур бўлди. Махлук Шоирга маҳзунона тикилиб қолди. Мени эса қўшним кўркинчни умуман туймаётгани ажаблантиради.

Вайронага айланган шаҳар тинчиб қолган эди. Махлук битта-ю битта омон қолган уй олдига борди. Биз ҳам унинг ортидан эргашдик.

Кўркинчдан деярли қутулган бўлсам-да, оёғимга илашаётган ҳўл, ялтироқ шимим кўнглимни яна бехузур қила бошлади.

Уйдан аллақандай сеҳрли овоз эшитилаётган эди. Аввалига англомадим. Шоир менга маъноли термилди. Очиги унинг «дард»ини тушунолмадим.

Махлук дераза қархисига янада яқинроқ борди. У Онанинг пастқамгина уйидан таракалаётган аллани тингларкан, баҳайбат, бесўнақай гавдаси кичрайиб борарди. Шоирга қарадим. Кўшнимнинг маъюс кўзларидан шашқатор ёш оқарди.

Махлук секин-аста Инсонга айланди. У ёшариб, беғуборлаша бошлади. Она ўз қўшиғини тугатганида, у тахминан уч ёшлардаги болага айланиб қолган эди.

Болакайнинг юзини кўришга юрагим дов бермасди. У секингина биз томонга ўгирилди. Ё Раб! Бунчалар таниш чехра! Уни қаердадир кўргандайман.

Шоир қулоғимга пиҷирлади:

– Болалигинг.

Рўпарамда ўзим менга илтижоли термилиб турарди.

## УНУТИЛГАН АШУЛА

Уни биринчи бўлиб ким куйлаганини ҳатто қабила бошлиғи ҳам билмайди. Қайси массагетдан сўрасанг «Отабоболармиздан қолган», дея олишади, холос.

Ашула... Кизиқ, уни шундай аташарди. Ҳатто бу нима маңнори англатишни ҳам билмайды улар.

Бизга ушбу халкни маданийлаштириш топширилганди. Ҳамиша фахрланадиган ҳарбий мундиримни кийиб, каддимни ғоз тутганча бу овлоқ жойга биздан олдин етиб келган аскарга: «Уларга Ашула айтишни маңн қылғин!» деб буюрдим. У эса худди ғайритабиий нарсаны күргандай серрайиб тураверди.

– Кармисан? Буйрукни бажар!

– Мени авф этинг.

Аскар бизга ёт, массагетларга хос қилиқ қилды. Яньни уңг қўлини кўксига кўйди ва хиёл эгилиб, «Ахир бу уларнинг кадрияти-ку. Шу ишимиз инсофданмикин?» – деди.

Ёрдамчим қаҳ-қаҳ отди:

– Сен уларга сотилиб кетибсан чоғи? Келишув нима бўлади?

Урушда пилта милтиқ нима билмайдиган қиличбозларни отиб ташлаганимиздан кейин улар бизга бўйсунишганди. Бироқ учта нарсанигина илтимос қилишган. Рози бўлганимиздан сўнг нонни кўлга олиб, онт ичишимизни сўрапшганди. Булар Ашула айтишлари, она тилларида гапириб, урф-одатларини ҳеч қандай чекловларсиз адо этишлари эди.

Ҳа, жуда ғайритабиий халқ-да булар. Ўта илтифотли, меҳмондўст ва меҳнатсевар.

– Буйрукни бажармасак, нима бўлишини биласанми?

Аскарни ғам босди. У бошлиғи билан гаплашаётганини ҳам упутиб, асосий стол қаршисидаги курсига ўтирди. Кўлларини пешонасига тираб, тумшайиб олди.

Аскар массагетлар Ашулани унугашлари ҳақидаги фармонни одамлар гавжум жойларга ёпиширишдан бош тортди. Бундан ёрдамчим шунчалар ғазабга тўлдики, ҳатто менинг рухсатимсиз аскарни савалади. Бироқ у сўзидан қайтмас, афтидан бу иш жуда жиддийга ўхшарди.

Аскарнинг пешонасига тўплонча тирасам ҳам у мижжа кокмай, анавиларга ўхшаб тураверди. Аксига олиб бизлар

камчилик эдик. Қолавеса, одам ўлдиришдан зада бўлгандим. Бирдан-бир истагим жаллодликдан қутулиб, инсондек яшасам. Лекин бошлиқларим ва қўл остимдаги армия буни тушунмасди.

Ёрдамчим хонага саҳарданоқ ҳаллослаб кирди. Унинг ранги мурдадай оқарган, аввалги жасурлигидан асар ҳам қолмаган эди.

– Нима гап? Хотинлардек қалтирама. Ҳарбийга ўхшагин бундок! Типирчилама дедим, лаънати!

Столга туширган зарбамдан у сал ўзига келди. Бир ютуниб, кўзларини мўлтиратганча: – Аскар ўзини отиб қўйибди, – деди.  
– Устига-устак у массагетлардан уйланган экан. Туб аҳоли анча саросимада. Аскар уларнинг меҳрини қозонган кўринади.

– Шу етишмай турганди.

Аксига олиб уйга тез қайтишим керак. Ахир учинчи фарзандим туғилишида аёлимга унинг ёнида бўлишга ваъда берганман...

Бахтимга марказдан махфий чопар келиб, зудлик билан пойтахтга қайтишим кераклиги ҳақидаги хушхабарни қўлимга тутқазди.

Мана, орадан ўн йил ўтгач, ғирт ўзимга ўхшашиб малласоч, мовийкўз қизларим билан хайр-хўшлашиб, яна массагетлар ватанига келдим. Э, узр, энди бу ерлар тўлиқ бизнинг тасарруфимизда эди. Тўгрироғи, баъзи нарсаларгина расмият учун уларга тегишилдай кўрсатиларди-ю...

Эсимда, Ашулани унутишлари учун миллионлаб бегуноҳ массагетларни ўлдиридик. Айникса, аҳолининг зиёли қатламини шафқатсизларча қирап эдик. Менга фақат рақамларгина аён. Ахир охирги ўн йилни марказдаги амал курсиларининг бирида ўтказдим. Кейин билсам, бу ишдан ўзимнинг ҳарбийлигим минг тилло экан.

Ёлгон маълумотлар тўплаш, урушдагидек қаршилик кўрсатаётган юз, минг кишини ўлдиришмас, миллионлаб бегуноҳларни ҳалқ душманига айлантириш, кундан-кунга янги найранглар ўйлаб топиш...

Уч ой ичида оғзига талқон солиб олган бу халқ орасида шунчалар зерикіб кетдімкі, бундан күра мени ўлдиришгани яхшийди. На исён, на ўзаро уруш...

Хамма ўз вазифасини бажаради. Улар ҳиссиётлари ўлган, ҳаётдан умидлари йўқ оломонга ўхшарди.

Тўғри, уларни бошқариш осон, лекин бу ерда қилинаётган ҳеч бир ишдан кўнглим тўлмасди.

Марказга қайтиш учун ёзган бешинчи хатимга ҳам тайинли жавоб келмади. Ҳарбий мундиримга тикилган кўйи жим ўтирадим. Бироқ энди менга бу мундир аввалгидай виқор бағишиламаяпти. Марш кўшиқларини ҳам зерикб тинглайман. Ушбу халқнинг ҳозирги руҳияти мени сиқиб, ўз кўйига тортиб кетаётгандай. Ҳайронман, бу кетишда яна қанча чидарканман-а...

## СОБИҚ ЧУМЧУҚ

У чумчук эди. Тонгда қанотлари, ўз қўшиғи бор эди. Бироз қўзи илинганми, номозшом инсонга айланиб қолибди. Бундан собиқ чумчук шунчалар қўрқиб кетдики, бакувват бутоқдан жилғага кулаб тушишига сал қолди.

Дараҳтдаги ноқулайликдан қутулган янги инсон одамлар гавжум жойга борди. Бу ерни ишхона дейишаркан. Инсонни бошлиқ деганлари қабулхонасида ўзгача тавозе билан қаршилади. Бунақаси шаблон кинолардагина бўларкан.

Унга шунчалар мулозаматли бўлдики, бундан инсон ўзини жуда ноқулай сезди. Устига-устак у эркак жинсидан бўлсада, қизларга хос майдакашлик, эзмаликдан тийилмасди. Бошлиқнинг сохта мулозаматлари, содда-муғомбирлигини аниглаш учун чумчук бўлиш ҳам етарли эди, аслида.

Гўё латтабўй келадиган сұхбатдан шу маълум бўлдики, одамзод яшаши учун албатта ана шу ишхонада бошлиққа хизмат қилиши керак, вассалом.

Ишхонада бошлиққа энг манзур кимса чаласавод котиба эди. У ҳеч нимани тушунмаса ҳам бошликтининг сўзларини маъқуллаб туришни койиллатарди. Иккалалари майший мавзуда соатлаб сұхбатлашишарди. Собиқ чумчуқнинг таъбири билан айтганда, бу қиз бошлиққа думини ликкиллатишга жуда уста экан.

– Бошлиқ бўшмилар?

– Йўқ. Ёнларига шогирдлари, Тулкихон Таннозова келган, – деди котиба.

– Ахир у коллеж талабаси бўлса, 11 да келгани, соат 3 бўляяпти. Манови қоғозларни ўқиб чиқиб, имзо қўйишлари керак. Маълумотларни вилоятга қаҷон топшириб келаман. Колаверса, бу ёқда ўз ишларим ҳам қалашиб ётибди.

– Ишингиз бўлганидан кейин ултурасиз-да. Асосийси, бошлигимиз Таннозовани ишга олмоқчилар.

– Таннозовани-я?! Ё тавба! Ахир у исм-шарифини ёзишда бешта хато қилганди-ку. Тулкини кулги деб ёзганига ўлайми...

– Боринг ўша ёққа. Биз ҳозир бошлиқ билан уйимга гилам олишга кетамиз. Мен у кишининг уйларидаги гиламдан олмоқчиман.

– Ундан кўра уйларидаги ўша гиламнинг ўзини олсангиз бўлмайдими?..

Уч ой деганда собиқ чумчуқнинг миясида кучли оғриқ пайдо бўлди. У ишхонадан кетиб, туман ветеринарининг «Клиника»сида обдан даволанмоқчи бўлди. Лекин... афсуски, инсоннинг нияти амалга ошмади. Чунки бошлиқ ишхонада парвоз қилишни таъқиқлаб қўйганди. Собиқ чумчуқ ўзи жуда истаса ҳам, осмонга қўтариолмай қолди.



Баҳодир  
Ғулом



1970 йил 20 сентябрда Андижон вилояти, Марҳамат туманида дунёга келган.

«Ой бўзариб ботганда» номли китоб муаллифи.

### ЁМФИР

Тушларингда мени кут, гўзал,  
Боролмаслик мен учун оғир.  
Кўйлагимни килди шалаббо,  
Оқшомгача тинмаган ёмғир...

Тушларингда мени кут, гўзал,  
Соғинчларим бир капалакдир.  
Мухаббат бу – кечалари ой,  
Кундузлари қуёш, демакдир.

Тушларингда мени кут, гўзал,  
Гоҳи ғазаблансанг ҳам керак?!  
Мен ёмғирда чорасиз қолган  
Илтифотга арзимас юрак.

Тушларингда мени кут, гўзал.  
Энди куйганим билан кечдир.  
Муҳаббат бу – магрур тожмаҳал,  
Гуноҳкорман олдингда, кечир.

Тушларингда мени кут, гўзал,  
Кўксимга бир бало санчилар  
Ва ёмгирга кетар қўшилиб,  
Кўзларимдан томган томчилар...

Тушларингда мени кут, гўзал,  
Боролмаслик мен учун оғир.  
Кўйлагимни қилди шалаббо,  
Оқшомгача тинмаган ёмғир...

## РУМИЙ

Қалб – уммондир! Тубсиз бир уммон,  
Кема каби сузишинг керак.  
Оллоҳ битта, бошқа нарсадан,  
Умидингни узишинг керак.

Қалб – осмондир! Тубсиз бир осмон,  
Рух кечаси порлаган ойдир...  
Қалб – сандикдир! Калити меҳр,  
Дардинг, сиринг сақланган жойдир.

Дард – чашмадир! Тиник ва шўртаъм,  
Дарбадар бир етим кўз ёши...  
Агар ичсанг, девонадирсан,  
Агар ичсанг, айланар бошинг.

Ишқ – оловдир! Ошиқлик – азоб,  
Қандай ёмон жонинг ёнмаса.  
Муҳаббат йўқ сенда эй, инсон,  
Куръон сени йиғлатолмаса...

Жаҳолатдир – қўлингдаги тош...  
Бош кўтарма меҳрга қарши.  
Мўмин қалби кўзгудир синик,  
«Мўмин қалби – Оллоҳнинг арши...»

## ПУШКИНГА

Мендан шоир чиқмади, аммо  
Шеърларингни ўқидим гулга.  
Биласанми, оқшом чоғлари  
Қалб айланди ошиқ булбулга.

Мендан шоир чиқмади, бироқ  
Шоҳдек сездим ўзни мен ғарип.  
Кезгим келди денгизлар аро,  
Маликани бир зум ахтариб...

Мендан шоир чиқмади, лекин  
Мени ёмон қийнади бир дард.  
У чўғ бўлиб куйдирди жонни,  
Ўша чўгнинг номи – муҳаббат!

Мендан шоир чиқмади, фақат  
Кўз ёшимдек тўкилди алам.  
Софинганим афсунгар илҳом,  
Излаганим қоғоз ва қалам...

Мендан шоир чиқмади, аммо  
Шеърларингни ўқидим ойга.  
Биласанми, жимжит кечалар  
Қалб айланди шарқироқ сойга.

## ОЛОМОН

Хеч қачон халқ бўлмас оломон,  
Дардлашгансан кўзга ёш олиб.  
Сен жим турдинг, чорасизликдан  
Мирзо Бобур кетди бош олиб...

Хеч қачон халқ бўлмас оломон,  
Юзларингга оёқ босдилар.  
Сен жим турдинг, Балхда авлиё,  
Шоҳ Машрабни дорга осдилар.

Хеч қачон халқ бўлмас оломон,  
Кўқонингни вайрон қилди ғам.  
Сен жим турдинг, буюк малика  
Нодирани ўлдирсалар ҳам...

Хеч қачон халқ бўлмас оломон,  
Тилда бор-у дилда меҳр йўқ.  
Сен жим турдинг, қўлини боғлаб,  
Қодирийга узишганда ўқ...

Хеч қачон халқ бўлмас оломон,  
Ўйлантирас бахт, деган савол.  
Сен жим турдинг, саргардонликда  
Усмон Носир бўлганда увол.

Хеч қачон халқ бўлмас оломон,  
Дунё тинглар садоларингни.  
Энди дўстни бағринга босиб,  
Асра қолган даҳоларингни...



Нариза  
Офтикова



1976 йил 19 февралда Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Водил шаҳарчасида туғилган. 1993–1998-йиллари Фарғона давлат университети ўзбек филологияси факултетида таҳсил олган. Илк шеърий тўплами – «Оқ булат соғинчи».

«Бир ховуч ҳайрат» шеърий тўплами, «Ўрикли ҳовли» шеърий ва насрый тўпламлари нашр этилган, мақолалари босилган.

### МЕНИНГ НОМИМ

Ҳали «гап» билмаган,  
Ҳали хат билмаган,  
Саводсиз, савдосиз болалигимда,  
Исмимни ёзишни ўргатинг, дея  
Онамни кўймасдим ҳоли жонига.

Дафтар чизиғида босма ҳарфлар,  
Улаб-уланмаган осма ҳарфлар –  
Машқ килардим тинмай

Исмим ёзишни.  
Йиллар жанг майдоним – оппоқ қоғозлар  
Каби учиб кетди умр шамолда.

Лекин ҳалигача қоралаб қоғоз,  
Коралаб қорларни, қириб құмларни,  
Ойналарга пулаб қаҳратон чоғлар,  
Ҳали ҳам, ёзаркан тояр қаламим,  
Безатаркан ёзиб  
Күримсиз номим.

\* \* \*

Үрик гулларига айланди борлик,  
Күёш нурларида солланар хуррам.  
«О, қандай шүх, гүзәл, күзлари тиник,  
Шу қызың қалбидан ҳам борми алам-ғам».«  
Ха, жуда баҳтлиман, йироқ ғам-хижрон,  
Кулгумни қыстайды аввалги фирок.  
Чиройли құрчоқдек ғамим йүқ, тамом,  
Ишонмасант, мана, күзларимга бок.  
Қалбим соғинчлардан эзилмас, эркин,  
Севаман жазира кунни, ёмғирни.  
Фақат ёқмас куздан эсган нам әпкин,  
Севмайман «алвидо эмас, хайр»ни...

\* \* \*

Қорлар ёғар – сенсиз тун,  
Майса унар – сенсиз кун.  
Тонгим, шомим сенсиз – хун,  
Сенсиз тенгсиз баҳтларга  
Үралмоғим ростми ёр,

Аршнинг пок ҳовлисига  
Сўралмогим ростми, ёр?!  
Сим-сим ёмғир – ёлғончи,  
Ўтмас кунлар – гумончи.  
Эшик қоқар тонг – совчи,  
Сенсиз тенгсиз баҳтларга  
Ўралмоғим ростми, ёр,  
Аршнинг пок ҳовлисига  
Сўралмоғим ростми, ёр?!

Наҳот тақдир беомон,  
Наҳот баҳтдир гам-хижрон,  
Ишонгим келмас ҳамон,  
Сенсиз тенгсиз баҳтларга  
Ўралмоғим ростми, ёр,  
Аршнинг пок ҳовлисига  
Сўралмоғим ростми, ёр?

\* \* \*

Минг йил эмакладим чангалзорларда,  
Учдим чўққилярга, кездим дунёни...  
Учратарман дея Яратган менга  
Атаган ва ҳолик қилган рўёни.  
Ўқсиниб, тонг билан сухбат чоғида  
Атиргул баргида учратдим шеърни.  
Эски-тускиларнинг чанг тахлоғидан  
Бир парча қофозга солдим меҳрни.  
Тинчигандай бироз, бўлди дилим хур,  
Бор энди ҳамроҳим – қаламим маним.  
Буёғи ҳаётим бари – шеър , шуур,  
Эртакмас кўз ёшлар, кулгум, сЭевганим.  
Тарқ этмасин энди илҳом – қатим нур,  
Ёзмаганим гуноҳ, чора – ёзганим.

## КАЙФИЯТ

Күнгил гүзал, ишқ наъмаси  
Чиндан гүзал.  
Зарпекак дард азал-абад  
Дилни безар.  
Пар қанотлар мени қучар,  
Олиб учар.  
Армонлар зор, қучоқлардан  
Сочилар зар,  
Сочилар зар...  
Булут – оппок, юз-күзим – ок,  
Лабим – кумуш,  
Ойга күчмиш дилдаги доғ,  
Ойдир ҳомуш.  
Диллар – оппок, ҳислар – машшоқ,  
Тинмас ушшоқ.  
Олисларда гуллар тилақ,  
Гуллар – күйлак,  
Түшак – япрок.



Зилолабону  
Халикова



1987 йил 15 январда Жиззах шаҳрида санъаткорлар оиласида дунёга келган.

1993 йил X. Олимжон номли 21-ўрта мактабда ўқиб, 2004 йил Санъат коллежининг хореография «Миллий рақс» бўлимини имтиёзли тамомлаган.

Унинг «Гавҳарим бор», «Кўнгилга йўл», «Сукунат маликаси» ҳамда нуфузли халқаро антология ва республика бўйлаб чоп этилган алманаҳларига шеърлари киритилган.

Айни дамда ижодкор ёш қаламкашларни юзага чиқариш учун ташкил этилган онлайн «Оху» клубига раҳбарлик қилиб келмоқда. Ўз ташаббуси билан «Истеъод учқунлари», «Мехригиё», «Бахт кўнгироги» алманаҳларини чоп эттирган.

2017 йил Туркияда бўлиб ўтган «Ҳазар сиир аксамлари» фестивалида ҳамда Ҳиндистонда Чандигарх шаҳрида чоп этилган «Голден бридж» антологиясининг тақдимотида ҳамда Озарбайжоннинг Баку шаҳрида бўлиб ўтган «Бута-4» алманаҳида шеърлари киритилган ва тақдимотдаги фаол иштироки учун тақдирланган.

## АКА-СИНГИЛ

— Ассалому алайкум, акажон, яхши ётиб турдингизми? Туғилган кунингиз билан табриклайман, мана бу совғам сизга.

— Воалайкум ассалом, митти фариштам, катта раҳмат, нима бу?

— Очиб кўринг, мен ҳозир келаман.

Нодир туртбурчак, зарқоғозга ўралган совғани очди-ю, ўзининг ва синглиси Нозиланинг бир-бирига суюниб турган, қўлда чизилган сурати туарди.

Нозила соchlарини тараб, ленталарини тақиб, мактабга боришига тайёргарлик кўраркан, Нодир синглисининг бурнидан чимчилаб, «раҳмат» деганча ўпиб қўйди.

Орадан йиллар ўтди. Нодир уйланди.

Ишга кириб, катта лавозимга ўтганда феълида анчагина ўзгариш пайдо бўла бошлади.

Ота-онаси икки қиз ва бир ўғилни уйлик-жойлик қилдик, энди кенжамизни ҳам узатиб олсайдик, дея орзу-ниятни кўнгилга тугиб қўйган дамда, ким ўйлабди бошига кулфат ёғилишини.

Нодирнинг уйланганига уч йил бўлса-да, ҳануз бефарзанд эди.

Шундан бўлса керак жizzаки, сал нарсага уйидагиларни жеркиб берар, худбин бўлиб бораради.

Нозила севимли акаси ўзгариб, унга кўп ҳам эътибор бермайдиган, энг муҳими, уни энди «митти фариштам «дэя чақирмай қўйганди. Хотинини авайлаб, кўпроқ Нозила ва онасига юмушларни бажартирас, сал тартибсизлик ёки Нозиланинг бир ерда ўтириб қолганини кўрса:

— Ишларингни қил, келин ойинга қарашиб, чарчаган. Ҳаммангни бир ўзим боқсан, эрта-ю кеч ишдамиз, ойим билан кун бўйи нима қиласизлар ҳайронман, келгунимча овқат тайёр бўлсин, — дер, шу билан барча уй юмушлари Нозила ва онаси зиммасига ўтарди.

Кунлардан бир кун, Нозила ухлаб ётаркан, кимдир туртиб уйғотди. Чүчиб түшди, күзини очса поччаси.

– Тез тур, ойимизнинг мазалари қочиб қолди, күчага шикяпман, тез ёрдам келади, кутиб олай... ойимга қара, шошил...

Апил-тапил онасини хонасига киаркан, бир ахволда ётганини күриб, югуриб борди.

– Ойижон, қўрқитманг, нима бўлди? – деганча йиглаб юборди. Бу орада тез ёрдам ҳам келди. Онасини текширган шифокор, «инсулт», олиб кетамиз, ахволи оғир, деди.

Улар кетди, қоровул бўлиб Нозила йиғлаганча уйда қолди. Келин ойиси ҳамда акаси билан уйда қолишини ўйласа юраги орқага тортарди. Дадаси чет элга ишлагани кетган, опалари кам келади.

Онаси ҳали касалхонадан келмаган кунларнинг бирида уйларига Нодирнинг оғайнилари келадиган бўлди. Бундан беҳабар ўн етти ёшли Нозила ҳовлиниңг бир четида жойлашган ўзининг маҳсус ижодхонасига кириб кетди. Болалигидан сурат чизиш, шеър ёзишга қизиққани учун дадаси омборхонани бўшатиб «ижодхона» қилиб берганди. У хаёлларга берилганча шеър тўкиб ўтиаркан, уй ичкарисидаги телефони жиринглаганини ҳам эшитмади. Ярим соатлар ўтиб шеърини тамомлаб, қайта ўқиб чиқаётган дамда келинойиси ишдан келди.

Деразадан унинг келганини кўрса-да, индамади. Ёзув-чизув билан банд бўлиб ўтираверди.

Нозила бу орада яна битта шеърини тугатишига оз қолганди, уй ичидан акасининг жаҳл аралаш гапиргани эшитилди. Нозила қўрқиб жим эшитиб ўтиаркан, келинойисининг:

– Менга нима дейсиз, бир ўзим улгурмаяпман ахир, энди ишдан келган бўлсан...

– Нозила кани?

– Ўтиргандир хонасида ялпайиб... Синглингизга индамайсиз, меҳмон келсин-да у ётсин, мен иш қилай а?

– Бор, чақириб кел! – деди акаси. Келинойиси Нозиланинг хонасига кириб:

– Чиқинг бу ёққа, меҳмон келаркан ... иш кўп, – деди-ю, эшикни шарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Келинойисининг хурмача қилиқларидан тўйган экан. Сабр косаси тўлиб тошди. Боз устига Нозила эрка, мағур бўлиб ўсган эмасми? У ҳам асабийлашди, илҳомниям белига тепишиди, деганча ғудраниб, ҳовлига шитоб билан чиқди-да, келинойисига:

– Тинчликми, нега менга жаҳл қиласиз, эшикни юзимга ёпиб кетишга ким ҳуқуқ берди сизга? Ёки ҳар куни келинлик вазифангизни дўндириб бажардингизми? Кўлингиздан иш келмай улгурмасангиз, мен айбордor эмасман-ку, келиб тўгриликча айтиш мумкинми? – деди.

Жаҳли чиқиб турган акаси тўғри унинг устига бостириб келди. Елкасига бир туртиб, «ўчир овозингни» дея ўшқирди. Акасидан буни кутмаган Нозила Нодирга ажабланиб қаради:

– Сизга нима бўлди, ака?! Мана шу хотинингизни деб отаонангиз ҳам, мен ҳам кўзингизга кўринмай қолдикми-а? Энди ойим йўқ, туртқилашни бошладингизми? Мени ижод қилиб ўтиришимни биласиз-ку, ака, мен керакманми, ўтирибман хонамда, бундан кейин... – яна келинойисига қаради, эшикни тақиллатиб, оҳиста киринг.

– Ўчир овозингни, тилинг чиқиб қолибдими? – тутоқиб кетди акаси. – Мен келганда ҳар доим кўз онгимда тур, ижодинг билан менинг ишим йўқ, тушундингми? Келинойинг нимани буюрса, шуни қил!

– Ҳали шунақами? Сиз хотин қули бўлишингиз мумкин, аммо мен сиз ўйлагандек эмасман. Ҳозир дадамга қўнғироқ қиласман...

Шу гапи оловга мой сепгандек бўлди. Нодир зўрга ўзини тутиб турган эмасми, қўлидаги халталардан нарсаларни бўшатаркан, қўлига тушиб қолган консервани Нозилага қаратса отди-ю, кетидан унинг бошига ураверди. Тўғри келган ерига тепди, бу ҳам камлик қилгандек, белига қаттиқ тепганди, гуллар экилган боғчада митти фонтанлар учун ўрнатилган темирга боши билан бориб урилди-ю, буткул хушидан кетди. Болалиқдан анчагина нимжон ўсган Нозила биринчи тепкидаёқ хушини йўқотган эди.

Бирдан ҳамма ёқ жимиб қолди. Нодир жаҳл билан синглисига эътибор бермасдан ичкарига кириб кетди. Келин ёса карахт ҳолда қўрқув билан секин юриб Нозилани туртди. Чалқанча ағдарди-ю, додлаб юборди.

– Нодир ака, нима қилиб қўйдингиз?..

Нодир ҳам зумда ўзига келиб ҳовлиққанча улар ёнига келди. Хайхот, Нозиланинг бир қўзи оқиб тушган эди. Кучли зарб билан темирга урилганда қўзига фантанчанинг учи кириб кетган ўзи палманинг ёнига тушган эди.

Айни шу дамда Нодирнинг оғайнилари дарвозадан кириб бу мудхиш манзаранинг гувоҳи бўлишди. Нозилани зудлик билан шифоҳонага элтишди, бир зум ўтиб, реаниматсия деган энжин очилиб бош шифокор чиқиб келди, у дарғазаб эди. Нодир бошини кўтаролмас кийимлари қон деворга суюнганча бошини чангалақ ўтиради. Оғайнилари шифокорни кўриб ўрнидан турди.

– Нима бўлди у яхшими?

– Нима бўлганини сизлардан сўраш керак. Ким қилди бу ишни?

Ҳаммалари Нодирга қарашиди. У ҳамон карахт бўлиб ўтиради. Шифокор, оғайниларига қараб:

– Афсуски, кутқара олмадик, кучли зарб билан бошига урилган мия суюги синган, қон қуйилган, бел суюги лат еган, яна қўзи оқиб тушган... тирик қолганда ҳам бир умр ногирон бўлиб қолар эди...

– Нима-а? У ўлдими!? – Нодирнинг ич-ичидан ҳайқириқ чиқди.

Шу пайт ҳамшира чиқиб Нозиланинг қонга ботган кийимларини Нодирга узатаркан:

– Мана бу қофоз марҳуманинг чўнтагидан тушиб қолди, – деся буюмларни кўлига тутқазганча ичкарига кириб кетди.

Нодир телбалардай гандираклаб, коридор бойлаб қофозни титроқ қўллари билан очаркан, унда бежирим ҳарфлар билан битилган шеърга кўзи тушди.

## ФАРЗАНД БЕР

*Ҳар нарсага қодирсан, ё Раб,  
Кўп нарсани қилмайман талаб,  
Чарчамасман бир умр сўраб,  
Акамга сен фарзанд бер, Худо.*

*Ҳар банданинг бўлсин зурёди,  
Хеч туттасин аёл фарёди,  
Ширин бўлгай меванинг томти,  
Акамга сен фарзанд бер, Худо.*

*Келинойим кўз ёш тўкмасин,  
Аламзада, зардоб ютмасин,  
Бу хаётда ёлғиз ўтмасин,  
Акамга сен фарзанд бер, Худо.*

*Волидамнинг ягона ўғли,  
Дадамнинг у дастёр, ўнг қўли,  
Бахтга элтгин, очилсин йўли,  
Акамга сен фарзанд бер, Худо.*

*Эгиб қўйма мағрур қаддини,  
Малҳам бўлиб олай дардини,  
Йўқотмасин элда қадрини,  
Акамга сен фарзанд бер, Худо.*

*Мен ҳам амма бўламанми, айт?  
Иродамни кўп синашдан қайт,  
Орзуимдан яралмоқда байт,  
Акамга сен фарзанд бер, Худо.*

### Митти фаришта

Нодир шеърни ўқиб кўчага чиқди, холсизланиб тиззалаб  
ерга ўтириб қолди, атрофга хиссиз боқар экан ёмғир томчилай  
бошлиди. Бўғзиға қадалиб турган фарёд шу онда отилиб чиқди:  
– Нозила-а-аа...



*Ҳоҳида  
Сувонқулова*



1987 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Республикаси, Жиззах вилоятида туғилган.

«Бир сиқим жавохир» (2000 йил), «Истиқлолим-Истиқболим» (2000 йил), «Бир туп ўрик» (2001 йил), «Онам кутар» (2015 йил) шерий тўпламлар муаллифи. «Жон ичра жондир Ватан» (2000 йил), «Мехригиё» (2018 йил) шеърий баёзларида ижод намуналари билан иштирок этган.

Республика ва маҳаллий ОАВда ўзининг бадиий ва илмий ижоди билан мунтазам иштирок этиб боради.

2003–2009-йиллар Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ журналистика факултетида бакалавр ва магистратура босқичларида таҳсил олган.

2002 йил Зулфия номидаги Давлат мукофотининг Адабиёт йўналишида тақдирланган.

### ГУЛИМ ДЕНГ...

Пойингизнинг ҳокиман,  
Йўлингизда йўлим денг.  
Мехрингизга муштоқман,  
Сен юрагим, кўнглим денг.

Тиканларим санчмайман,  
Хуш ифорли гулим денг.  
Истагимни англовчи  
Бегуборим, дилим денг.

Минг паридек покиза,  
Парирўйим, ҳурим денг.  
Хонадоним чиройи,  
Зухро юлдуз, нурим денг.

Ҳилватимда маҳбубам,  
Суюклигим, борим денг.  
Ҳижрон тирнаган чоғда  
Ибодатгўй зорим денг.

Сенинг билан бу олам,  
Дилхуш, кўркам, сўлим денг.  
Бўлмасанг, гар ёнимда  
Ҳаёт менга ўлим денг.

Чанқоқдирман севгига  
Эркалating, дилим денг.  
Сўзсиз сўлиб қолмайин.  
Суюб-суюб гулим денг.

\*\*\*

*Шеърим, яна ўзинг яхиссан...  
Усмон Носир*

Рўзгорим шеър эмиш, болам шеър эмиш.  
Она, койиб туринг, шеър ёзмай кўйдим.

Ғийбатга күмилдим уйнинг бурчида,  
Она койиб туриңг, шеър ёзмай қўйдим.

Яхшига ёндашиб яшардим ахир,  
Шеър бўлиб мисрага безак берганда.  
Кўнглимнинг жиловин эркин қўярдим,  
Шеъримни сиз томон олиб бурганда.

Самарқанд нонини ҳарчанд мақтаманг,  
Менга татимайди ҳандон пистаси.  
Ёлгиз қўйинг, бироз завқим келади,  
Қаранг, туғилябти шерим мисраси.

Ҳар бандда тарихдан келажак томон  
Сехрли эшикни бунёд этаман.  
Ҳар бандда ўзимдан ул ёrim томон  
Мехрли эшикни бунёд этаман.

Шеъримнинг оҳанги булбулдек гўё,  
Сайроқи овози бирам хушнаво.  
Парқудан булут бор, куёш тафти бор,  
Жилдироқ сойи бор, яна хуш ҳаво.

Усмон Носир қуйлаб ўтган шеримсан,  
Хуснингдан гулзорлар яна шарманда.  
Бир шоир қалбимас, ҳаёт нақписан,  
Жоним каби ўзинг яшайсан танда.

Юрагим урябди, гупур-гупури,  
Демак, шерим, ҳали тугилганинг йўқ.  
Мен ўлиб кетарман, аммо сен яша,  
Яшайман ўшанда бўлиб кетмай йўқ!

## **КЕТАЯПМАН**

Шамолларда қолди мискин хисларим,  
Соғинасиз құмсаң, менинг исларим,  
Үйингизга сиғмай қолди изларим,  
Күнглингиздан бугун ёр кетаябман.

Түшагингиз тикон каби санчилди,  
Йиғлайвериб телба юрак ачинди,  
Сизга бошқа ёрнинг қалби очилди,  
Күнглингиздан бугун ёр кетаябман.

Ярим ковурғадан яралгандим мен,  
Умрингизга нурдек тараптандим мен,  
Шунча санамлардан сараландим мен,  
Күнглингиздан бугун ёр кетаябман.

Асли күнглингизга киролмагандим,  
Хаддим сиғиб меҳр сүролмагандим,  
Күзингиздан үзим қўролмагандим,  
Кўнглингиздан бугун ёр кетаябман.

## **ЯШАЙМАН**

Дастрўмол тутманг менга,  
Кўнглимни тутмадингиз.  
Садоқат саройинин  
Пойида кутмадингиз.  
Ёки армон севгингиз,  
Бир дам унутмадингиз.  
Йўлингизга оқ йўллар,  
Шеърим билан яшайман.  
Оллохга бўлган севгим,  
Мехрим билан яшайман.  
Йўқ дилимда адоварат,  
Бахтили бўлсангиз, кетинг.

Ортингизга қайрилмай,  
Мақсад сари интилинг.  
Жаннатнинг ул париваш  
Парирўйига етинг.  
Йўлингизга оқ йўллар,  
Шеърим билан яшайман.  
Оллоҳга бўлган севгим,  
Мехрим билан яшайман.

«Роббана атина»ни  
Такрорлайман ҳар тонг, кеч.  
Тоқ қилиб яратмаган,  
Бандасини Оллоҳ ҳеч.  
Суймаганга суйкалиб,  
Ўтди ёшлиқ билдим кеч.  
Йўлингизга оқ йўллар,  
Шеърим билан яшайман.  
Оллоҳга бўлган севгим,  
Мехрим билан яшайман.

## ҚАЙТИБ КЕЛДИ

Чучмома ифори келди бўйимга,  
Ўйноқи туйгулар келди ўйимга.  
Яна қайтдим шодон, ёшлиқ кўйимга,  
Юрагим гупуарар келмоқда баҳор.

Бинафшажон куйинг дилимга малҳам,  
Бахтиёр кунимиз кўрайлик баҳам.  
Адирларга япроқ ёзасан бирам,  
Сенинг бўйларингни билмоқда баҳор.

Олчалар гуллади кўчамда қийғос,  
Деразам олдида яшнади гилос.



*Рахшона  
Ахмедова*



1987 йил Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Қайқубод қишлоғида туғилған. Шеърлари «Истиқлол умидлари» ёшлар алманаҳига киритилған. 2001 йил «Баҳорим, келақол», 2004 йил «Баҳор қалдирғочи» номли шеърий тўпламлари эълон қилинганди.

2008 йил «Йилнинг эиг фаол журналисти – 2007» танлови совриндори бўлди.

У 2008–2009-йиллар давомида Жанубий Кореяниң Пусан чет тиллари университетида таҳсил олди. 2010 йил Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факултетини тамомлаган.

### «МЕНИ КЕЧИР, КУМИКО!» (ҳикоя)

#### 1

Кумико билан Японияда танишганмиз. Биз Тоҳоку университетининг тарих факултетида бирга таҳсил олардик. Дарсдан сўнг унинг уйига бораардик, у менга япон тилини

ўргатарди. Эвазига у биланинглизтилида гаплашишим керакэди. Сочлари ўгил болаларни кидек калта, кўзлари қисиқ гўзаллик борасида ўргамиёна киз эди, десам мендан ранжимас. Тишларининг бироз олдинга чиқиб туришидан хижолат тортар, кулганида оғзини тўсишга уринаркан, ҳар доим ҳам бунинг уддасидан чиқа олмасди. У ҳар бир япон аёли каби майдада қадам ташлар ва айнан шужихат уни ўғил болалардан ажратиб турарди. Баъзан туриб-туриб сўрарди:

– Сизларда ҳамма қизлар чиройлими?

Мен ғалати бўлиб кетардим.

– Сен ҳам чиройлисан, Кумико, – дердим жилмайиб. – Ҳар қизнинг ўз гўзаллиги бор.

У жуда меҳрибон ва ҳушчақчақ қиз эди. Камган, одамови характерли японларга қараганда, киришимли, сўзамол биз ўзбекларга кўпроқ ўхшаб кетарди.

Бироқ у ўзи ҳақида гапиришни унча хушламас, у билан сухбатимиз мавзуси фақат менинг атрофимда айланаверарди.

– Онанг билан гаплашиб турасанми?

– Кунда-кунора.

– Кунора? – У кўзларини борича очиб, ҳайрон бўларди. – Нима ҳақида гаплашасан?

– Ўзимиз ҳақимизда. Яхши юрибманми? Нималар билан бандман, нималар қиляпман, шуларни сўрайдилар. Мен ҳам уларнинг соглиғи ҳақида қизиқаман.

Үйдагилар яхшими, нима янгиликлар билгим келади.

– Зерикиб кетмайсанми?

– Нимадан? Сўзлашишданми?

Йўқ, иложи бўлса, ҳар куни гаплашардим.

У ҳайрон бўларкан, сас-садосиз, пича ўйланиб қоларди. У оиласда ёлғиз фарзанд, шунга қарамай, ота-онасидан алоҳида яшарди. Бу эса менга ғалати кўринар, у худдики меҳрибонлик уйида катта бўлгандек туюлаверарди. Ота-онаси ҳақида кўп ҳам гапирмас, унинг Киёшиисмли ёқимтой, лекин акиллайверадиган

кучуги бор эди, холос. Кумико уни ҳаддан зиёд яхши күрарди. Ҳафтада бир марта кучугини «Гүзәллик салони»га олиб борар, ойда икки марта ветеренар күригидан ўтказиб турарди. Уни ювиб тарашар, юнгларини калталашарди. Паҳмоқвойнинг юнгларини тараб, бошига лента қўндириб қўйишганида, бирам ёқимтой бўлиб кетардики, бироқ бу менинг ғашимни келтиради. Ўзимга кўйиб беришса, уни зумда кўчага қувиб юборган бўлардим. Кишига алам қилади, ахир, уйсизлар, тўйиб-тўймай кун кечираётганлар қанча? Бал-ким унга ҳасадим келар, яна билмадим. Бироқ уни ҳар кўрганимда ғазабим қайнарди, буни Кумикога сездирмасликка ҳаракат қилардим. Кумиконинг уни ҳар куни айлантиришга олиб чиқаркан, ортидан ҳожатигача тозалаб юради. Буни кўриб жийириниб қўярдим. Кучук ҳам мени ёқтирмас, кўриши билан акиллашни бошларди.

— Бас қил, Киёши, — дерди Кумико буйруқ оҳангода унга кўрсаткич бармоғини кўрсатиб. Кучук шу заҳотиёқ жимиб қоларди. Унинг ҳурматини қилса керак-да. У Кумикога бошқача боқарди, қарашларида ўзгача меҳрни илгардим. Ҳар қанча ғашим келмасин, тан олиб айтаман, инсон ва ҳайвон ўртасидаги бу қадар яқин муносабатни илк бор кўришим эди. Жаҳлим чиқишининг яна бир жиддий сабаби, Кумико ўзига умуман эътибор қаратмас, ойна олдида ўтирганини ҳеч кўрмасдим. Кош-кўзларини бўяш тугул, ҳатто лабларига бўёқ сурмасди.

Бир гал ғашим келиб дедим:

— Шу бир жониворга нега бунча меҳр кўймасанг, ундан кўра турмушга чик, болали бўл, ана уларга меҳр берсанг бўлади.

— Турмуш қуриш менга эмас, — деди у кулиб.

— Нега? Нимага бундай ўйлайсан?

— Оила жиддий масала, ўйлаб кўришим керак, — деди у доимгидек кучуги бошини силаб кўяркан.

– Эеее, нимасини ўйлайсан, – дедим ҳовлиқиб, – турмушга чиқиш сен ўйлаганчалик қўрқинчли нарса эмас, қолаверса, анамана дегунингча ёшинг кирқка боради. Кейин нима қиласан?

– Ёш муҳим эмас, энг муҳими, сен ўзингга ҳар томонлама мос инсонни учратиш, – деди у мулойимлик билан.

– Бу дунёда мукаммал инсон бўлмайди, азизим, дедим бўш келмай.

Бироқ бу борада қарашларимиз турлича эди. Ҳеч қачон фикрларимиз бир нуқтада тўқнашмаслиги аник. У ўзига мос инсонни бир кун учратишига ишонса, мен эртароқ турмушга чиқиш кераклиги, аёл кишининг ёши ўтиб қолса, эртага ўзига муносиб инсонни тополмаслиги ҳақида ваъз ўқирдим. Зум ўтмай дедим:

– Унда етимхонадан бирор бола асраб ол. Она парвариши, меҳрига зорлар қанча, – бу гапни кучукдан қутулиш учун айтдимми, билмадим.

– Нималар деяпсан, Шона! – у мени шундай чақиради,

– Бола ортиқча юк! Мен кучукдан хоҳлаган пайт воз кечишим мумкин, лекин боладан... кечиб бўлмайди. Кумикони тушуниш қийин эди. Унинг гаплари мени ўйлантириб кўярди. Хоҳлаган пайт воз кечиши мумкин бўлган бир кучукка нега унда бунча эътибор бермаса, ҳайрон бўлардим.

## 2

Диплом ишим ҳимояси яқинлашаркан, Кумико доимгидек менга қўлидан келганча ёрдам бермоқда эди. Ўша куни Кумико учун машъум кунда ҳам биз бирга эдик. Битирув иши маъruzасидаги баъзи жумлаларни тўғирлаб беришга ваъда берган, шунинг учун унинг уйида эдим. Ишлаб ўтириб иккимиз ҳам кеч бўлганини сезмай қолибмиз.

– Бугун меникода қолақол, бироздан кейин қаҳва дамлайман, яна қайта кўриб чиқамиз, – деди Кумико меҳрибонлик билан.

– Хўп, – дедим бу таклиф мойдек ёқиб, чунки диплом химоямга икки ҳафтагина қолган, бутун ишимизни охирига етказишдан умидвор эдим. Кумико доимгидек кучугини сайрга олиб чиқиш учун тайёрлай бошлади.

– Кел, бугун чиқмай қўяқоламиз, оёғим тортмаяпти, – дедим кўнглим бир нохушликни сезгандай.

– Йўқ, Киёши зерикиб кетди, ахир, чиқмасак бўлмайди, – Кумико доимгидек оёқ тираб олгач, ноилож унга эргашдим. Биз йўл бўйи гаплашиб бордик. Киёши тинмай олдинга интилаверар, юлқинар, Кумико эса уни маҳкам тутишга уринарди. Кучук арқонни ҳадеб тортқилайвергач, ғашим келди.

– Кел, мен олақолай, қўлинг оғриб кетди, – дедим меҳрибонлигим тутиб. Аслида ўшанда қандай мақсадни кўзлаб бундай деганимни эслолмайман. Ҳарқалай ёмон ниятим йўқ эди, бироқ... Кумико аввал иккиланди. Узатилган қўлим ҳавода муаллақ тураркан, хижолат чекди, чоги, иккиланибгина арқонни тутқазди. Арқон бошида ушлагич, унда қизил тугмача бор эди, уни босиб турилса арқон узайиб кетмасди. Тугмачани бош бармоғим билан қаттиқ босиб олгандим. Сайр кўнгилдагидек ўтаётганди. Йўлдан ўтиш учун охирги чорраҳада тўхтадик, сухбатимиз қизғин паллага кирди:

– Юрtingга қайтганингдан сўнг тезгина турмуш куриб кетсанг керак? – деди у кулиб. Чунки бизда қизлар эрта турмуш куриши ҳақида у биларди.

– Ойим совчилар келиб ётибди, дейди, янаким билсин, – дедим ҳали тақдирим борасида бир нарса дейиш қийин деган маънода. Шу тобда Киёшининг ҳадеб олдинга интилавериши рости жаҳлимни чиқарди. Қани қаергача бораркансан, дедим ичимда. Сўнг тугмачанинг устидан бармоғимни олдим. Киёши олдинга чопди, машина балонининг «ғииийк» этгантовушидан сесканиб тушдик. Ҳаммаси бир дақиқа ичиди рўй берди. Нима бўлганини англолмай қолдик. Мен бундай бўлишини кутмагандим. Киёши машина остида ётарди, инграған товуш чиқаради,

холос. Күркіб унга яқынлашдик, у ўлар ҳолатда эди. Киёши өттірхада тұхташни, кутиб ўтиришни, машиналар юришдан тұхтагач, сұнгра юриш кераклигини биларди. Эгасининг ёнидан ҳадеб кетавермасди ёки Кумико арқоннинг ҳаддан ташқари, узайиб кетишига йўл қўймасмиди... Киёши бугун нима учун олдинга иргишлайвергани сабабини билолмадим. Галати хәёллар қуршовида эдим, кучукка раҳмим келаётганди, аммо энди ундан қутулғанимдан хурсанд эмасдим, бу аниқ. Кумико тамомила эсанкираб қолди. Машина эгасининг икки букилиб қайта-қайта узр сўрашига ҳам парво қилмади. Бош силкиб қўйди, холос.

— Балки чиқмаганимиз маъқулмиди, — деди Кумико кучугини уйга қўлларида кўтариб қайтаркан қайгули боқиб. — Айтганингни қилсам яхши бўлармиди.

Нимадейишни, нимадебтаскин беришни билмасдим. Қагтиқ хижолатда эдим. Агар мен арқонни бўшатиб юбормаганимда, бу ходиса рўй бермасми. Мен айбдор эдимми ёки... буни сира тан олтим келмас, ўзи ҳадеб тортқилайвергач, нима қилишим керак эди, дердим виждоним олдида ўзимни оқларканман. Уйи орқасидаги тоғ этагига кўмиб қайтгач, Кумико кучуги учун узоқ ибодат қилди. Ўзимни нокулай сеза бошладим, кетиш учун отланаётгандим, деди:

— Ҳақиқий дўст кишини қайғусида ёлғиз қолдирмайди. Ичимдан зил кетдим. Мен ўша кун Кумико билан қолдим. У тинмай саке ичаркан, Киёшини сотиб олган кун ва у билан боғлиқ бошқа хотираларни бирма-бир эслаб, кўз ёши қиласарди. Мен эса ёнида ўтирадим, холос. Бутун тун ухламадик, тонг оттар маҳал мени кузатгани чиққанида, йиғлайвериб қизариб кетган кўзларидаги оғир бир қайғуни кўрдим.

Кумико химоям куни келмади. Ўзи таклиф қилмаганидан кейин, уйига ҳам боролмасдим. Диплом топшириладиган кун яна күзим олазарак бокиб, одамлар орасидан Кумикони қидирадим. Шундан сүнг юрак ютиб уйига йўл олдим. Эшик қўнғироғини узоқбосиб турдим. Сўнгукўринишиберди, мастэди. Ўша воеадан сўнг ўзгариб кетган, бир гапириб ўн куладиган, ҳушчақчақ Кумикодан асар ҳам қолмаганди. Сочлари хурпайган, қабоқлари шишиб, кўзлари янаем кичрайиб кетгандек туюлди. Юзида аввалгидек табассум кўринмас, мен дугонамни таний олмай қолгандим.

— Ичкарига киришга таклиф қиласардим-у, афсус..., — деди у бошини ҳам қилиб.

Қия очиқ эшиқдан шундоқ кўриниб турарди. Оёқ ости шиша, консерва идишлар, яна алламбало, газета ва эълонлар ёзилган қозозларми-ей, бари полда ёйилиб ётарди.

— Бирровга келгандим, кейинги ҳафтада кетаяпман, — дедим ютиниб. — Сенга раҳмат айтмоқчийдим.

— Мен раҳмат эшигадиган нима қилдимки... Аслида сенга раҳмат, кўп шодон кунларим сен билан бирга ўтди.

— Нималар деяпсан... — Кумикога қараган сарим юрагим эзилиб кетмоқда эди. — Сени бу қадар ёмон аҳволда кўраман деб сира ўйламагандим... Ўзингни қўлга ол, ахир у бир кучук-ку! Одамлар онасидан, отасидан жудо бўлиб ҳам тақдирга кўнади, сен каби ғамга ботмайди. Бу гапларни айтиш оғир эди. У гапларимни индамайгина эшилди. Вақт ўтса ҳаммаси жойига тушиб кетишига ичичимдан ишонсан-да, Кумиконинг бугунги ҳолати бунга умид қилиб бўлмаслигидан дарак бериб турарди. У ҳеч нарса демади. Гирт маст эди, гапларимни тушундими-йўқми, билмайман. Совуққина хайрлашди. Уни кейинги семестрга қолдиришди,

деб эшитдим. Аэропортга кириб кетаётган пайт ортимга қараб-қараб күярдим. Ундан дарак бўлмади. Ватанимга қайтгач, тез орада интернет орқали хат ёздим.

«Оҳаё. Кумико, сени қаттиқ соғиняпман. Сени кўмагинг билан кўп нарсага эришдим. Барчаси учун раҳмат! ..Ўзингни кўлга олишинг керак, ҳаёт давом этади. Ҳамма нарсанинг давоси вақт... Мен сени яхши кўраман. Дугонанг Шона» Орадан анча кунлар ўтиб кетди. Жавоб бўлавермагач уша хатни яна қайта юбордим. Сўнг ундан бир мактуб келди. Унда шундай ёзилганди:

«Оҳаё. Шона, азизим, мен ҳам сени қаттиқ соғиняпман. Шу ердалигингда сен ҳакингда ўйласам бўлди, ёлғизлигим билинмасди. Сен кетгач, буткул ҳувиллаб қолдим...

...Киёшини тушларимда кўряпман. У тушимга бошида гуллардан чамбарак тақиб олган ҳолда киради. Итлар учун ҳам жаннат бўлса агар, у ўша ерларда юргани аниқ... ..Внингда яқинларинг бўлмагач, ҳаётга қизиқиш қолмас экан. Мен олға юришга ундейдиган йўлчи юлдузимни шўқотиб қўйгандекман... Ўзингни эҳтиёт қил... Дугонанг Кумико.» Шундан сўнг ундан бошқа мактуб олмадим. Кўп хатларим жавобсиз қолди. Унга нима бўлди экан, дея ўйлардим. Кумико беҳад тарбияли қиз эди. Мен сабаб севимли кучугидан айрилди, бироқ гина қилмади. Мени айблаши мумкин эди, бир оғиз ёмон сўз демади. Ҳатто хатимга жавоб сиб, илтифот кўрсатди, у чексиз сабрини намоён қилди. Афусуда эдим. Билиб-билмай дугонам ҳаётини барбод қилиб қўйганимни энди тушунгандим. Мен айбдор эдим. Қалбимдан отилиб чиқкан бир сўз тилимга қўчди: «Мени кечир, Кумико!»



Акмал  
Тұрсунов



1988 йил Самарқанд вилояты Ургут туманида зиёли оиласа туғилған.

Бошланғыч таълимни тумандаги З-ўрта мактабда олгач, кейинчалик 1999–2005 йиллар оралиғида «Иқбол» литеийида ўқнган.

2005 йилда Тошкент давлат иқтисодиёт университети «Иқтисодиёт ва статистика» факултетига ўқишига киради. 2009 йилда мазкур ўқув даргохининг дастлаб бакалавриатини, 2011 йилда эса магистратурасини имтиёзли диплом билан тамомлаган.

Мехнат фаолиятини 2010 йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида бошлаған. Бир муддат илмий изланиш олиб бориб, ихтисослиги бўйича Тошкент банк ҳисоб-кредит коллежида дарс берган. Бир қатор марказий нашрларда шеърлари эълон қилинганди.

### ЎТТИЗ ЁШ

Гоҳи дунё менга хув кўхна таниш,  
Гоҳ энди келгандай олазаракман.

Куним йилдан узун, йилим кундан тез,  
Томири узилган гулдай карахтман!

Табриклар ёғилди бугун бошимдан,  
Қарши олганмишман ўттиз баҳорни.  
Фақат совук қоттан қуним эсимда,  
Ўттиз қишимни ҳам эсловчи борми.

Ўткинчи нарсалар ўтди, ўттиз ёш,  
Ўтмиш у ўйинлар, ўй-у ўтлоқлар!  
Эндиgi ўйиндан ўқ чиқади, қоч,  
Уришса ярашмас энди ўртоқлар!

Тинмай эскиртирди устимни ҳар йил,  
Санаш осонроқдир сочим қорасин.  
Ўйлар чукур қазди юзимда ҳар хил,  
Энди мЭенга қайси қиз ҳам қарасин.

Ўттиз ёш, кулок ос, бир ўтинчим шу:  
Сүндирма ҳайрат-у ҳисларни зинҳор...  
Тутаб ачитмасин кўзимни туйғу  
Ўтин бўлсам ёққин,  
Ўт бўлиб ёқвор!

## БАҲОР ЁМГИРИ

Осмонда тўпланиб бир тўда булат,  
Ерни қамал қилди ўқлар ёғдирди.  
Куёш мададидан энди йўқ умид,  
Уни ўз томонга ёвлар оғдирди.

Кочган қочиб қолди пана жой топиб,  
Дараҳтлар кўксини ўқقا тутдилар.  
Куртаклар жон таслим этди ер ўпиб,  
Новдадан қулади, ёмон отдилар.

Мендайлар пастлатиб қўйиб қўшиқни,  
Деразадан боқиб сақлар жонини.  
Ёвга тик боргандар кўчага чиқди,  
Ўқقا қалқон қилиб соябонини.

Ёв кочди – булутлар тўзғиди бирдан,  
Ташқари отилдим мардлигим тутиб.  
Куёш ҳам топилиб қолди қаердан,  
Ёвнинг чекинишин тургандай кутиб.

... Табиат жимгина нафас ростлайди,  
Йиғлаб енгил тортган одамдай сокин.  
Шаббода йўлини бирор тўсмайди,  
Япроқлар бош ирғаб қўяди секин.

Менким, табиатнинг жангчиси, олди.  
Дейман баҳор бўлса, гуллар қўпайса.  
Фақат шу... хаёлдан ҳеч кетмай қолди,  
Чўмилиб баданин артмаган майса...

## ЛОЛА

Қирларни айлансан эрта баҳорда,  
Қиқирлаб турибди тоғнинг лоласи.  
Лола, мени ерга урма бекорга,  
Қирда бўлсанг, менам тоғнинг боласи!

Этилганим тўғри сенинг пойингга,  
Чиройинг деб бўлдим мен тоза хароб.  
Шу жабрлар хаққи қизил жомингга,  
Лолажон, қуйиб бер бир коса шароб.

Сипқориб тин олсин бу ҳалак жоним,  
Япроқ-кокилингни лабимга босай.  
Қизил бўянганинг бу жигар қоним,  
Юзим рангини ҳам олдинг-ку тоза.

Тиз чўкиб ўпаман япроғинг: мазза,  
Сен ял-ял очилган мен тили дудук.  
Бир силкиниб қўйсанг жаҳоним ларза,  
Бир сийпалаб қўйсанг жоним тасаддуқ!

Бандингдан узмайман, бўлма хавотир,  
Сен кикирлаб турсанг қандоқ юламан?  
Ҳар баҳор қошингда бўламан ҳозир,  
Ўлсам ҳам пойингга келиб ўламан!

## ВАҚТ

Вақт, мени қаёққа етакляисан,  
Ким бўлиб ўтаман эрта дунёдан?  
Қоқиниб-суриниб йўлимни топсан,  
Дилим бўлмасмиди бугундай мотам.

Вақт, мени қаёққа етакляяпсан?!  
Отам қарияпти, онам хаста жон...  
Эртам ўнғай келиб мартаба топсан,  
Уларсиз татимас на давлат, на шон!

Вақт, мени қаёққа етакляяпсан?  
Шошмай тур келдимку шунча йўл босиб.  
Болалик турибди ортимда хафа,  
Унинг билан олай хайр-хўшлашиб!

Вақт, мени қаёққа етакляяпсан?  
Чин дўстларим тушгач турмуш бутларга.  
Душманим қўлида эрмакляяпсан,  
Шер келтир, ем қилма мени қуртларга!

Вақт, ўзи қаёққа етакляяпсан?  
Судрайсан тақдирнинг йўлакларига.  
Хотима топмасдан бу умр қиссан,  
Тутсайдим онамнинг билакларидан.

Етсайдим онамнинг тилакларига...  
Вақт мени қаёққа етакляяпсан?!

## ШЕРРИЯТ

Айтгин, чин болангми ё келгиндими?  
Юпатма, ростини сўзла, шеърият!  
Жон қушим сайраса сенга бандиман.  
Эшигинг қоқмоққа топаман журъат.  
Лекин сен кўнглингга келтирма сира,  
Шоирлик номини талаб қилмайман.  
Юзсиз меҳмон бўлиб эмас, бокира...  
Туйгулар элчиси бўлиб киргайман.  
Мен шовқин солмасман даргоҳингда ҳеч,  
Қоралагаи бўлиб бир-икки жумла.  
Маст бўлсам хисларим келганда жунбуш,  
Иргитмасанг бўлди мени ғижимлаб!  
Мен ёзсан бирорга ёқиши учунмас,  
Дилим тошқинини шеърга соламан.  
Кўксини мен медал тақиши учунмас,  
Тоза ҳавога олиб қўйган боламан!  
Билмайди бу боланг сиполик нима,  
Кулиб туришни ҳам эплаёлмайди.  
Вақт топса юмушдан қочиб салгина,  
Бир ўзи хаёллар суриб толмайди.  
Хаёл осмонида капитарлар ўйнар,  
Ўй сурса гулларни эркалайди у.  
Ўнгида завқ топар ўзини қийнаб,  
Тоғлар залворини елкалайди у.  
... Айтгин чин болангми ё келгиндими,  
Юпатма, ростини сўзла, шеърият!  
Кўнгилли асири, эркисиз бандими,  
Шу йигит кўнглини бузма, шеърият!



Ұтқиғ  
Мұликбоеев



1990 йил 11 августда Жиззах вилояты Пахтакор тұманида дәхқон оиласида дүнёга келган. Самарқанд вилоятидаги 1997–2008-йилларда ўрта мактабни тамомлаған. Яқында ташкил этилған Самарқанд вилояты өші ижодкорлар кенгаши аъзоси. Шеърлари матбуотда чоп этиб келинмоқда. Шу йил «Мұхаббат боғи» номли шеърий түплами чоп этилиш араfasида.

### СОГИНДИМ, ҚИШЛОГИМ, АДИРЛАРИНГНИ

Согиндим, қишлоғим, адирларингни,  
Илон изи кеттан қадрдон күчам.  
Күйлар мараганда охулар чопган,  
Бўрибосарларим кўриган кечам.

Ниҳол бўйларини кўкка чўзганча,  
Болалик тенгдошим яшнар дараҳтлар.  
Дараҳт вужудида сирлар яширган,  
Кушни қизга дилдан битилган хатлар.

Бугун тоглар соғинч нигоҳин қадар,  
Үзи катта қилган этакларида.  
Осилиб ер эдим ширин мевасин,  
Олис болаликнинг эртакларида.

Менга таниш яна гўзаллик, борлик,  
Яқинлар соғинмай кетдингми дейди,  
Олис бир ўлкада, қалбинг музлаган,  
Бир ён ватан мени унутдинг дейди.

Сўзлар топилмайди сабабларим кўп,  
Улгайгач, рўзгорнинг ташвишларидан...  
Умид кемасига ўтириб олиб,  
Кетсан, кетаверсам нолишларидан.

Соғиндим, қишлоғим, адирларингни,  
Илон изи кетган қадрон кўчам,  
Кўйлар мараганда охулар чопган,  
Бўрибосарларим кўриган кечам.

## МЕН ДУО ҚИЛАМАН МУНАВVAR ОЙНИ

Мен дуо қиласман мунаввар ойни,  
Уйгондим ўзгача ҳаяжон билан.  
Кўпайиб кетгандек софдил карашлар,  
Саҳарлик бошланди соф виждон билан.

Шукронда келтириб неъматларига,  
Яратган, етказган кунингга шукур.  
Мехр уйғонади муҳаббат бирла,  
Онг-у шуурим узра иймон, лавҳ, зикр.

Бу ойнинг отгучи тонги бошкача,  
Дуода еттидан, етмиш ёшгача.  
Мўминлик нафаси уфирганида,  
Гул унар сахрода ҳатто тошгача.

Аzon эритади дил музлигини,  
Ювади вужуднинг, ғам тузлигини.  
Ҳақнинг жамолига бўлиб маҳлиё,  
Тарқатар баҳорий хис, кузлигини.

Таомдан тийилган нафс жиловланар,  
Шайтон йўлолмасдан хўп каловланар.  
Кафтлар юз ўпганда каломи бирла,  
Эзгулик қуёши чин аловланар.

Сиз босган кўчангиз излари бошқа,  
Парвона сиз бирла эзгу бир ришта.  
Шукронга келтиринг, нолиманг сира,  
Ўзи яшайсизку дўстим биҳиштда.

Бисмиллоҳ, бу сўзнинг сеҳри сезилгай,  
Қилган, ва қилгучи амалингиздан.  
Шайтонсифат кучлар нари чекингай,  
Намозга шайланган қамалингиздан.

Тилда дилда доим бир амал ғоя,  
Тамал тош бўлолгай исломиятга.  
Ватан гўзал, Аллоҳ жамоли гўзал,  
Шу керак аслида инсониятга.

Тутган рўзангизга шафофат ёғгай.  
Ўткир мўминларга меҳрла боққай.

## ЁМОНСАН, ДЕГАНЛАР ЁНИМГА КЕЛСИН

Базан эркинликни тусайди хаёл,  
Билмайин қоламан бор-у йўклигим.  
Хеч кимга оғирим тушмаса бўлди,  
Эсимдан чиқади оч-у тўклигим.

Бор дунёда яшаб қолай-чи пича,  
Рўёлар ёритмас тақдир не десин.  
Кулсам кулгичимга шайдодир дунё,  
Ёмонсан, деганлар, ёнимга келсин.

Яхши бўлишсалар мендан-да ортиқ,  
Вақт келиб баҳт отли сандиқ очаман.  
Мен боқий яшайман, ҳали кўрасиз.  
Ажал сиртмоғини узиб қочаман,

Ҳали менсизликка кўнмайди дунё,  
Ахир яхши кўрган инсондир азиз,  
Ситам деб тўрт карра нолимаяпман,  
Колдирмоқ ниятда ортда нишон из.

Инжиқ табиятим момақалдироқ,  
Ховурни босади жалалар, селлар.  
Ёмғирдек томчилар пешона тери,  
Толе ёруғлигин кутади еллар.

Олади бир куни кувонч,  
Бахтла сўрашаман мен ўша дамлар.  
Шодланиб яшайман иргитганимча  
Эски вараклардек, қайгулар, ғамлар.

Кимдир ранжитмоққа уринмасин ҳам,  
Қўнглини оғритар ҳислар бўлмаган,  
Кувониб яшайлик, ана Ўткирдек,  
Дил қадаҳ баҳт истар, бироқ тўлмаган.

Ёмонсан, деганлар, ёнимга келсин.

## ЮЛИБ ҚОЧАР ЭСГАН ШАББОДА

(Қўшиқ учун)

Юлиб қочар эсган шаббода,  
Бир қизгина дудогидан ол.  
Келтиради, айлади сармаст,  
Лабларимга тегинади бол.

Кулиб сочар қалбимдан ҳислар  
Муҳаббатга айланган сеҳр.  
Қизгинанинг янокларига,  
Қўндираман оҳиста меҳр.

Эсар қувнаб майин шаббода,  
Мактубимиз ташийди тинмай.  
Ошиқ бўлиб қолдим қизгина,  
Ишқ юракка ҳайриҳо билмай.

Нозланади ибо-хаёли,  
Кузатаман безовта хаёл.  
Рафиқамга айланса шул қиз,  
Бўлажақдир, энг баҳтли аёл.

Чопқиллади туйғулар дук-дук,  
Тўхтаб қолди эсмасдан сабо.

Излаб қолдим нигоҳин шошиб,  
Мұхаббаттаға айланди ҳаво.

Танишамиз, розлар қүшилган,  
Үткір кутған баҳтлар қошида.  
Икки дилни ёндирап лов-лов,  
Никоҳ базми висол бошида.

Юлиб қочар эсган шаббода,  
Бир қызгина дудоғидан ол.

### **ҚҰЛІМГА ТУТАМАН БАХТНИ БИР ҲОВУЧ**

Кафтимга оламан очундан баҳтни,  
Қўлларим зиёга талпинтираман.  
Бармоқлар ортида кўқдан ажабо,  
Эзгулик аталган нурни кўраман.

Узукдек товланар бармоқларимда,  
Ажиб бир синоат толедан тұхфа.  
Афтор тирикликка ёрқин бир машал,  
Ғам қолмас сира ҳам қилмасман шубха.

Қуёшли ўлқада туғилған жоним,  
Мехрибон нигоҳлар орасидаман.  
Пурвиқор тоғларнинг лабларин топған,  
Парёстик булутлар қаршисидаман.

Менга жилмаяди баҳтлилар, баҳтлар,  
Тұхфалар топғаним шул дея тахтлар.  
Кўнгил босған изи еттинчи осмон,  
Вужудда уйгонар, чанқоқ хис шахтлар.

Булутлар айланар, теграмда осмон,  
Мовий яноғидан томдирганча бол.  
Севишига ундайди табиатимни,  
Гуллар яноғидан бўсаларинг ол.

Ватанга бошқача, ишқим ўзгача,  
Тотли нафасидан яйрайди жон дил.  
Термулиб туради гўзал бир нигоҳ,  
Бунчалар беғубор, бунчлар соғдил.

Дарахтлар япроғи шивирлар эрта,  
Ушалиб кетади орзу бу рўёб.  
Висолга талпинган икки жон қалбдек,  
Ер осмон пинжида, туташар жуфт лаб.

Ўткир жилмаяди яна баҳтиёр,  
Тириклик немати қадри бу жондир.  
Инсон ҳайтига мазмун тутгувчи,  
Мухаббат танангда жўш урган қондир.



*Мирзоҳид  
Ҳабқат*



1991 йил 26 мартда Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани, Қовунчи МФЙ, Ўразмат қишлоғида туғилган.

2011–2015-йиллар СамДУ ўзбек филологияси факултетида таҳсил олган. «Оппоқ орзулар» (2014), «Рангин туйғулар» (2016) шеърий тўпламлари муаллифи.

Хозирда Қўшработ туманидаги 42-мактабда она тили ва адабиёт фанидан сабок бермоқда.

## **ВАТАН**

Бир сўз бор – қуёшдай мунаввар,  
Бир сўз бор – гуллардан муаттар.  
Бир сўз бор – жон қадар мўтабар –  
**ВАТАН!**

Битта сўз онадай улуг сўз,  
Ҳар харфи мукаддас, кутлуғ сўз.  
Қалбларда ёниқ сўз, ёруғ сўз –  
**ВАТАН!**

Бир сўз-ки, олтиндан қимматли,  
Тенги йўқ меҳрда ҳимматли.  
Бошқа сўз топилмас ҳикматли –  
ВАТАН!!!

### ЎХШАЙДИ

Юрагимдан ранг олмиш замин,  
Қизғалдоғин қирга тўшайди.  
Борлик аро бормиз токи биз,  
Тириклик – бир сирга ўхшайди.

Ёмғир бўлиб ёғса яхшилик,  
Яшилликка бурканса олам.  
Армонларин кўмиб, яшириб,  
Дил боғини гуллатар одам.

Юрагимдан ранг олмиш замин,  
Қизғалдоғин қирга тўшайди.  
Кирда кулиб турган қизғалдок,  
Эй дўст, сиз-у бизга ўхшайди.

### ҚўМИБ ҚЎЙИНГ...

Кўмиб қўйинг қароғингизга,  
Кўзёш бўлиб, сизиб чиқаман,  
Экиб қўйинг юрагингизга,  
Софинг бўлиб, униб чиқаман.

Кузак бўлинг дилхазон ўйнаб,  
Йўлингизга тўзиб чиқаман,  
Ўтга отинг бир қараш билан,  
Қақнус мисол ёниб чиқаман.

Ёмғир бўлиб ёғинг самодан,  
Кипригимга тизиб чиқаман,  
Шабнам бўлинг дилбаргга қўнган,  
Капалақдек симиб чиқаман.

Сиз ой бўлинг ўроғингизга,  
Армонларим илиб чиқаман,  
Қуёш бўлинг – баҳорий офтоб,  
Қалбим кунга ёйиб чиқаман.

Сиз-ла ёруғ тунларим, қар  
Сочларингиз ўриб чиқаман,  
Келмасангиз ахволим сўраб,  
Сизни ўйлаб ўлиб чиқаман.

Қўмиб қўйинг қароғингизга...

## МУНОЖОТ

Қалбимга имон бер,  
Маърифат – нур бер.  
Тансиҳатлик, ғайрат –  
Гўзал умр бер.

Тилимга шукр бер,  
Сўзимга таъм бер.  
Нам берсанг кўзимга  
Шодликдан нам бер.

Бахт-у саодатни,  
Тангрим, бутун бер.  
Мехр-муҳаббатнин  
Умрин узун бер.

Тангрим, ҳаловат бер,  
Роҳат, хузур бер.  
Юз йил умр берсанг,  
Юз йил сабр бер.

## ИЗХОР

Босган изларидан гуллар очилар,  
Ойжамолин кўриб диллар очилар.  
Синглим, опажоним, аёлим, қизим,  
Онам дуоси бор йўллар очилар.

Борлигингиз баҳтим – дуоси тумор,  
Байрамингиз қутлуғ, кўзлари хумор.  
То Куёш фалакда сочмишdir зиё,  
Сизлар бор, қалбимни тарк этмас баҳор.



*Можинур  
Кудратуллаева*

1992 йили 17 сентябр куни Бухоро вилояти, Шоғиркон туманида туғилган.

5 та шеърий китоби нашр этилган: 2004 йилда «Китоб ўқиган бола», 2006 йилда «Атиргулим», 2008 йили «Мен меҳрман», 2018 йили «Сиз учун».

12 ёшида Бухоро вилоят ҳокимининг стипендиясига сазо-вор бўлган ва Республика ёш ижодкорларининг «Нафосат – 2008» танловида ғолиб бўлган.

2006 йили «Енгяхши китобхон» танловининг Республика босқичида 1-ўринни, «Момомнинг сандиги» Республика танловида ҳам ғолиб бўлган ва ижод намуналари тўпламга киритилган.

2018 йилдан бошлиб «ЗЎР ТВ» телерадиоканалида мухаррир сифатида фаолият юритиб келмоқда.

### ТИНГЛОВЧИ ТОҒ!

Мен тоғларнинг қаърига сингдим,  
Хотирани қўмдим бағрига.  
Мен викорни бугун ўргандим,  
Тушгандекман ғуур макрига.

Мен юрақдан тинглашни билдим,  
Күршаяпти мени фироқлар.  
Бир мен эмас, неча асрким,  
Одамзодни тингларкан тоғлар.

Ё Раб, қаранг жимжитлик сирин,  
Бу ер қандай тинч осойишта.  
Айттар доим матонат куйин,  
Үзингизга ўхшадим, ота!

Бўғзимда тош қотган минг додим,  
Ёд, ўйларим тарк этинг бир он.  
Ичимдаги тўфонни енгдим,  
Отиламан, мен энди вулқон!

Мен тоғларнинг қаърига сингдим...  
Мен яшашни ўргандим ундан...

### ҲАЁЛИЙ СУҲБАТ

Қара, юрагимда қариdi севги,  
Сочлари оқарди аламдан.  
Мехрли сўзлар ҳам занглади,  
Ҳарорат кетяпти танамдан.

Сесканиб кетаман гоҳида,  
Елкам кўл тафтини сезади.  
Ғуруринг тўшабсан пойимга,  
Рухимда насиминг кезади.

Қўрқаман ортимга қарашга,  
Кўзларинг кўзимга тушса-чи?  
Сен менинг юрагим қафаси,  
Мен сенинг юрагинг қушчаси.

Атрофда кезади минг хаёл,  
Гумонлар сочимни ўради.  
Жамалак тақади рашк беор,  
Ёлғонлар ҳолимни сүрайди.

Жимирлаб кетяпти этларим,  
Нимадир айтмоқчи бўламан.  
Пешонам ўпади дардларим,  
Кечиккан икрорни сезяпман.

Қарадим...  
Кўрдимки, рангсиздир фазолар,  
Сочингда оқлар бор аламдан.  
Надомат руҳимни жазолар:  
Энди кеч! Жон чиқди танамдан.

Энди кеч!

## ИЛТИЖО

Мен уни деб ўздан кетибман,  
Ўзгаларга керак бўлган пайт.  
Қирқ бир жоним билан ёняпман,  
Худо, менинг кўнглимни юпат.

Кулоғимда бонг урур сўзлар,  
Руҳим дорга осяпти ҳасрат.  
Шайтон тигин кўксимга санчар,  
Худо, менга сабрингдан жўнат.

Нима қилай, шу бўлса феълим,  
Фурур пичноқ санчар десам «қайт»,  
Кўп адашдинг, кўп бор, азизим,  
Худо, унга тўғри йўл кўрсат.

Не телбалар ўтди, ҳислар ҳам,  
Дил қулфига занглар қилди қасд.  
«Мен йўқотган сен ўша санам»,  
Дегувчини қил дилга пайванд.

Мен уни деб ўздан кечибман...

## СЕВИБ ҚОЛИШ

Эй, Худо!  
Мен уни яхши кўраман!  
Уни одамларнинг нақши кўраман,  
Унинг кўзларига дуч келган кундан,  
Ичимда бир ичкин бахши кўраман.

Эй, Худо!  
Мен уни ортиқ кўраман!  
Гўёки ўзингдан тортиқ кўраман.  
Художон, мен уни учратган кундан,  
Ўзимни ўзингга боғлиқ кўраман.

Эй, Худо!  
Мен уни жондай кўраман!  
Ҳаттоқи қулниям хондай кўраман.

## КАПАЛАК

Сенинг оламингга қизиқиб қолдим,  
Қачон қарамайин доим жонсарак,  
Үзимни дунёмдан мен безиб долдим,  
Сенга ҳавасларим келди, капалак.

Түн кийдим, ёқа-ю енгин тополмай,  
Мулозамат сирин билмай мен ҳалак,  
Билмаган нарсамни құркиб сүролмай,  
Сенга ҳавасларим келди, капалак.

Чаманда кезмоқлик нақадар шараф,  
Неча орзуларда яшар бу юрак.  
Бугун тиканзорни қилишар тараф,  
Сенга ҳавасларим келди, капалак.

Гапирсам тилемден тутилар мудом,  
Ахир ҳақни ҳар дам эсламоқ керак.  
Менинг ўтингчимни тинглагин бир он,  
Сенга ҳавасларим келди, капалак.

Оғочлар кимлардан қолғандир мерос,  
Замин кент, бу юрак сиғмайды фақат,  
Неча йиллар яшаб олдимми қасос,  
Күйгин, бир кун яшаб кетай, капалак,  
Сенга ҳавасларим келди, капалак...



Ферғуз  
Камалов



1993 йил 3 майда Бухоро вилояти, Шоғиркон тумани,  
Пахтаобод маҳалласида туғилган.

### КҮНГИЛ

Кўнгил, мунча нозик туйғусан,  
Хисларга эрк берарсан нолон,  
Кўнгил, бугун ёмон қайғусан,  
Қайгуларга ботганинг ёмон.

Кўнгил, бугун дардимни сочсам,  
Қайгуларга ботмай кўяқол,  
Аlamлардан нарироқ кочсам,  
Ўзлигингдан изла, топақол.

Ишқимда сен сарғайган жавон,  
Гўё боғсан хазонлари кўп,  
Бағримда сен оловранг алвон,  
Юрагимнинг ёмонлари кўп.

Күнгил, мунча нозик туйгусан,  
Аччиқ гапга синасан аста,  
Шириң гапга мойил урғусан,  
Шириң гапга күнасан аста.

Сенга қанча сиримни айтсам,  
Сирли сандық, сирдошим үзинг,  
Бир юзингни күриш истасам,  
Күринмас қош, на қаро күзинг.

Үнгимдасан, хаёлимдасан,  
Күнглимдасан, қарофимдасан,  
Сирдошимсан, сүроғимдасан,  
Күнгил, бугун ардоғимдасан.

Феруз сени жүшиб ёзганда,  
Байтларида охлар уфуар,  
Ишқ боғида танҳо кезганда,  
Азоблари қалдан күпирар.

### ИШҚ БУ...

Ердан осмон қадар чүзилған ишқ бу,  
Икки дунё орасидан узилған ишқ бу,  
Етти олам сарварига зор уриб,  
Шоир шеърларида тирилған ишқ бу.

Орсизларга вафо қилмаган ишқ бу,  
Орият қўлида ўлмаган ишқ бу,  
Хиёнат бағрида мангуга кетиб,  
Шоир шеърларида тирилған ишқ бу.

Аммо кўп орсизнинг эрмаги талай,  
Кўп диллар бағрида чанқаган ишқ бу,  
Жом тўла майдан ичиб ҳарқалай,  
Шоир шеърларида тирилган ишқ бу.

Узун аро йўлда адашган қисмат,  
Тақдир тақозога йиғлаган ишқ бу,  
Кўриб стамлар-у чекиб уқубат,  
Шоир шеърларида тирилган ишқ бу,

Хазоннинг бағрига қалбини босиб,  
Қалби хазон бўлиб сарғайган ишқ бу,  
Ўчмас битикларга ипсиз осилиб,  
Шоир шеърларида тирилган ишқ бу.

Ҳар тарафи бозор, савдоси арzon,  
Арzonлар қўлида сарсон-саргардон,  
Аммо куйик қалбга бўлиб бир армон,  
Шоир шеърларида тирилган ишқ бу.

Ишқ бу – муҳаббатдан яралган ҳислар,  
Поклик-у, софликка қолдирган излар,  
Шоир ашоорида айтилган сўзлар,  
Шоир шеърларида тирилган ишқ бу.

## АДОЛАР ҚИЛДИНГ

Дайди шамоллардек учиб юрибман,  
Хазонларни кучиб сочиб юрибман,  
Мен телба тентакми эй малак сиймо?  
Мезонлардек маҳзун сузиб юрибман,  
Тундан тонгачаки изғиб юрибман.  
Кўйингда, ўйингда адойингми ман?

Мехри кенг нигохлар алқалар мени,  
Юзлари ҳилоллар йўлқалар мени,  
Йўлимни пойлаган кўзи шахлолар,  
Йўлимга интизор эркалар мени.  
Ханжар нигохи-ла қиймалар мени,  
Кўйингда, ўйингда гадойингми ман?

Осмонни уйғотдим тунда шеър айтиб,  
Заминни аллалаб қўйдим ухлатиб,  
Ойнинг жамолига бурмадим юзим,  
Лек топмай сарсонман сени ахтариб.  
Кетдим коинотнинг кўксига балқиб,  
Кўйингда, ўйингда адойингми ман?

\* \* \*

Кўнглимни чақдилар кўнглимдагилар,  
Заҳарли илондек томоғим бўғиб,  
Қанча синовларда тобланди ҳаёт,  
Тақдир яхларида оёқда туриб.

Кўнглимни буздилар бузғунчилари,  
Фисқ-фасодларла солдилар қовок.  
Кўринмас лойик сўз тузгувчилари,  
Андиша номини қўйдилар кўрқоқ.

Ҳа, мен қўрқоқман, андишалиман,  
Зулм-разолатдан қўрқаман бироқ,  
Туҳмат тошларига саришталиман,  
Зулматда кўнглимга ёқаман чироқ.

Ҳа, мен сен билган ўшаман-ўша,  
Пешонаси шўрлик, вижданни тоза,  
Ҳақ йўлин туттганман этмай машмаша,  
Ҳалоллик боғида бичиб андоза.

Олганим, орттирганим билганимдир,  
Улардан қолғанлари күнглимдадир,  
Доғимдир, аламимдир, андухимдир,  
Күнглимни чаққанлар доим күнглимдадир.

Қалбимни эздилар товонлар ила,  
Эзгинди мажруҳман, лек қаддим ғоздир,  
Юрдим, югурдим нодонлар ила,  
Топганим дашном-у, дакки, танбеҳдир.

## УСТОЗЛАР

Жовдираған күзларимга танитдингиз дунёни,  
Маърифатнинг чироғи-ла ёритдингиз рўёни,  
Болалиқдан бой қылдингиз таъфаккурни, зиёни,  
Отам каби, онам каби азиз бўлган устозлар!

Орқамизга опичладик бутун олам гавҳарини,  
Қўлимизда эъзозладик маънавият зарларини,  
Ўргандик ўзингиздан машаққатнинг завқларини  
Отам каби, онам каби азиз бўлган устозлар!

Мехр қўйдик илло Ватан осмонига, тупроғига,  
Мехр қўйдик одоб, аҳлоқ заррасининг гул боғига,  
Мехр қўйдик ота, она хурматининг ардоғига,  
Отам каби, онам каби азиз бўлган устозлар!

Дўстга меҳр, садоқатни ёд этдингиз қалбимизга,  
Қатра-қатра сингдирдингиз муҳаббатни онгимизга,  
Ҳар дам эсон, омон бўлинг, чирой ёзиб баҳтимизга,  
Отам каби, онам каби азиз бўлган устозлар!



Дилноза  
Камол



1994 йилда Қашқадарё вилояти, Китоб туманида туғилган. Вақтли матбуотда, шуинингдек «Хаётчашмалари», «Истеъдод учқунлари», «Мухаммад Юсуф издошлари», «Истиқлол насимлари», «Ирмоқлар», «Юксак орзулар», «Ёшлик илҳомлари» номли алманах китобларда шеърлари чоп этилган. Кўплаб шеърлари бир қанча санъаткорлар томонидан қўшиқ қилинған. «Юксак маънавиятли авлод» Республика фестивалининг «Бадиий ижод» номинатсияси бўйича вилоят босқичи ғолиби (2018), Республика ёш ижодкорларининг «Зомин» семинари иштирокчиси (2018).

### ВАТАН

Ватан дея йифлаган қўнглим –  
Япроқларда титраган шабнам.  
Ховучларим тупрок ўпар жим,  
Аждодларни ёдга олган дам...

Қаро тунда оппоқ доғли юз,  
Кенг оламга бағишлар чирой.

Осмонингда осиғлиқ ҳануз,  
Балдоғимга ўхшар тўлин ой.

Тушларимда кўк кўрпасидан,  
Юлдуз сочиб ўтади хурлар.  
Кўк гумбазлар қобирғасидан,  
Жилоланиб сизади нурлар.

Тиним билмас соат палласи,  
Тун кундузга ўрин берган дам.  
Узокларда оппоқ саллали,  
Тоғлар расмин чизади қалам.

Мен исмингни ёздим доналаб,  
ВАТАН дедим, илиқлик сездим.  
Майсаларнинг сочин шоналаб,  
Оғушингда елдайин кездим.

Кўзни олар кўкда мис танга,  
Манзил узра борарман шитоб.  
Яноқларни бўяб ол рангга,  
Сўнгаккача қиздирап офтоб.

Мехринг – олов, ёндирип Ватаним,  
Ғам-гуссамни ёқиб кетайин.  
Томирларда кўпирсин қоним,  
Тўлқинида оқиб кетайин.

Эркалагин мени кафtingда,  
О, ватаним, сезилмасин дард.  
То ўлгунча сенинг таftingда,  
Ёнмоқлиknинг ўзи катта баҳт!

## БОРАР МАНЗИЛ ҚАЁН...

Яна тун бошланди, яна бедорлик,  
Бир лахза ором йўқ, ололмасман тин.  
Яна соғинчингда жоним беморлик,  
Шу қадар узоксан, шу қадар яқин...

Ёмғир ёғаверар юракни эзиб,  
Гүё томчилари сен ҳақда сўйлар.  
Куруқ хаёллардан кетганман безиб,  
Мен сени ўйлайман, мени ким ўйлар...

Пешонамга олий баҳт бор эҳтимол,  
Ёмғир иси инган тупроқ қучарман.  
Борар манзил қаён, жануб ё шимол,  
Эҳтимол, қуш бўлиб кўкка учарман...

О, тошлоқ кўчалар – лойга қоришиқ,  
Пойабзал тешикдир, шилта соябон.  
Йўлда кўлмакларга айтсам мен қўшиқ,  
Томчилар рақсга тушади, ишон!

## ЛЎЛИ ҚИЗГА

Нелар ўтди, лўли қиз,  
Нон деб эгик бошингдан.  
Устунми шу бир чақа –  
Тўкилган кўз ёшингдан?!

Кел, узилиб дунёдан,  
Сўзимни тингласанг-чи.  
Сўзни сўраб Худодан,  
Мен ҳам битта тиланчи.

Ҳаётимнинг матлаби –  
Шеърдан, сенга очай гап.  
О, лўли қиз мен қаби,  
Юрибсанми тентираб?!

Совуқларда бурушган,  
Мана, қўлларимга боқ.  
Шеър ёзмоққа тиришган,  
Қалам ушлаган бармок.

Шеър ёзарман Худо деб,  
Қофиялар қовушинг.  
Ерни тирнаб лўли қиз –  
Йиртилибди қовушинг.

Хафа бўлма, лўли қиз,  
Ковушсиз ҳам кезамиз.  
Юр, ватанинг тафтини  
Ялангоёқ сезамиз!

Юргил, тушмасдан қиров,  
Юз босамиз тупроққа.  
Кўрқма чакириб бирор,  
Тутмас бизни сўроққа.

Сезяпсанми сухбатдош,  
Сўздан кучли олов йўқ!!!  
Ҳаётимни қиласар фош –  
Шеърларимни олиб уқ!

Кел, узилиб дунёдан,  
Сўзимни тингласанг-чи.  
Сўзни сўраб Худодан,  
Мен ҳам битта тиланчи!

## СЕНГА...

Ялдоли тунларда эртаклар айтиб,  
Безовта рухимни аврайман ҳамон.  
Токай давом этар бундайин яшаш,  
Наҳот қуляяпти устимга осмон?!

Йүлингда интизор жовдирап күзим,  
Шу күз юмилмайин берәқол садо.  
Кирғоқман, мен томон сапчиб түлқиндай,  
Қачон рўпарамда бўласан пайдо?!

Бир қуш типирчилар олов вужудда,  
Ёлғизлик куйидан зериқдим ахир.  
Энди эртаклар ҳам қилолмас уdda,  
Кел, қалбим эгаси, меҳр бер, меҳр!

\*\*\*

Шамол соchlарига қўлларим шона,  
Шамолга шеър айтмак қисматим экан.  
Ҳақ йўлда юргани Ҳақ қўллар, она,  
Ҳатто Пайғамбар ҳам умматим деган...

Гарчи, юрагимни ўртар хотира,  
Сиз борсиз – ҳаётга кулиб қарадим.  
Фарзандлик бурчимни оклашдан кўра,  
Балки шоирликка кўпроқ ярадим.

Анинг илкидадир ҳар битта тақдир,  
Бир кун кетар бўлсан дунёдан тона.  
Қора булутларни қувиб бирма-бир,  
Фақат шамол бўлиб қайтаман, она.



*Ислом  
Асильбеков*



1994 йил 20 марта Наманган вилояти, Чуст туманида туғилған. Ёш ижодкор бадиий ижоднинг наср ва публицистика йўналишида қалам тебратади.

Мақолалари матбуотда ёритилған. 10 га яқин илмий мақолалари эса халқаро журнал, конференция тўпламларида чиқсан.

Буюк Британия, Хиндистон, Германия, Голландия кабиларшулар жумласидандир. Яқиндаёши жодкорларнинг ҳикоялари, Хиндистонда чоп этилган «Замонавий ўзбек ҳикоялари» антологиясидан ўрин олди.

«Замонамиз қаҳрамонлари», «Жилғалар қўшиғи», «Улуғ салтаиат васфи» хамда Республика ёш ижодкорларининг «Бўстонлик» II форуми иштирокчиси.

Хозирда Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси.

## ҚОПЛОН

Бечорага...

Тоғам менга эрта баҳорда бир күчүкча олиб келгандилар.

Бирам чиройли эди, күрганларнинг ҳаваси келарди. Үнга Қоплон деб ном кўйдим. Аввалига хадиксираб турган күчүкча бора-бора бизга ўрганиб қолди. Гоҳо биз билан ўйнашар, ирғишилаб, ортимиздан чопарди. Кўча-кўйда юрсам, хамроҳим бўлди.

Қоплон қаҳратон қиши фаслида болалади. Совуқ юзни чимчилар, күчүкчалар эса онасининг пинжига суқулиб, дағ-дағ қалтиради. Жовдираган кўзлари билан менга маъюс тикилган Қоплонни кўрганда юрагим эзиларди. Чунки ҳақиқатдан ҳам совуқ эди-ю, уйда мендан бошқа ҳеч ким йўқ, ота-онам опамикига меҳмонга кетишган бир вақтда мен болалигимга бориб, «ит-ку, ҳеч нарса бўлмас» дея бепарволик қилибман. Қоплоннинг илтижоли қараашларини тушунмабман.

Отхонамиз олдидағи эски, кичкина, тепаси қулаб кетган уйчада Қоплон болаларини бағрига олиб, авайлаб, уларнинг устидаги қорларни ялаб-юлқаб тиллари билан тозаларди. Эрта тонгда итимнинг увиллашидан чўчиб уйғониб кетдим. У гоҳ мен томонга, гоҳ отхона олдидағи уйчага қарап эди.

Шошганча ялангоёқ ҳолда уйча ичига кирдим. Қарасам, тўрттала күчүкча совуқдан қотиб қолганди... Афсус, агар мен эътиборли бўлганимда, иссиқроқ жой ҳозирлаб берганимда улар ўлмаган бўлармиди? Ота-онам меҳмондан қайтиб, мени роса койишиди. Қоплон эса ҳамон болаларининг бошида. Совуқдан қалтираётган бўлса-да, нари кетмас, улардан нигоҳини сира узмасди. Унинг кўзларидан ёш шашқатор бўлиб сизар, совуқ сабаб жон берган күчүкчаларнинг атрофидан кетмасди.

Шу дам совуқдан қотиб қолаёздим. Дарҳол бирор нарса кийиш учун уйга чопдим. Атиги беш дақиқагина оёғимдан ўтган совуққа чидолмадим, кечагина она қорнидан тушган

кучукчалар бир кун давомида канчалар қийналганини энди аингладим. Ўзимдан хафа бўлдим. Она ит аста-аста болаларини гили билан ялар, устидаги қор парчаларини бурни билан суриб қўярди.

Тушга яқин кучукчаларни боғ четидаги ҳоли жойга кўмиш учун отхонамиз ёнидаги уйчага бордим.

*Юрагимда ачиниш ҳисси эрмаклаб, кулиб,  
Нон ўрнига отишгандек тоши,  
Ит кўзидан юлдузлар бўлиб  
Қорга оқди томчи-томчи ёши...*

(С.Есенин)

Уларни қўлимга оламан деб энди энгашган эдим, Қоплон најкоҳат билан менга иррилади, ўзимни тик тутдим, орқага тисарилдим. Итдаги бундай чексиз оналик меҳрини кўриб, ҳайратланиб кетдим. Қоплон эса менга бир тикилди-да, изғириндан ғужанак бўлиб ётган болаларини яна бағрига олди...

## ОҚ ТУЛПОР

Бобом болалигимда ўзларининг оқ тулпорларига мингазиб, узок-узокларга олиб борар, бу тулпор уларга қадрли эканлигини, ота мерослигини бот-бот такрорлар эдилар. У киши отга шунчалик меҳр билан қарап эдиларки, кўрган кишининг ҳаваси келарди. Кунларнинг бирида тулпорнинг жиловидан тутиб, биргалашиб тоғдаги чайламизга йўл олдик. Дарё ёқалаб борар ўканмиз, бобомлар ёшлик чоғларининг энг кувончли, ёддан чиқмас дамлари худди шу яйловларда ўтганини, тонг сахардан подалар билан оқ тулпорга миниб, тоққа чиқиб кетишларини айтиб бердилар.

– Бу жуда сезгир от, ҳатто мени бир неча маротаба ўлимдан ҳам сақлаб қолган, – дейдилар отнинг ёлини силаганча.

– Ўтган йили отим мени талофатдан, фалокатдан асраган. Тоғдан подаларни ҳайдаб тушаётган эдим. Кун ботиб қолган, бора-бора узокни кўз илғамайдиган бўлиб қолди. Оқ тулпор ҳеч юрмади. Ҳар ён бир-бир боқиб кишнайверди. Тоғ этагидаги чайла томонга интилаверди.

Подаларни бошлаб, чайла томонга йўл олдим. Етиб боргач, тулпорим ётиб олди. Бошини сарак-сарак этиб, менга бир қаради-да, хиёл кўзларини юмди. Мен ҳам подаларни чайла ёнидаги ёғоч тўсик ичига камаб, тунаб қолдим.

Эртаси куни кўшнимиз Абдурасул аканинг овозидан уйғониб кЭетдим.

– Эй, Солижон, тирикмисан? Кеча тоғда бирталай подалар қоя тошларнинг остида қолиб кетиб, ҳаром ўлибди. Сени ҳам ўша ерда қолиб кетибди, деб ўллабман.

Кулогимга яна тулпоримнинг кеча оқшомдаги кишинаши-ю, нигоҳларидаги жонсарак ноласи қайтадан эшитилгандай бўлди. Дарҳол тулпорга юзландим. Жойида йўқ. Ташқарига отилдим. Кўм-кўк яйловда подалар билан ўтлаб юрибди. Бошини кўтариб, бир-бир ўйноқлаётган кўзичоқларга қараб кўярди. Подадан узоқлаб кетишидан чўчигандек...

Ха, ўшанда бобомнинг кўзларида ёш билан тулпордан фахрланиб гапиришлари менда ҳам унга нисбатан ўзгача меҳр ҳиссини уйғотган эди. Орадан йиллар ўтди. Тулпор бу орада учта тойчоқ берди.

Бобом шу тойчоқларнинг кичигини менга совға қилдилар.

Мактабдан келибок, оқ тулпоримга ошиқар эдим. Уни етаклаб яйловга, боғларга олиб борардим. Уни ўзгача меҳр билан парвариш қилардим.

Бу орада бобом оламдан ўтдилар. Гоҳ-гоҳида у кишини кўмсаб, тулпор ҳам ўксингандек туюлади менга. Уни миниб бобомлар билан юрган жойларимизга борардим. Уларнинг

менга айтиб берган ҳикоялари-ю, қизиқарли воқеалари қулоғим остида такрорланарди. Тулпоримнинг нигоҳида эса бобомнинг меҳр ҳиссини кўраман гўё.

У билан узок сирлашаман. Сирларимни тинглагандай гоҳгоҳида унинг кўзларида ёш кўрингандек бўлади.

Юзимни юзига босаман. Нафаси иссиқ. Кўзларини юмиби юмиб очади. Бундан ҳам яхши дўстни топиб бўлар эканми?

Биз бирга улғаямиз... Хали кўп йўлларни босиб ўтамиш.

## БУВИМНИНГ ТАРСАКИСИ

Бувижон, қани энди ёнимда бўлсангиз, меҳрингизга қониб туярдим. Ҳанузгача минглаб инсонлар орасидан шу меҳрни излайман. Сиз эркатой набирангизни неча бор эркалаб, неча бор инжиқликларини кечирдингиз. Аммо бир тарсакининг ўрни хаёлимдан ҳеч қачон ўчмайди...

Ёдимда, ўшанда тенгқур қишлоқ болаларига бош бўлиб, мева ейиш истагида бир кампирнинг боғига «ўғирликка» тушгандим. Фарқ пишган меваларни қоқиб, исроф қилиб, сўнгра жуфтакни ростлаб қолган эдик.

Ўша куни боғнинг эгаси уйимизга келиб бувимга арз қилди. Кўркқанимдан бобомнинг ортларига беркиндим.

Бувим ҳамма воқеадан хабар топгач, юзимга бир тарсаки тушириди.

– Нега бироннинг боғига кирасан? Буям етмагандек кимларни эргаштириб боргандинг?

Шунда биринчи бор бувимнинг қаҳрли кўзларини, важоҳатини кўрганман. Бу менга катта сабоқ бўлганди... Ҳозир кимдир қаттиқ гапирса, оғринаман. Шу онда ўша тарсакини соғинганим рост. Биламан, шу куни кўп афсусландингиз. Гуни билан ухлай олмадингиз, ёнимда узок вақт ўтиредингиз, бувижон...

Эрталаб олдимга бир пиёла қаймоқ билан иссиқ кулча күйдингиз. Ўшанды ҳаяжон ила «мени кечириңг», дега йиғлагандым. Бугун ўйлаб карасам, ўша тарсакида буюк меҳр бор экан, бувижон!..

### Музқаймоқ...

Бобо набирасини етаклаганча музқаймоқ дўкони томон одимлар экан, ўзининг ҳам бир пайтлар бола бўлгани, инжиқлик қилиб отасига «ҳолва олиб берасиз» дега бот-бот хархаша қилганлари кўз олдида гавдаланиб бораради. Азизбек ҳам худди бобосининг ёшлиги. Айтганини қилдирадигон, ёқимтойгина 4 яшар бола. Эрталабдан бобосини холи-жонига қўймай «майўжни ейман, бобо!» деб туриб олди. Боланинг кўнгли пошишо. Нурмат ота ҳам эринмай неварасини етаклаб музқаймоққа йўл олган...

Азизбек битта эмас иккита музқаймоқни олиб гоҳ унисидан гоҳ бунисидан ялаб, чопқиллаб келади, бобоси эса унинг хурсандлигидан, болаларча самимий ҳамда беғуборлигидан кўзларига ёш олиб кулади «корқамда қолгин, умринг зиёда бўлсин».

Бог эшигига Азизбек тенгқур бир қизалоқ онасининг тиззасини қучганча йиғлаб турибди «маёя ейман, маёя». Қизим эртага олиб бераман, пулимиз йўқ ҳозир...

Азизбек бобосининг кўзларига илтижоли қараб: «бобо улайга ҳам маёя олиб беяйлик» дейди. Нурмат бобо бир набирасига, бир бояги она-болага қараб ортига бурилди...



Ҳмиджон  
Абдуманнонов



1994 йил 19 апрелда Фарғона вилоятининг Боғодд тумани Чуринди қишлоғида оддий ишчи оиласида дунёга келган. 2014 йил қишлоқ хўжалиқ, касб-хунар коллежини тамомлади. Шеърлари «Кўнгил кўчалари», «Олтин қалам» номли газеталарда чоп этиб келинмоқда. 2016 йил Ҳиндистонда нашрдан чикқан, «21-аср жаҳон адабиёти» антологияси ва «Оҳу» клуби томонидан чоп этилған «Истебод учқунлари» баёзига ҳам шеърлари киритилган.

\*\*\*

Нураб бораяпти умрим девори,  
Рұҳимни охират кунга шайлайин.  
Ширин бўлса керак ишқнинг озори,  
Буюк дард бер Худо, ишқни англайнин.

Тушда юргургандай қадамлар унмас,  
Ҳали манзилгача бениҳоя йўл.  
Бизларга етишиш ҳеч мумкун эмас,  
Мен ета олмаган баланд қоя бўл!

Шунда совимайди қайноқ қонларим,  
Сен деб ураверар юраклар дукур.  
Юзида ранг билан ўтар кунларим,  
Бошини тик тутиб яшайди ғуур!

Беркитма беназир табассумингни,  
Мен сени баҳтиёр кўрмоқлигим шарт!  
Ҳеч ҳам қаримайди, соғинчи билан  
Сенга қишлоғидан термулган дараҳт!

Сен сабаб гуркираб бўй чўзаябман,  
Висолга ташналик суғораябди.  
Узатсам, кўлимга қўл бера кўрма –  
Кўлларим ўзимга бўйсунмаябди.

Қалблар шивирлайди, кузатаман гунг,  
Бизларда биз қолмас, шаксиз ўиласам.  
Соатлар тўхтайди, етишгандан сўнг –  
Хафа бўлмайсанми, шеър ёзмай қўйсам?

Ҳаммаси ҳолича қолгани мақул,  
Дардсиз яшамакка дардлар кифоя.  
Батамом, мен баҳтли дараҳтман, буткул,  
Сен эса, баҳтсиз ҳам, баҳтиёр қоя!!!

\*\*\*

Бироз чидам, тасалли бер, сўрамайман  
Сендан бошқа дунёнинг ўнг-тушларини.  
Сўрамайман роҳатини бу дунёнинг,  
Ярми ҳалол, ярми ҳаром ишларини.

Дунё нима?  
Дунё битта эртак холос,  
Тугаб қолар кўзингни бир юмгунингча.  
Ҳали қанча оқ булутлар баҳт ташиди,  
Қанча панжа эзғилайди унгунингча.

Бироқ яна барига чин сабр керак,  
Метин керак иродани бутлаш учун.  
О азизам, бизни ҳали оппoқ тонглар,  
Ойдин тунлар кутаябди қутлаш учун.

Йўллар узоқ, манзилларнинг яқини йўқ.  
Узун-узун хаёллар ҳеч аrimайди.  
Берса берсин, улкан-улкан дардлар ҳаёт,  
Майда дардлар билан одам қаримайди.

Дардлар нима?  
Дардлар мева тугкан дарахт,  
Нари борса бир шамолда тўкилади.  
Кўнгил эса, синглим ямоқ қўйган мато,  
Бир сўз билан чок-чокидан сўтилади.

Энг муҳими шуни тоза асраш керак,  
Кўл теккизиб бўлмас ҳар хил бўёқ билан.  
Кўнгил ҳам бир сажда, бошни қўйиш мумкин,  
Эшигини ёпиб бўлмас оёқ билан.

Тишини тишга тираш керак, яшаш учун,  
Ниятларни кир совунлаб ювиш керак.  
Тоза виждан билан тезроқ Худо томон,  
Юриш керак!  
Юриш керак!  
Юриш керак!!!

Жудаям ўзгардинг, ўзгардим мен ҳам,  
 Энди талиинишлар ўтмишда қолди.  
 Соғиниб келмайсан, кутмайман мен ҳам,  
 Юрак ҳам хижронга кўнига олди.

Сен сокин яшайсан, бахтиёр, хуррам,  
 Бироқ мен ҳам ортда яшамаябман.  
 Елкамга тош ташиб хориди ҳаёт,  
 Мен ҳатто чекишини ташламаябман.

Қанотларим бир-бир қоқишиб кетди,  
 Юзимдан бошқа юз кўрмаган нурлар.  
 Сенсизлик фанидан дарс бераябди,  
 Сенсизлик нелигин билмаган кунлар.

Мехрибон экансан, керагидан кўп,  
 Сендан сўнг музладим, ёмон музладим.  
 Кетганингдан буён тополганим йўқ,  
 Ҳамманинг кўнглидан сени изладим.

Балиқ овчи қушдек санғидим тоза,  
 Ҳаворанг денгизлар ўйида сармаст.  
 Кипригингда қўниб, туш кўрай десам,  
 Афсус қўзларинг ҳам меники эмас.

«Бахтли бўлинг» дейсан, «бахт топинг» дейсан,  
 Қаршингда жилмайиб қўйишига шайман.  
 Мени деб шунчалар ғам чекиб турсанг,  
 Айт, қандай тамаки чекмай яшайман?

Сира ўзгармабсан, ўшаман мен ҳам,  
Қайғуришлар ўша, дардлар ҳам ўша.  
Қачондир чекишиңи ташлайман, сен ҳам –  
Бугундан йигламай ящашиңи бошла!

### ВЕЛОСИПЕД

Бугун эсга түшди эски хотира,  
Беш боб ишқ асари, йигирма уч бет.  
Хаёлдан кетмади, тонгдай бокира,  
Таниш күчалар-у күк велосипед!  
Эсимда, ахдлашдик нурли кечада.  
Иккимиз ишқ талаң, харидор эдик.  
Ва сайр айласак, тошлоқ күчада,  
Самалёт мингандек баҳтиёр эдик.  
Лабларинг гул эди, кулгу капалак,  
Мен эса меҳрибон боғбонинг эдим.  
Ким билар, құлларинг белим қучган пайт  
Меҳрингга үралиб, қайданам севдим.

Балки ишонмадинг, севгимга буткул.  
Гумонлар юракка қазидилар чох.  
Сўра шубҳалансанг, тилсиз, забонсиз –  
Кўкда оймомо-ю, кўк велиқ гувоҳ!  
Улар айтишади, кимнинг кимлигин,  
Биз эса дунёдан хунсиз ўтардик.  
Беш йилда бунчалар ўзгардинг, нечун?  
Беозор эдинг-ку мусичалардек,  
Оқшомлар велиқда кўкка учардик.  
Пешвоз чиқмас эди дайди шамоллар.  
Бугун-чи, гумонлар гирдобидамиз,  
Йўлимизда ғовдир, турфа хаёллар.  
Воҳ ёмон ачиндим ўтган умримга.  
Қадримга оҳ уриб, юрак санчиди.

Сен кеттинг, ортингдан юрмайин ҳеч ҳам.  
Омборда занг босиб, велик ранжиди!!!

\*\*\*

Оёгидан чўғ сачраб, йиллар югуриб кетди,  
Мен бошимни қай тошга уришимни билмайман.  
Эй ўн беши ёп-ёруғ, ўн беши қора оймомо,  
Сени яхши ё ёмон қўришимни билмайман.

Аввалгидай қўксимдан вулқон отилмай қўйди,  
Шами ўчган кўнгилни ёритмайди гугуртлар.  
Сарғайган қурут каби дийдаларим қотган пайт  
Кипригимга бош қўйиб, йиглаб беринг, булутлар!

Елкамдаги тоғларнинг қорлари эриб кетсин,  
Селлар оқизиб кетинг кўзимдаги кирларни.  
Кўксимда қариётган ўша оқсоқ юракнин  
Мен жудаям соғиндим дукур-дукурларини!



*Назноза  
Мұхаммедова*



1994 йил 22 июлда Бухоро вилояти, Олот туманида таваллуд топган.

Хозирги кунда Навоий давлат педагогика институтининг чет тиллар факултети талабаси. Республика матбуотида кўплаб ижодий ишлари нашр этилган. Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси.

### **БУРЧ**

Ҳаёт – Яратганинг бизга тақдим этган улкан совғаси. Биз инсонлар дунёга келар эканмиз, ҳар биримизда бурч ва мажбуриятларимиз бўлади. Қанчалик қийин, мураккаб бўлишига қарамай биз буларни адо этишимиз зарур. Инсоннинг умр мазмуни ҳам шу билан белгиланади. Бу ҳаётда кимdir дунёларга хукмдор бўлса, кимdir бутун умр гадо бўлиб факирликда ҳаёт кечиради. Шундай одамлар борки, Оллоҳ таоло уларга қўша-қўша фарзанд берган, аммо на ота-онанинг фарзандга, на фарзанднинг уларга меҳри йўқ.

Бироқ орамизда шундай инсонлар ҳам борки, ўзига Оллоҳ фарзанд бермаса-да, бирорининг фарзандини ўзиникидан-да ортиқ суйиб парвариш қиласи, бу вазифани Оллоҳ томонидан

унга берилган масулиятли вазифа деб билади ва чинакам инсон сифатида буни бажаради.

Абдусамад ака ҳам одобли, мўмин-қобил бир паҳлавоннинг отаси. У шу кунларда якка-ёлғиз ўғлининг нима сабабдан бунчалик ўзгариб қолганини, унинг уйдан кетиб қолишига арзигулик сабаб йўқлигини ўйлаб жуда сиқиларди, бечора онаизорини айтмайсизми – на ейишида, на ичишида ҳаловат бор. Қаерда хато қилдим, болагинам нимадан бунчалик хафа бўлди экан, дея ўйлаб хўжайнининг кўзига қаролмай бурчак-бурчакда бекиниб кўз ёш тўкарди. Абдусамад ака Мехри опанинг айбисизлигини жуда яхши биларди ва ичида ўзига-ўзи айтарди: «Мехри шу пайтгача ўғайлигини билдирамди, ўғлимизни ўз ўғлидай кўриб катта қилди, ҳаттоқи раҳматли Қумригина бўлгандаям бундан ортиқ қилмасди. У ҳеч нима демаган, ким гапирди экан, нима бўлди экан. Саволлар жуда кўп, аммо унга жавоб берувчи одам ғойиб бўлганди. Абдусамад ака Мехри опани Бувиш деб чақираарди. Сабаби, ёши 50 га яқинлашган, тўлачадан келган паст бўйли, турмушда омади келмаган бу аёл барчага жуда-жуда меҳрибон, тартиби-интизомли эди. Шу сабабдан ҳам уни таниган-билган кишилар жудаям ҳурмат қилардилар. Абдусамад аканинг хаёлларини Мехри опанинг майингина, бироз қўркув билан айтган «дадаси» деган сўзи тарқатиб юборди. У ҳозир Бувишнинг нима сўрашини билади, шунинг учун жиддийлик билан «ҳа, нима демоқчисан?», деди...

– Дадаси, энди нима қиласиз?

Ўзимни эътиборсиз тутиб:

– Нимани айтяпсан, – дедим. Чунки агар у ҳам ўғлимизни ўйлаб сиқилаётганимни сезса, юраги дош беролмасди-да, шунинг учун ўзини худдики ҳеч нимани ўйламаётгандек тутди. Бувиш эса норози оҳангда: – Дадаси, ўғлимизни айтяпман, нимага ўзингизни бунақа тутяпсиз? – дея йиғлагудек бўлиб гапирди.

Мен қатый туриб:

Сиз аёлларга хеч қойил қолмадим-да, нима, Бахтиёр киз боламидики, уйдан узокка кетиб қолса йиглаб юрсанг, у ўғил бола, бунинг устига у энди кичкина эмас, хеч нимадан кўркмайди. Қискаси – йигини тўхтат, бор, у-бу нима еб ол, анчадан буён туз тотмадинг, ўғлинг тезда келиб қолади.

Сизга айтни осон, у ҳали энди 10 ёшга кирди. Ҳаттохи тухум қовуришниям эпломасди. Шунча кундан буён нима еб-ичяпти болам. Оч-наҳор юрган бўлса, мени қандай томоғимдан овқат ўтади? – Охири йиглади бечора. Мен ҳам бироз юмшаб:

Бувиш, сиқилма, у тезда уйга келади, – дедим-...  
Ўғлимнинг тақдири нима бўлишини ўйлаб, қўлимда кетмон билан ер чопишига отланиб турганимда қулоғимга йиги овози эшитилди. Бу овоз шу қадар дардли, мунгли эдики, менинг ўтмиш хотираларимни ёдимга солмоқда эди гўё. Мен кетмонни ҳовлиниинг бир бурчагига кўйиб, хаёллар огушига ғарқ бўлдим.

Айни навқирон йигитлик ҷоғим қишлоқда қанча аёллар мени күёв қилишини орзу қилишар, онамнинг оғзини пойлаб туришарди. Онам бу масалани ўзимга ташлаб қўйган, кўнглингга ёқадигани бўлса мен рози, деб қўйганликлари сабаб кўп қизларнинг ичидан мен айнан Қумрини танладим. У билан нақ беш йил давомида севишдик. Иккамиз бирга ўқишига топширдик, мен кирдим, аммо Қумри киролмай қишлоққа қайтиб келди.

Қумри беш йил давомида уйига келган ҳамма совчилаарни рад этиб, фақат мени садоқат билан кутди. Биз менинг ўқиши йилларим давомида кўп кўришмас, лекин албатта бир-биримизга севги мактубларини ёзиб юборардик. Буларда ажойиб шеърлар, чиройли расмлар бўлар, гўёки бизнинг наздимизда шу хатлар орқали севги ришталаримиз мустаҳкам боғланмоқда эди. Йиллар шамоли тезкор, ана-мана дегунча мен ўқишини тугатдим. Қумриларнинг уйига онамни юбордим. Бизларнинг ҳаётимизда бу нуктада хеч қандай муаммо

ва каршиликлар бўлмади. Ота-оналаримиз келишиб, тўй кунимизни белгилашди. Тўйларимиз ҳам хамма ҳавас киладиган чиройли бўлиб ўтди. Иккаламиз ҳам хурсанд ва баҳтиёр эдик, аммо тақдир бизларга олдинда қандай синовлар тайёрлаб қўйганини билмасдик. Тўйдан икки-уч ой ўтиб, Қумрининг соғлиги ёмонлаша бошлади. Тез-тез ҳушидан кетиб, ҳеч нимани эслолмайдиган бўлиб қолганди. Баъзан газга чой қўйиб, уни олиш эсдан чиқар, бу ҳол бир неча бора уйда ёнгин чиқишига сабаб бўлганди. Бу ҳолатдан Қумри жудаям қийналарди, аммо буни ҳеч кимга сездирмасликка ҳаракат қиласарди. Мен кўпинча уни ортидан кузатиб юрадим, чунки унга зиён етиб қолишидан жудаям қўрқардим. Ота-онам баъзида менга ачинишар, аммо бизларнинг қалбимиздаги соф туйғуларни ҳурмат қиласар, айниқса, кекса бўлишига қарамай онажоним келинига қўлидан келганча ёрдам берарди. Қумрининг вужудини оғриқ дарди, касаллик заҳмати эмас, балки фарзанд кўролмаслик изтироблари чулғаб олганди. Шифокорларга бир неча бор учрашганда фарзанд кўриш унинг соғлигига тўғри келмаслигини, фарзанд кўрса унинг дарди янада авж олиб кетишини, ҳаттоти унинг вафотигача боришини такрор-такрор айтардилар. Оналик баҳти улуг баҳт, у ҳар қандай дардни, касалликни енгиб ўтишда инсонга куч бағишлайди. Қумри ҳам қалбидаги шу буюк жасорат билан оналик баҳти унга қимматга тушишини билса ҳам уйидагиларнинг қаршилигига қарамай фарзандини дунёга келтирмоқчи бўлди. Табиийки, бу вазиятда мен тугилажак фарзанддан кўра неча йиллик муҳаббатимнинг ёнида бўлишни афзал кўрардим. Қумри эса севгимизнинг меваси бўлган фарзандимизни жонидан кечиб бўлса ҳам дунёга келтиришни истарди. Боламизнинг ilk бор юрак уришини эшитган Қумрининг қувончи ичига сиғмасди. Вужудида ўсаётган бу фариштани соғ-саломат дунёга келтирай деб Яратганга тинмай нола қиласарди. Менга боламизнинг келажакда қандай фарзанд бўлиши хақида тинмай гапиравди.

– Биласизми, менинг ўғлим худди сизга ўхшаган келишган йигит бўлади. Уни шифокор қилинг, хўп, халқقا хизмат қилиб, унинг дуосини олса, дейман, – дерди.

Кунларнинг бирида Қумри менга мунгли оҳангда: – Агар мен фарзандимни кўролмасам, унга исм қўёлмасам, илтимос уни Бахтиёр деб қўйинг, у онасиз вояга етса ҳам баҳтли бўлишини, хеч қачон дўстларидан кам бўлмай улғайишни хоҳламайман, – деб васият қилди. Табиийки бу сўзлардан мен эсанкираб қолгандим, аммо нима учундир ҳис қиласадимки, аёлим вужудида икки нарса билан жанг қилмоқда эди, буларнинг бири борган сари кучайиб бораётган дард оғриги бўлса, иккинчи томондан вақтдан ютиши керак эди. У тинмасдан Яратганга пола қилиб, боламиз учун узоқ умр тиларди, чин муҳаббати бўлган ёлғиз севгиси бўлмиш менга оталик баҳтини ҳадя қилиб, мени баҳтли қилишни жуда-жуда хоҳларди. Мен эса Яратгандан эрта-ю кеч Қумрининг жонини сақлаб колишини тинмай ўтинардим. Ахир у менинг ягона муҳаббатим эди. Яратганинг карами кенг, у ҳар бир нажот кўзи ила боқсан фарзандини беътибор колдирмайди. Қумрининг нолалари ҳам Оллоҳга етиб борди. У улкан баҳтни қўлига киритибоқ, бир бора «Бахтиёр» дея бу дунёни тарқ этди. Орзиқиб кутилган Баҳтиёр илк бор кўзини онаси бағрида эмас бегона бир аёлнинг қўлида очди, гўёки митти гўдак у аёлнинг онаси ёмаслигини билгандай унинг бағрида типирчилаб йиғларди. Бу аҳволни кўрган шифокорлар, ҳамширалар «ё қудратингдан, онасини танийдиган болани энди кўряпмиз» деб бир-бирига хайрон боқишиди. Кейин чақалокни гулдай сўлиб қолган юзи, ҳали совимаган юзидаги қизиллик кетмаган Қумрининг олдига олиб киришди. Яратганинг мўжизасини қарангки, онаси ётган хонага кириши билан дунёни чинкириғи билан ларзага солаётган бола жим бўлиб қолди. Онасига узоқ тикилиб, кейин ухлаб қолди. Бу орада мен аросатда қолган одамдай хурсанд бўлишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмасдан бошим гаранг

эди. Бир томонда севгим, ҳаётимнинг мазмуни сўнган бўлса, иккинчи томонда эса аёлимнинг жони эвазига дунёга келган фарзанд. Ўзимга-ўзим гапириб: бу бола баҳтсизлигимизга сабаб бўлди, гулдай очилиб юрган онасини хазон қилди, бунга Баҳтиёр деб исм қўйиш ҳам тўғри бўлармикан, деб турли хил ўйларни бошимдан ўтказмоқда эдим. Кунлар ўтди. Қумрининг маракаларини ўтказдик. Орадан шунча вакт ўса ҳам мен чақалоқни бирон марта қўлимга олмадим, унга фақат менинг ота-онам ва баъзи-баъзида Қумрининг уйидагилари келиб қарашарди. Бир куни мен туш кўрдим, тушимда Қумри йиғляяпти. Ҳа, Қумри, нима бўлди, нимага йиғляяпсан, десам, сиз нимага мени қўришга келмаяпсиз, дейди. Ахир мен ҳар куни мозорингга боряпманку, десам, мен уйингиздаман, нимага тушунмайсиз, боламиз билан бирга яшаяпман, биз сизни кутяпмиз, сиз бўлсангиз биздан юз ўтиредингиз, дейди.

Эртаси куни Абдусамад aka онасини қидириб уларнинг уйига кирди, онасини кўп бора чакирди, онаси чиқавермагач орқасига қайтаётса, қулоғига чақалоқнинг йиғиси эшитилди. Онам қўшниникига чиқкан бўлса керак, деб йиғига парво қилмай кетаётганда, худдики боланинг йиғисида аёлининг овози қўшилиб, унинг кулгусини ҳам эшигандай бўлди. Бир зум жойида тош қотди. Кейин югуриб бориб эшикни очиб қараса, уй бурчагида ўзи болалигига ётган бешиги, фақат устидаги мато ўзгарган, Қумри ўз қоллари билан тиккан кашта тўшалганди. У бешикнинг олдига борди, аммо очишига журъати етмай бир неча сония турди, йиғи кучаявергач оталик меҳри вужудидаги нафрат ва қўркувни енгиб, бешикни очса Яратганинг синоатини қарангки, худди Қумри опанинг ўзи – ўша кўзлар, ўша кулгичлар... Ё қудратингдан тангрим! Ахир бу фарзанд менга қайтариб берилган Қумрим-ку, дея Абдусамад aka болани маҳкам кучганча юм-юм йиғларди. Бу ҳолатни кўрган Хадича хола қувончи ичига сифмай секингина хонани тарк этди. Абдусамат аканинг болага меҳри кундан-кунга

ошиб, бор бўш вақтини унга сарфларди. Онасидан боланинг янги-янги одатлари хақида тинмай сўрарди. У миттигина гўдагида борган сари Кумрини «кашф этарди» ва бу мунгли кўзларга меҳрибон она зарурлигини ич-ичидан хис қиласди. Боласини ўгай она қўлида қолдиргиси ҳам келмасди. Бир куни Хадича хола ўғлини олдига чақириб, болага она зарурлигини, ўзи ҳам уй ишлари билан қийналаётганини тушунтиради, аммо кайсар Абдусамад aka жаҳл қилиб, «менга ўғлим Бахтиёrim бўлса бўлди, оиламизга бегона одамнинг келишини хоҳламайман», деди. Баъзан меҳрга муҳтож гўдагига боққанда унга она меҳри етишмаётганини хис қиласди. У энди бу болага унинг бахтсизлигига сабаб бўлган инсон эмас, балки бахтиёри кунларининг сабабчиси деб қаради. Дам олиш кунларининг бирида Хадича хола болани ўғлига ташлаб, кизиникига, кўпни қишлоққа кетди. Ота қаттиқ йиғлаётган болани у ёқдан бу ёққа чопиб, овутолмай хуноб эди. Ниҳоят кеч тушиб, онаси қайтиб келгач болани онасига топширди-ю, ўзи ўрнига чиқарчиқмас ухлаб қолди. Тун ярмида уйғониб, кечаги кун ҳакида ўйлади. Онамга қойилман, улар жаннати аёллар. Бирон марта нолимайдилар, кекса бўлишига қарамай шу зумрашамнинг қилиқларига чидаяптилар. Бирон марта чарчадим, демабдилар. Аёлнинг жони темирдан деб шуни айтсалар керак-да. Илоҳим, онамдай жаннати аёлларимиз дунёда кўпайсин, деб кўнглимдан ўтказиб ётдим. Деворда осилган аёлининг суратига қараб: – Кумри, мени кечир. Бахтиёrimиз ва онам учун бошқа аёлга уйланишга мажбурман, лекин ваъда бераманки, у аёл ҳеч қачон ўғлимизга ўгайлигини қилмайди, – дея аёлидан розилик олиби.

Эрта сахар Хадича хола кўзлари қизарган ҳолда ошхонада нонушта тайёрлаш билан банд эди. Дастурхон атрофида ўтирганда онасининг кўзлари қизарганини кўрган ўғил онасидан сўради:

– Ойи, тинчликми, кўзларингиз қизарган? Нима бўлди? – Шунда отаси жаҳли чиқиб:

– Сен қайсарлигинг билан онангнинг ярим умрини тугатган бўлсанг, манави зумрашанг қолган ярмини тугатади. шу кечаси онанг бечора ухламасдан бола қараб чиқди. Абдусамат ака бироз ўйлаб турди-да: – Ойи, мен розиман, сизни ҳам қийнаб қўйдим, фақат у аёл Бахтиёrimни ўз боласидай севсин.

Хадича хола келин қидиришга тушиб кетди. Кўп сўраб-суриштирувлардан сўнг Бахтиёрга оналикка ягона номзод бу Кумри опанинг мактабдаги дугонаси Мехри опа бўлди. Бу аёл ёши 30 дан ошган, оппоқ юзли, кўзлари оҳуларникидай боққанда ҳар бир кишини ўйловга солувчи бу аёлнинг ёш боши нималарни кўрмади. Оилада тўртта қиздан кейин ўғил кутилаётган дақиқада туғилган Мехри опа деярли иккинчи онаси келгунча меҳрга ташна бўлиб яшади. Олти ёшга тўлганда бечора онаизори отасининг зулмларига чидолмай вафот этди. Бу пайтда оилада Мехри опа билан катта опаси қолганди. Бошқалар оға-иниларини онаси бир амаллаб узатганди. Бу орада золим ота яна бир марта уйланди. Ўгай она дегандা барчанинг кўз олдига қаҳри қаттиқ, доимо ёмонлик қилувчи ёвуз аёл келади. Аммо ҳар доим ҳам бунаقا бўлмайди. Ўгай она келишини эшитган қизлар ҳам дағ-дағ титраб, унинг келмаслигини худодан сўрашарди. Аммо билишмасдик, Маъсума опа уларнинг ҳаётига нажот фариштаси бўлиб мазмун олиб киришини. Бу аёл уйга кириши билан худди оналари қайтиб келгандай бўлди. Қизлар югуриб бориб унинг бағрига ўтилмоқчи бўлди, аммо нимадир уларни бу йўлдан қайтарди, шу тарика кундан-кунга Маъсума опа ўзидаги самимият, софкўнгиллилик билан қизларнинг кўнглидан жой ола борди. Турмуш ўртоғининг инжоқлигига қарамай у қизлар учун барча ишни қиласарди. Маъсума опа борган сари қизларнинг тарбияси билан банд бўлиб, уларнинг келажагини ўйларди, уларни турмушга узатиш, сарпо-суруқ дегандай ҳаммасини ўз зиммасига олганди. Бунинг учун бир неча бор хўжайинидан калтак еган: онаси менга нима каромат

күрсатдикі, булар жонимга оро кирса деб, Маъсума опани уларга яқынлаштиrmасди. Бу жонкуяр, меҳрибон аёлни күрган қўшнилар баъзан ҳайратланиб сўрашарди: «Ей, Маъсума, сени нимангга зарил шуларнинг сарпосини ўйлаб, хўжайинингдан кунда калтак ейсан» дейишса, Маъсума опа уларга ўйчан боқиб: эх, сизлар билмайсиз-да, фарзандга зор бўлиб юрган пайтларим кўчадаги кўринган болани бағримга босиб, Оллоҳдан менга ҳам фарзанд беришини сўрадим, кўча-куйда аёллар болаларимнинг ташвишидан қачон кутулар эканман, деб нолиса, менинг уларга ҳавасим келарди. Ана, орзуларим ижобат бўлиб, Оллоҳ менга ҳам иккита қиз берди. Она бўлиб мен ҳам бу ширин ташвишларимни ҳис қилмоқчиман, деб йиғларди. Бу ҳолатни қузатиб турган Мехри опа ҳам келажакда албатта шу аёлдай қалби меҳрга лиммо-лим аёл бўлишни орзу қиласди. У ўз онасидан кўролмаган меҳрни Маъсума опадан топди. Шу тариқа ҳозиргача уни ҳамма Маъсуманинг кенжаси деб чакиради. Аммо онаси каби Мехри опанинг ҳам хаётда бахти кулмаган эди. Турмуш ўртоғи билан 10 йил яшади. Уларнинг бахтига, севгисига ҳамма ҳавас қиласди. Аммо фарзанд аталувчи оила кўприги йўқлиги сабаб оиласи барбод бўлди. Шундан бўён ота уйидаги жонажон касби билан шуғулланиб, анча овуниб қолган Мехри опа қишлоқда врачлик пунктида ҳамшира бўлиб ишларди.

Хадича хола ўғли ва Мехри опани Бахтиёрни эмлашга олиб бориши баҳонасида учраштиrmоқчи бўлади. Бахтиёр ҳам дадасининг қўлида худди янги ойисини кўришга бораётгандай хурсанд, шод эди. Улар хонага кирганда Мехри опа бемор билан суҳбатлашиб турганди. Дугонасидан қолган ёдгорни кўрган Мехри опа худди эски қадрдонини кўргандай хурсанд бўлиб, югуриб ўрнидан турди. Болани ўз боласидай маҳкам қучиб, уни ўйната кетди, паҳлавон-паҳлавон... бу катта бўлиб ойисининг орзуларини амалга оширади, деб Хадича холага айтди. Бундаги меҳрни, болаларча қувноқликни кўриб

Абдусамад ака ҳам онасининг танлови тўғрилигини англади. Биринчи учрашувдан кейин Мехри опа ҳам бу беозор чақалокка меҳри тушиб қолди. Бир неча марта уни кўриш учун уйларига борди. Шу вакт давомида Хадича хола шароитни ётиги билан тушунтирди. Абдусамад аканинг қалбида ҳам унга нисбатан беғубор туйғулар уйғонди. Айниқса унинг бошига тушган қийинчиликлар ҳақида ўйлаганда икки дили кемтик бир-биримизга малҳам бўламиз, деган қарорга келди. Унинг ҳам барча сингари баҳтли бўлишга ҳаққи бор-ку ахир, деб ўйлади. Аммо Мехри опа буни рад этди. Энди ҳаётини янгитдан бошлишга кўрқишини, шу йўсинда ҳаётини давом эттиришини айтди. Тақдирнинг синоатини қарангки шундай ҳодиса рўй бердики, Мехри опа шу оила унинг келажак ҳаёти эканлигини тушуниб етди, яъни бир куни қаттиқ касал бўлиб қолиб, ҳеч қандай дори-дармон унга ёрдам бера олмади. Шифокорлар ҳам тўсатдан пайдо бўлган бу касаллик нималигини билишмасди, шунда касалхона деразасидан атрофга маъюс бокаркан, наҳотки уни йўқлаб келадиган ҳеч ким йўқ, деб ўйларди ичида. Ёнидаги хонадошларининг болалари хўжайини ҳар куни 2 – 3 марта келарди, аммо Мехри опани унинг онасидан бошқа ҳеч ким кўргани келмасди. У бу ҳолатдан жудаям эзиларди. Кунларнинг бирида Абдусамад ака ва Баҳтиёр уни кўришга келди. Уларни кўриб Мехри опа шу қадар хурсанд бўлдики, севинчи ичига сиғмай, болам-болажоним, деб йиғлаб юборди. Шу тариқа Мехри опа касалхонадан тўғри ўз уйига олиб келинди. Оила бирдамлигини ва оналик баҳтини туйган аёл барча касалликлари, кўрган кулфатларини унутиб, қайта дунёга келгандай бўлди.

Баҳтиёр улғайган сари Мехри опа унга барча билганларини ўргатди. Баҳтиёр шу сабабли синфдаги энг аълочи ўқувчига айланди. Бир неча марта макрабдан мақтов ёрлиғи билан тақдирланди. Буларнинг барчасини олиб Мехри опа қабристонга боради. Қумри, сенга катта раҳмат, менга улкан

бахтни ҳадя қилдинг. Мана қара, бизнинг Бахтиёrimiz бугун улкан натижаларга эришмоқда. У келажакда буюк шифокор бўлади. Сенга ваъда бераман, дугонажон, барча орзуларингни рўёбга чиқараман, деб йиглайди. Шу йўсинда йиллар чархпалаги тинмасдан айланиб боради. Бахтиёр ҳам 10 ёшга киради. Аммо шу вақт давомида онасининг ўгай эканлигини билмайди. Буни бирор унга айтмаса, сезиш ҳам қийин эдида. Бир куни Бахтиёр дўстлари билан кўчада ўйнаётганда бир бола билан уришиб қолади. Бу жанжалга унинг онаси келиб кўшилади. Ҳой, сен тарбия кўрмаган етимча, ўз онангни-ку бошини единг, энди навбат менинг боламгами, деб бақириб кетади. Бу гаплардан ҳайратда қолган Бахтиёр йиғлаб, уйидан қочиб кетади. Мана, бир неча ҳафтадан буён ундан дарак йўқ. Абдусамад аканинг ҳам, Мехри опанинг ҳам қидирган жоий қолмади. Фақат 2–3 кун олдин катта бозорда бир бола томонидан ўғрилик содир бўлгани, бу боланинг эса Бахтиёр эканлиги ота-онанинг бошини эгади. Ҳовлининг ўртасида ўтирган Абдусамад аканинг хаёлини яна ўша баланд мунгли йиги ўзига келтиради. Бу овоз ўша илк марта Абдусамад аканинг калбида оталик туйгусини уйғотган, худди аёлинникига ўхшаш ёқимли овоз ўгли Бахтиёрники эди. Буни эшитиб ота бор овози билан «Бахтиёрим» деб бақиради. Пана-панада йиғлаб юрган Мехри опа ҳам ҳовлига югуриб чиқиб, «Қаердасан, ўғлим, жавоб бер», деб нола қиласди. Шу пайт Бахтиёр:

– Ойи, сиз мени ёмон кўрасизми? – дейди. Бу саволдан Мехри опа ҳайратланади, кўзига ёш қуилиб, ўзини йигидан тўхтатолмайди, аммо гапини бир амаллаб айтади:

– Тентаккинна болам-а, қайси она ўз боласини ёмон кўради, сен менинг вужудимнинг бир парчасисан, болажоним! Кел, бу ёққа, – дейди. Бахтиёр эса йиглаб:

– Сиз менинг ўзимнинг онам эмас экансиз-ку?

– Вой, тентаккина болам-а, ким айтди буни сенга?

– Ана, ўртоғимнинг онаси шунаقا деди. Мен сизни ҳам ўлиб қолишингиздан кўрқдим, шунинг учун қочиб кетдим. Ёлғондан

ўғрилик қилгандек бўлдим, аслида ҳеч нимани олмадим. Агар мени қамокқа олиб кетишиша, ҳеч кимга озор бермасдим, сиз ҳам кетиб қолмасдингиз, – деб ёш гўдак йиғлаб юборади. Абдусамад ака ҳаммасини тушунтириш учун оғиз жуфтласа, Мехри опа мен ўзим дейди. Аста Бахтиёрнинг олдига келиб:

– Биласанми сен кимсан? Сен фариштасан. Қанчадан-канча умидсиз ҳаётдан маъно тополмаётган мажруҳ дилларни ҳаётга қайтарган умид фариштасисан. Сенинг онажонинг хозир жаннатларда бизга ҳув осмондан бокиб турибди. У кетишидан олдин мени чақириб: «Бахтиёrimни асра, у полвон бола бўлиб улгайсин, қулоқсизликлар қилмасин» деб менга шу вазифани топширди. Мен бу вазифани охиригача бажармоғим лозим, тушундингми ўғлим? – деди.

Шунда Бахтиёр:

– Ойим ростдан ҳам осмонлардан қарайптими? – деса, – Ҳа-ҳа ўғлим, у бизни кўряпти, дебди Мехри опа.

Бахтиёр бор овози билан:

– Сизга катта раҳмат раҳмат, – дея қўлини самога узатибди. Абдусамад ака «нимага раҳмат деяпсан, болам, деса, шундай меҳрибон онани менга ташлаб кетгандарни учун «онажон, сизни ҳаммадан яхши кўраман, фақат мени ташлаб кетманг, деб Мехри опанинг бағрига отилди. Шунда бу ҳолни кузатиб турган Хадича хола «қизим, сенга тарбия берган онангта раҳмат, бу ҳаммаси сенинг сабр-тоқатинг учун Оллоҳ томонидан юборилган совға. Сен бунга лойиксан болам, дея келинини ва набирасини бағрига босди.

Мехри хола тимсолида биз бу ерда сабрли, қаноатли ўзбек онаси тимсолини кўрамиз. Биз инсонлар доимо Оллоҳ томонидан бизга юборилган ҳар бир ишга масулият билан қараб, инсон деган номга лойик бўлиб яшайлик. Зоро инсон Яратганинг буюк мўжизасидир. Оллоҳ сабр килиб кутган ҳар бир бандасига, албатта, ўзининг мўжизасини тақдим этади!



Ұмид  
Абдурахимов



1995 йил, 29 июнда Самарқанд вилояти, Паяриқ тумани, Жиянбек қишлоғида санъаткорлар оиласыда таваллуд топган. 2011 йил Паяриқ туманидаги 71-умумий ўрта таълим мактабини тамомлаб, ўша йили Самарқанд шаҳридаги Ахборот технологиялари коллежига ўқишига кирган. Ҳозирда тадбиркорлик билан шуғулланмоқда.

### КУТИЛГАН БАХТ

Дунёда ҳеч ким ва ҳеч нарса баҳор келишини унчалик кутмаса керак. «Насиб бўлса баҳорда кўришамиз». Кузда айтилган шу сўздан буён у баҳорга интизор. «Баҳор келса келади...» шивирлайди ёлғиз қолганда ўзига-ўзи. Уни учратгач, хаётида катта ўзгаришлар содир бўлди. Маносиз хаётинг маъносини у деб билди. Уни қачон учратганди? Қандай учратганди? Ҳеч қачон унутмайди ўша кунни. Ўша кун бор ҳодиса-тафсилотлари билан унинг хаёлида ҳар куни, ҳар дамда жонланади...

Ўшанда... Осмон булатли, ер куз ёмгиридан ювинган, нурсиз эди. Ҳуснигул ўша кунда нима сабабдан кўчага чикқанини

билмасди, кейин билди. Уни топиш учун, уни учратмоқ, уни севмок учун экан бары... Куз келиб, анчадан бүён оғриб юрган бели қаттиқ үғриб ётиб қолди. Уни шаҳар шифохонасига олиб бориши. Оғриган бели эмас, буйраклари экан. Докторлар шамоллаши бор, даволаниши керак дея, шифохонада олиб қолиши. Хуснигул ўша кунларни ҳам баҳт, қувонч билан хотирлайди. Агар буйраклари огримаганда балки ҳеч қачон кўрмас эди уни...

Бир ҳафта даволангач, анча ўзига келди. Ўрнидан туриб шифохонанинг у ёқ-бу ёғига бориб ҳам келадиган бўлди. Факат бир нарсани аниқ эслайди, уни учратмасидан бир кун олдин ёмғир ёғган эди. Худди кечагидек ёдиди бары. Унинг жойи шифохонанинг иккинчи қаватида бўлиб, шундок деразанин ёнида эди. Хонадошлари қайсиdir сериални кўриш учун шифохонанинг кенг залига жойлаштирилган телевизор ёнига кетиши. Хуснигул хонада ёлгиз қолиб, кечагина хонадоши қаердандир олиб келган газетани варақлаб ўтирди. Бу иш ҳам унинг учун зерикарли бўлди. Ўрнидан туриб дераза ёнига келди. Ташқарида ёмғир майдалаб ёғар, кўчалар, томлар, дараҳтлар – ҳамма-ҳаммаси тўқ рангга бурканиб, чиройли бўлиб кетганди. У дераза ойналарига урилаётган томчиларни томоша қилиб завқланди. Сўнгра кўрсаткич бармоғи билан хона ҳароратидан буғланган ойнага «У келади» деб ёзди, кейин эса ёзганини кимдир кўриб қолишидан чўчиб тезда кафти билан ойнани артиб ташлади. «У келади» пиҷирлади хаёлчан ўзига ўзи. Кейин икки кўли билан юзини тўғсанча кулиб юборди. Бу кулгу қувончдан эмас, аламдан чиқди. Чунки у хаётда ҳамма нарса одатий, режадагидек бўлишини сезар эди. У кутган номаълум инсон ҳеч қачон келмайди. Ҳаммаси одатдагидек, режадагидек кечади. У билади, ҳаммасини шундай тассавур қиласди. Тузалади, қишлоқقا кетади, яқинлари уни бирор авайлаган бўлишади, аммо вақт ўтгач ҳаммаси одатдагидек қишок турмиш тарзига мос равишда кун кечираверишади. Уни

сўраб совчилар келади. Ота-онаси яхши одамлар, дея турмушга беради. У худди шундай умр кечиришни бошқа уйда, бироз бошқача шаклда давом эттиради холос, ҳеч нарса ўзгармайди. Ҳаммаси одатдагидек давом этаверади...

Хуснигул дераза ойналарини стол устида турган рўмолча билан яхшилаб артди. Энди ойна ортидаги хаёт унга яхшиrok, янада тиникроқ кўрина бошлади. Узок-узоқларда машиналар тинимсиз ўтиб қайтиб турибди. Йўлнинг бир четидаги йўлакчада эса одамлар карвони, турли рангдаги соёбонларни тутганча ўз мақсадлари томон ҳаракатланишмоқда. «Қандай бахтли одамлар» хаёлидан ўказди у. Қани энди у ҳам худди шу одамлар сингари кўчаларни кезса, ёмғирда одамлар гавжумига шўнғиб, бу оламдан бутунлай ғойиб бўлса... Айни дамда ич-ичидан нимадир тошиб келиб, томоғига тикилди, оҳиста кўзларини юмди, кўзларидан икки томчи ёш оқиб келиб, янокларига қўйилди. Бир пайт хона эшиги ғичирлаб очилиб, хонадошлари кириб кела бошлади. Хуснигул юзини қўллари билан артиб, жилмайганча улар томон юрди.

– Ҳа, Хуснигул, ўтирибсизми? – гап бошлади улардан бири. Хуснигул унга жавобан жилмайганча бошини қимиirlатди.

– Чиқсангиз бўларкан, Хусни, тилевизорда зўр кино бўлдида, – дея гапга тушди иккинчи хонадоши ҳам.

Улар тезда ўз жойларига ётишди... Эртаси кун Хуснигул тонгги уколларини олиб бўлгач, шифохона атрофидаги хиёбонда бироз айланиб келиш ниятида кийимларини кийиб настга тушди. Ташқарида ҳаво бироз совуқ, ҳамма жой заҳоди. Йўлакда усти хазонлар билан қопланган ҳалқоб-ҳалқоб кўлмакчалар пайдо бўлганди. Хуснигул атрофни кузатганча юриб кетар экан, кечаги ҳолат ёдига тушди. «Қизик, балки ҳозир кимдир мени баҳтлилар қаторига қўшиб, худди мендек, юқоридан менга ҳавас билан тикилаётгандир, ўйлади у. Сўнгра бошини кўтариб, йўлнинг четидаги баланд кўп қаватли биноларга қаради. Йўқ, деразалар ёнида ҳеч ким йўқ. У бироз

айлангач ортга кайтди, муздек ҳаводан юзлари қизариб, кайфияти кўтарилди. Яхши ўйлар билан шифохона дарвозаси ёнига келди. Шу пайт осмондан булатлар кетиб, куёш чарақлай бошлади. Ҳуснигулнинг юзларига илиқлик урилди. У хонасига киришни истамай, қуёшнинг нури тушиб турган ўриндиклар ёнига бориб, уларнинг бирига ўтирди. Кўзларини юмганча юзини қуёшга тутди. Қуёшнинг илиқ нури унинг юзини силаётгандек бўлди. Ҳуснигулнинг ороми узокка чўзилмади. Шу пайт ёнида нимадир тақиллаб кетди. Ҳуснигул кўзларини очиб овоз келган томонга қаради. Сал нарироқда бир оёғи узун қилиб гипсланган йигит ерда ётарди. Йигит ўрнидан туришга харчанд уринмасин букилмайдиган қилиб гипсланган оёғида буни эплай олмасди. Ҳуснигул шошиб унинг ёнига борди. Йигитни кўлидан тутиб, уни турғазиб кўйди. Йигит қизарганча миннатдорчлик билдириди.

– Оввора қилдим, узр, – деди у бир қўли билан кийимини силаганча. Шунда Ҳуснигул унинг бир қўли ҳам гипс эканлигини билди.

– Ҳеч қаерингиз оғримаяптими? – сўради хавотир аралаш Ҳуснигул.

– Оғрияпти, – деди йигит жилмайганча. – Аммо ҳаммаси ортда қолди. Кечаси билан ухлай олмадим, сизга айтсам.

– Нима бўлди? – дея жилмайди беихтиёр Ҳуснигул ҳам. Йигит яна жилмайганча сухбатни давом эттирди.

– Кеча денг, бир қари қўшнимиз ёнғокимни кокиб бер, айланай, – дея уйга келиб қолди. Вақтим бор эди. Шу ёнғонини қоқсан қоқиб берай, деб бордим. Бошида яхшигина эди. Фақат шу тепада озгина қолиб кетди-да. Кампир бўлди, қолгани колсин, деганига ҳам қарамай янайм тепага чиққанимни биламан... – Йигит кулиб юборди.

– Шу, мана кейин нима бўлганини кўриб турибсиз...

– Эҳтиёт бўлишингиз керак эди. Аммо тақдирда бори, шундай бўлиши керак бўлган-да...

Улар анча вакт сұхбат куришди. Ҳуснигул укол оладиган пайти келганини айтиб, энди кетмоқчи эди. Йигит яна гап бошлади.

– Шунча вакт гаплашиб танишмабмиз. Исмим Жамол, – деди йигит жилмайиб.

– Ҳуснигул, – деди у ҳам жилмайғанча. Сүнгра хайирлашиб хонасига чиқиб кетди. Жамол унинг ортидан қараб қолди. Кеч түшгач, Ҳуснигулларнинг хонасига ҳамшира кириб келди. Ташқарыда бир йигит сизни чақириб беришимни илтимос килди, деб айёrona қошларини ўйнатиб олди ҳамшира аёл. Ҳуснигул гуноҳкор одамдек бошини эгди. Кейин қандайдир хохиш билан әгнига қалин женферни кийиб, ташқарига чиқди. Қундизги сұхбатлашган жойдаги скамейкада Жамол ўтиради. Ёнида қўлтиқтаёклари ўриндиққа суяб қўйилганди. Ҳуснигул шошилмасдан унинг ёнига келиб ўтириди.

– Кечрасиз, сизни яна безовта қилдим. Бугун мени кўргани ўша қўшнимиз келибди. Биласизми у киши ёнғокни кестириб ташлабди. Жамол болаларча кулиб юборди. Сүнгра чўнтағидан бир дона катта мандаринни олиб, Ҳуснигулга узатди. Ҳуснигул иккиланиб, унинг қўлидан мандаринни олиб ерга қаради.

– Биласизми, Ҳуснигул, – жиддий хотиржам овозда гап бошлади Жамол. Ҳеч нарса шунчаки содир бўлмайди. Ҳар қандай ёмонликка ҳам, яхшиликка ҳам нимадир сабабчи бўлади. Бизни бу касалхонага келишимизнинг ҳам яхши томонлари бордек. Акс ҳолда учрашмаган бўлардик. У сўзидан тўхтаб, Ҳуснигулга қаради. Ҳуснигул нимадир дейишига кийналиб, қўлидаги мандаринга тикилиб ўтираверди. Жамол шошилмасдан сўзида давом этди.

– Базан кўнгилсизликлар ҳам баҳт келтиради, бунга тарихда жуда кўп мисоллар бор: «Бир балиқчи қайифида денгизга тушади. Кетар чоғи хотинига эҳтиёт бўлиши кераклигини, ўзини, уюни асрарини айтиб қолади. Хотини «хоп» дея уну кузатиб қолади. Орадан уч кун ўтса ҳамки балиқчидан хабар бўлмайди. Аёл уни ўйлаб қаттиқ истироб чекади. Эридан

хавотирда бўлган паришон аёл бир куни ўчоқда чой қайнатиш баробарида уйини ҳам ёкиб юборади. Йифлайди, ўжинади, азоб чекади. Эрининг олдида гуноҳкор бўлиб қолганлигидан эзилади. Шу кеч қайиқда балиқчи уйига қайтади. Аёл эрини кўриб, ўзини унинг оёклари остига ташлайди, қаттиқ йифлайди, кечиришини ёлвориб сўрайди. Балиқчи бўлса жилмайганча аёлини елкасидан тутуб турғазади. Сўнгра «Ўзингни айблама, агар сен бўлмаганингда, мен тирик бўлмас эдим. Денгизда қаттиқ тўфон турди. Мен йўлимдан адашиб қолдим. Уч кун дуч келган томонга суздим. Очлик, сувсизлик қийнай бошлагандা шу томонда катта тутун кўринди. Ва мен шу тутун сабаб тирик қолдим. Уйни яна қайта қуришга имконимиз бор. Тириклигим учун эса сенга раҳмат» дея аёлини бағрига босади. Жамол сўзсиз қолиб Ҳуснигулга қаради. Ҳуснигул унинг қарашидан хижолат бўлди. Аммо бунда ҳеч қандай бир ёмонликни сезмагач, ҳам гап бошлиди.

— Ҳа, тўғри айтасиз. Вақти келиб бу кунлар ҳам яхши хотираларга айланади. Тез кунда согайиб, сиз ўз уйингизга, мен ўз уйимга кетаман. Ҳаммаси яна тўхтаган жойидан давом этади. Ҳаммаси аввалгидек...

— Фикрингизга қисман қўшилмайман. Ахир ҳаммаси бошқача бўлиши ҳам мумкин-ку...

Улар анчагача сухбат қуришди.

Ҳуснигул сухбат баҳона Жамолни билдирамасдан кузатди. Жамол келишган йигит экан. Кора кошлари, ўйчан кўзлари кимгадир ўхшарди. Балки «унга» ўхшар? Ҳуснигул хаёлидаги инсонни Жамол қиёфасида жонлантирди. Балки ростдан ҳам «у» ўшадир?

Ҳуснигул кетишим керак, дея ўрнидан турди.

Жамол унга эртага ҳам учрашишни таклиф қилди. Ҳуснигил жилмайганча ундан узоқлашди. Хонасига келса, хонаси бўш экан. Икки хонадоши сериал кўргани кетишганини англади. У қўлидаги мандаринни олиб узоқ ҳидлади, ундан ажойиб ҳид келар. Ҳуснигул бундан завқланди. У мандаринни

дераза токчасига қўйиб, ўзи узун хаёлларга берилиди. Кўз олдида жилмайганча Жамол гавдаланди. У эртанги куннинг келишини интизорлик билан кута бошлади. Тунни тезроқ ўtkазиш мақсадида зўр бериб ухлашга ҳаракат қилди. Аммо кўзи юмилгунча кўз ўнгидага Жамол пайдо бўлаверади. Бир пайт икки хонадоши қах-қах кулганча хонага кириб келишди. Ҳуснигул улар билан анча вақтгача хуш кайфиятда гаплашиб ўтириди. Улар бирин-кетин уйқуга кетишлиди. Аммо Ҳуснигул алламаҳалгача ухлолмади...

Эртаси куни улар кундузи кўришишиди.

– Бугун кечга менга жавоб беришаркан, – деди Жамол бир пайт. Ҳуснигул мен хаётда худди сиздек инсонни учратишини орзу қиласардим. Ўйлайманки, орзуйимга етишдим. Мен анча вақтгача бу шаҳарда бўлмайман. Менимча баҳорда келсам керак энди. Агар рози бўлсангиз, кейинги учрашувимиз баҳорда бўлса...

Ҳуснигул унга уй манзили, телефон рақамларини берди. Улар шу куни хайрлашишиди. Жамол уйига кетди. Орадан икки кун ўтгач, Ҳуснигулига ҳам жавоб беришиди...

Қорли, кировли кунлар якунига етди. Атроф яшил тусга кирди. Дараҳтлар гуллади. Баҳор элчилари бўлган қалдиргочлар қадрдан эски инларига қайтиб келишиди. Ҳуснигул ҳамон уни кутар эди. Мана орадан шунча вақт ўтдики, ундан ҳеч қандай хабар бўлмади. Ҳатто телефон ҳам қилмади. Ҳуснигулнинг У ҳақидаги ишончи тобора йўқолиб борар эди. Апрел келгач, унинг телефонига қандайдир нотаниш рақамдан телефон бўлди. Ҳуснигул эътиборсизгина телефонни қулоғига тутди.

- Эшитаман...
- Ҳуснигул, сизмисиз?
- Ҳа, менман. Ким бу?
- Баҳорда учрашувингиз йўқмиди, мабодо?
- Учрашув?.. Жамол?..

Телефоннинг нариги томонидан унинг самимий қадрдан кулгуси эшитилди.



Хумоюн  
Мирзаахмедов

1995 йил 28-иүлдө Фарғона вилояти, Бешариқ тумани, Шоберди қишлоғида таваллуд топған. 2002 йилдан 2009 йилгача Шоберди қишлоғидаги 4-умумий ўрта таълим мактабида, 2009–2011-йилларда Бешариқ шаҳридаги 1-ИДУМ да, 2011–2013-йилларда Бешариқ тиббиёт коллежида таҳсил олған. Ҳозирда Андижон давлат тиббиёт институтининг 5-босқич талабаси.

### ЧЕЧАГИГА СОДИҚ ҚОЯ

Атрофингизга бокинг. Олам кўзни қувнатувчи, сержило камалак рангларига бой. Ҳаётимизда учраган инсонлар ҳам шу рангларга қиёс. Мехрибон ва хушчақчақ инсонларни оч ва илиқ рангларга ўхшатаман. Бадфеълдек кўринса-да, асли маъсулиятдан юзига чукур нақшлар тортилган инсонларни эса жигарранг ёки кўк рангларга қиёс қиласман. Лекин лугатимизда қора ранг ҳам бор. Жамиятимизда ҳам нуқсондай, ҳуддики, бир доғдай инсонлар учраб туради. Асли қора ранг мавжуд эмас десам-чи? Инсонлар ҳам ёмон бўламан деб дунёга келишмайди. Жамиятимизга кераксиз тошдек туйилувчи, лекин асли меҳр

ва мурувват гултожи ҳисобланган инсонлар ҳам учраб туради. Қора ранг мавжуд эмас. Уни кора дегувчилар мавжуд!

У билан бир күчадан қарама-қарши ўтамиз. Телбанамо бир инсон. Кўплар унинг устидан кулиб ўтишади. Болачалар тепиб кочган, қизлар эса нарироқ юришни маъкул кўришарди. Лекин шу дамгача бировга зиёни тегмаган. Гоҳ у ёнига, гоҳ бу ёнига қараб илжайиб қўяди. Алланималар деб ғуддиллаб юради, холос. Ҳар куни шундай ўтади: ўша йўлак, ўша кийим, ўша ноқислик.

Талабаман. Институтга тезроқ етиб олиш учун айнан шу йўлакдан юраман. Унга такрор дуч келишга мажбурман. Кўркаман... Бир куни курсдошим: – Мен бехос кўркиб кетган кинофильмимни қайта-қайта кўраман ва қайси саҳнадан кейин қайси ҳолат юзага келишини ёд олиб, шу орқали қўркувимни енгаман. Бўлмаса «Кўркок» деган касал бўлиб, озиб кетиш ҳеч гап эмас, – деб қолди. Мен эса телбанамони обдан кузатишни ният қилиб қўйдим. Негадир уни кун ярмида топиб бўлмас эди. Фақатгина эрта тонгда – ҳамма ишига, дарсига шошиб йўл солган пайтда, у ҳам кўчага қора берарди. Демак, эртани кутишга мажбурман.

Эрталаб. Вактлироқ келган кўринаман, ҳали ундан дарак йўқ. Бир четдаги «скамейка» мени ўзига чорлайди. Янги бўлишига қарамай вужуди ёзувлар билан тўлган. Ўтираман. Ҳақ, ундан ҳар не сўзни топса бўлади: исмлар, расмлар, севги ишоралари, ҳаттоки, беҳаё сўзлар. Турфа инсонларни меҳмон қилган кўринади. Ҳаво бироз салқин ва нам. Машиналар шовкинига қасдлашгандек қушлар тинмай сайрайди. Мени эса тақдимотим ҳали чала эканлиги кўнглимни ғашлай бошлади. Бугун ўтиб беришим керак бўлган очиқ дарсим ҳақида ўйга толдим...

Болаларнинг қийқириқ шовқинидан ўзимга келдим. У аллақачон йўлакда кўринган. Бееътибор юриб келар. Безори болалар эса тепиб кочишиб, жаҳлини чиқаришга уринишарди.

Эскириб кетган курткасининг темир тугмасига четда ётган ифлос пакетларни илиб кўйишиб, масхаралаб роҳатланишар эди... Чўчиб кетдим. Яқинлашиб қолибди. Атиги беш метр. Нима қилдим... Йўлнинг нариги бетига ўтиб олай дедим-у, худди мени тутиб оладигандек қўрқинчли хаёл келди. Оёқларим чапга қоч дейди, лекин «скамейка»га тиралиб тўхтадим. Телба ҳам ўчакишгандек чап томондан йўл солганди. Тахтадек қотиб қолдим. Яқинимга келди. Дўнғиллаб ўтятти. Мен деярли нафас олмас эдим. Ололмасдим ҳам! Қаршимга келганда бир тўхтаб, «оббо, тўнка укам-эй», – деб дўнғиллаб қўйди. Накд юрагим чиқиб кетаёзди. Кўзларимни катта-катта очиб, узмай қараб турдим. Юрагим дупури машина шовкини-ю, қушларнинг сайрашини босиб кетгандек гўё. Гарчи у мени пайқамаган бўлса-да, мен қўрқдим. Агар бехос ташланиб қолса-чи? Бақир-чакир қилишга тайёрланаётган эдим. Лекин овоз чиқара оламанми? У ўтиб кетди. Қутилганимга шукур дейман-у, худди арвоҳдан қочгандек тез-тез юриб кетаман. Лекин унинг юзи қўз олдимдан кетмаяпти. Соч-соқоли ўсиб кетган, анчадан буён олинмагани сезиляпти. Пешонаси устига бир-неча тутам оқ тушган. Қошлари қора, қалин. Сертук бўлганлигигами соқоллари яноқларигача эгаллаган. Қўрқинчли ҳолатни олган эди. Лекин мен ўйлаганимдан навқирон экан. Шошилиб кетяпман-у, қайрилиб қарагим келди. Ортимдан келмаяптимикан? Йўқ ортда қолибди. Ие... Ёнида кимдур бор-а. Қарама-карши туришибди. Тўхтадим, ҳайрон бўлдим. Ҳалиги киши яхши кийиниб ўзига қараган, зиёлигина бир кўринишда. Уларни бироз кузатиб, кейин дарсга кетмоқчи бўлдим. Зиёли киши телбани кучоқлаб кўришгани мени лол қолдирди. Бу ким бўлди? Уни танийдими? Унда нима иши бор? Энди менга дарсни ҳам қизиғи қолмагандек. Бўлим мудирининг топшириқлари, очиқ дарс, тақдимот, ўқувчилар ҳаммаси қолиб кетди. Уларга яқинроқ боришни истадим. Ҳалиги киши телбага нималардир деяпди. Лекин у эшитяпти

деб ўйламайман. Дүнғиллаб гапирмаса-да, атрофга ахамиятсиз муносабатда. Худди кар ва гунгдек жим турибди. Бироз кутдим ажралишди. Яна ҳалиги киши қучоклаб хайрлашди. Телба эса йўқ. Таажжуб... Ҳалиги киши кўзимга иссиқ учради. Яқин келгач саволга тутдим.

– Салом, яхшимисиз? Телбани танийсизми? Унга нима дедингиз? Қучоқлаб кўришдингизми? (Шошқалоқлигим ва бироз тез табиатим боис жавобини кутмай савол ёғдиравердим. У бироз юзимга жим тикилиб турди ва индамай бурилиб кета бошлади. Жавобсиз қолганлигим боис тутоқиб кетдим).

– Ёрдам беролмасангиз, телбадан узоқ юринг (жахли чикди шекилли, билагимдан қаттиқ тутди. Муйилишдаги тамаддихонага судради).

– Унинг кимлигини, телба деяётганинг асли кимлигини биласанми?

– Йўқ.

– У менинг дўстим. Жуда ақлли инсон. Доимо ҳавас қилганман.

– Телбага-я?

– У телба эмас! (Бақириб берди ва жим қолди. Орага сукут чўқди...)

– У энг яқин дўстим. У билан курсдош бўлганмиз. Қувнок, кўнгли очиқ, меҳрибонгина истарали йигит эди. Аъло баҳога ўқир ва шу билан бирга кафедрада ҳам ишлар эди. Жамоат ишларида фаол. Ҳатто, бошқа худудларга вилоят вакили сифатида ҳам юбориб туришар эди. Ҳар нарсани эплаб кетаверадиган, жуда тиришқоқ йигит эди. Зимдан ўрнида бўлиб қолишни ҳавас қиласар эдим. Жарроҳлик мураккаблиги боис қаттиқ ўқиди. Ҳаттоки, икки ойлаб уйга бормаган пайтлари бўлган. Раёнидаги аҳоли шифокорлардан норозилиги сабаб, кучли мутахассис бўлиши керак эканлигини таъкидлар эди. У билан беш йил бирга квартирада турдик. Ўқишига кирибоқ иш излашга мажбур бўлган. Ота-онасидан эрта ажраган. Битта

укаси бор. У ҳам бўлса кишлоқда. Узокроқ қариндошиницида турарди. Укасини қаттиқ яхши кўрарди. Уйидан жуда хурсанд қайтар эди. Ҳа, Бахтиёр-а... Бир сафар менга:

– Укамдан ким бўласан, деб сўрасам, катта бўлсан, сизга ўхшашни хоҳлайман, дейди. Ҳар гал уйга борсам, причоскамни ўғирлаб олади. Бу сафар соchlарини орқага тараф олгандиров. Эски кийимларимни кийиб ўйнаркан. Мана Бахтиёр акангиз, деб энамни кулдирар экан. Шу укам мендан ўзиб кетадиёв. У билан фаҳрланаман, – деган эди.

Укаси билан телефонда гаплашганида жуда меҳрибон, таътилда уни шаҳарга олиб келишга вайда берарди. Богларга, паркларга олиб киришини кўп бор айтарди. Лекин ишлари кўплиги боис ҳеч амалга ошира олмас эди. Шу заил йиллар ўтиб кетди. Битирдик. Мен жонлантириш, у эса жарроҳлик соҳасида кетди. Бироз муддат шаҳарда ишлаб турадиган бўлди. Ҳаммаси жойида эди.

Бир кун менга қўнғироқ бўлди. Унга ёрдамим кераклигини айтишди. Етиб боргач, нима бўлганини билдим. Укаси автоҳалокатга учраган экан. Раёнда яхши мутахассислар йўқ. Йўлда кўп ушланиб қолган. Етказиб келишгунча кўп қон йўқотган. Ахволи оғир эди. Оператсияни ҳеч кимга ишонмади. Ўзи кирди. Лекин оператсия бошланмасдан тугади. Укаси жон берди, ўз қўлида жон берди. Акасини қўлидалигидан, шаҳарга келганлигидан мамнундек кулибгина жон берди. Бахтиёр бунга чидай олмади. Ўзини айблади ва шу аҳволга тушиб қолди. Бу ноҳақлик, у билан бундай бўлмаслиги керак эди. (Бирдан телбанинг менга қараб гапирган гапи ярқ этиб эсимга тушди).

– Шошманг, у менга қараб, «оббо, тўнка укам-эй» деди-я?

– Ҳа-а, йўқ, у укаси Мирзони шундай эркалар эди. Ажойиб одат. Баъзида ҳурмат қилиб укасини «акам» деб чақирар эди. Касаллиги сабабли укаси кўзига кўринади. (Бироз муддат жим қолди. Орага яна сукунат чўма бошлади... )

– У билан нега қизиқиб қолдинг?

- Ўзим, шунчаки.
- Ёрдам беролмасанг, телбадан узок юр! (Ўз гапимни ўзимга қўллаганигами, ёки ростдан ҳам ёрдам беролмаслигим учунми, бу сўз менга оғир ботди. У киши бошқа сўз айтмади. Хайрлашмай ҳам чиқиб кетди. Мен эса бир муддат тамаддихонада қолиб кетдим... Ўқишга ҳам бормадим. Уйга бир ахволда паришон қайтдим. Нима овқат еганим ҳам эсимда йўқ. Тонг отиши учунгина уйқуга кетдим).

Эрта тонг. У келгунча йўлакка бориб олмоқчи бўлдим. Лекин тенг келган кўринамиз. Йўл бошида келяпти. У ҳақида эшитгач, қўнглим юмшадими, негадур бугун у қўрқинчли эмасдек. Қайтанга очиқ чехрали кўрина бошлади. Бугун бошқача кийинган, соchlари ҳам бир томонда. Бармоқ юргазиб таралгани сезилипти. Унга гап бошлагим, ўзгаришларини, қувончининг сабабини билгим келди. Яқин кела бошлади. Худди уларни кутиб тургандек қаршиларига чиқдим. Бу сафар менда қўрқув йўқ. Бироз мулойимлик билан сўз бошладим:

– Ҳа, ака-укалар, йўл бўлсин, қаерга энди? Бахтиёр ака, Мирзони қаерга олиб кетяпсиз ? (Саволимдан ўзим ҳайрон қолдим. Танимаган одамимга шунча савол!)

– Акамними? Паркка олиб кетяпман. Бир маза қилайлик-а? Нима дейсан? Ҳа-а-а, албатта, унга ҳам чиқамиз, тўнка укам! (Кула туриб укасини эркалагандай, ўнг кўлини кенг ёзиб, кейин ўзига тортди. Зум ўтмай бирдан нигоҳи ўзгарди.)

– Сен укамни кўряпсанми?

– Ҳа (жавобим бироз ишончсизроқ чиқди).

– У қандай (жиддий оҳангда)?

– Сочлари тепага таралган. Модний. Сизга ўхшайди (кулиб кўйдим).

– Ҳа, бу менинг укам-да. Тўнка укам! (Кулиб қулочини баттар кисди).

– Йўлда машинага эҳтиёт бўлинглар-а? (Шу саволни бекор бердим. Кўзидағи ҳозиргина ёнган чўғ бир онда сўнди.

Юзидаги табассумидан асар ҳам қолмади. Ярасини тирнадим! Алланималар эсига түшди чоғи. Оёқлари дармонсизланди. «Скамейка» қидириб чўқди. Фақат бир сўзни кайтарарди:

— Укам-а, тўнка укам...

Анча пайт шу ҳолатда ўтирди. Савол беришга чўчиб қолдим. Лекин бироздан сўнг, менга мамнун қараб:

— Сен укамни кўра олдинг. Кўра олдинг ёки кўришни истадинг! Ўзгалар кўришмайди. Уканг ўлган дейди. У йўқ... (Намли кўзларини ерга қадаб, унсиз ўйга толади.)

— У йўқ. Аслида Мирзодан айрилганман. Яхши ака бўлмаганман. Бирон маротаба ҳам ваъдамни бажармаганман. Ака бўлиб нима қилдим? Қадрига етмадим. Оллоҳим уни мендан олиб кўйди. Мен кўп ёлвордим: Оллоҳим, укамни қайтариб бер. Бир марта паркка олиб борай. Бир марта ўйнатай. Мен кимман ўзи? Фарзандми? Набирами? Барчасидан эрта айрилдим. Сўнги номим «акалик» эди. Айирма, Оллоҳим! Шукурким, Ҳақим мени эшитди. Укам кўз ўнгимда пайдо бўлди. У шундай чиройли. Шундай меҳрга ташна... Биз бирга ўйнаймиз. Паркларга борамиз. Лекин уни паркда йўқотиб қўяман. Излаб топа олмайман. Тезда уйга қайтишга шошиламан. Кела солиб уйқуга ётаман. Чунки тонгда туртқилаб, минг хархаша билан тўнка укам уйғотади. Парк илинжида хиёбонга тортқилайди. Мен ўзлигимдан воз кечдим. Шу ҳаётни танладим. Менинг укам бор! Ана, яна тортқилаяпти! Ҳа, ака, кеттикми паркка? Қани, хайр қилдик!

Туриб ёш боладек ўйноқлаб кетди. Мени ўпкам тўлиб, бўғзимга алланима тиқилиб кела бошлади. Нега менинг шундай акам йўқ!? Ортларидан зор термулганча титроқ лабларимдан бир сўз тўкилди...



Шохрұх  
Ахмедов



1998 йил 13 апрел Фарғона вилояти. Учқұпrik тумани. Күмариқ қишлоғида таваллуд топған. Дастлаб бошланғич таълимни қишлоқдаги мактабда олаётган кезлари күриш қобилияти кескин ёмонлашгани боис юқори синфни күзи ожизлар ва кар үқувчиларга маҳсуслаштирилган мактаб-интернатда давом эттирған. 2015 йил битиргач эса вилоят марказидаги Фарғона шаҳар имконияти чекланған шахслар учун ихтисослаштирилған Республика қасб-хунар колледжининг ахборот-ресурс кутубхоначиси мутахассислигига таҳсил олди ва уни 2018 йил тамомлаб, тумандаги 8-умумий ўрта таълим мактабида фаолияти бўйича ишламокда. Ижодий ишлари 2016 йил «Шарқ аёли» кўрик-марафонида рағбатлантирувчи диплом, 2017 йил «Бир сафда» журнали томонидан жамоатчи мухбирлар ўргасида ўтказилған танловда З-даражали диплом билан тақдирланди. Шеърлари матбуотда муңтазам чоп этилиб келинмоқда.

## ЎЗБЕКИСТОН

Сен Темурсан – рўйи замин мулки хоқон,  
Сен Навоий – сўз мулкида шоҳ-у султон.  
Сен Бобурнинг қароғида яшаган ғам,  
Мирзо бўлиб Шарқ-у Фарбда порлаган ҳам.  
Сен Бухорий мужгонида яшнаган нур,  
Сен Хоразмий заковатин бойитган дур.  
Сен Муқанна томирида кўпчиган қон,  
Сен жадидлар кўксидаги тепчиган жон.  
Сен Қодирий Отабегин овутган ҳам,  
Чўлпон бўлиб кечамизни ёритган ҳам.  
СенFaфурнинг «Шум бола»син эркалатган,  
Сен Қаҳхорга ўтмишидан эртак айтган.  
Сен борсанки, тўлуғ қўнглим, баҳтим олам,  
Кафт тупроғинг юрагимга яқин малҳам.  
Сенинг номинг мадҳ этурман мангув ҳар он  
Жаннатларга қиёс юртим – Ўзбекистон!

## ЯНА БАҲОР КЕЛДИ

(Ҳамид Олимжонга)

Яна баҳор келди кўкламга яккаш,  
Ҳануз нафасида ўтли бир сўроқ:  
«Қайда қолди менинг девонам, саркаш,  
Соддадил шоирим тушдими фироқ?»  
Нигоҳимни кўкка тикканча маъюс,  
Бир сўз демоққа ҳеч йўқдир мажолим.  
Қулоғим остида жаранглар ҳануз,  
Ўша ўтли савол, ўртанар жоним.  
Ана ўша ўрик, Сен айтган ўрик,  
Гўё этагида бир сават оқ гул.  
Дераза ортидан жавдираб мунглур,

Оташқалб шоирин излайди нукул.  
Не дейин уларга, қани айт ўзинг?  
Не деб юпантый, не деб овутай?  
Сен ҳали тириксан, ўчмаган изинг,  
Сен кетган йўлларни умрбод кутай!..  
Майли, ойлар ўтсин, изма-из йиллар,  
Бир кун туташ келар бизнинг манзиллар...

## АКТЁР

*Дунё – саҳна, ҳар кимсанинг тегии роли бор.*  
*B. Шекспир*

Ўйлама кўп дунёнинг корин,  
Қайга боқма бир хил машмаша.  
Сен – актёрсан, саҳна ҳам тайин,  
Бунда хаёт қўяр томоша.  
Томошабин кимсалар айёр,  
Кулмайди ҳам, ачинмайди ҳам.  
Мийигида илжаяр бисёр,  
Мунофикалар тўпи бунда жам.  
Дунё кори аrimайди, хей,  
Силқиса ҳам қонлар ўмгакдан.  
Буларга қўй, парво қилма ҳеч,  
Ўз ролингни ўйна юракдан.  
Кимдир кафтин елкангга босиб,  
Дардкаш бўлса суюнма бекор.  
Эрта куни ўзгани тўсиб,  
Балки сени қилади фийбат.  
Бунда чин дўст топмоқлик душвор.  
Бу ғавгонинг йўқдир адоғи.  
Чақнаса ҳам кўзларда нафрат,  
Ўчса ҳамки ҳаёт чироғи.

Тушунсанг-чи, ҳар тўқисда кам,  
Куюнма ҳеч, ўқинма зинҳор.  
Бекор ҳасрат харжлама, ошнам,  
Билсанг, ҳамма сен каби актёр.

## ЁМГИР

Булутлар кезинар афтода, сокин,  
Шафакнинг юзига этагин тортиб.  
Еллар сўроғидан бир дам олиб тин,  
Маржонлар тиздилар бағрин чок босиб.

Шиғалар ҳорғин тус сахардан ёмғир,  
Балки то кечгача тайин ёғиши.  
Недан у бунчалик нолавор ахир,  
Кўксидан эзарми дунёнинг иши?

Шивирлар хастангол неларни бебош,  
Ўмгагидан силқир азобнинг заҳри?  
Марварид шодалар асли қонталаш,  
Ҳасратнинг қаъридан сизиган томчи?

Борликнинг дардидан куйлар эҳтимол,  
Эҳтимол, йиглайди аламдан сўзсиз?  
Кимдир кўмсар уни, суяр бетимсол,  
Яна ким бир четда кузатар сассиз...

Ва лекин ҳеч кимса англамас сирин,  
Бизга у куйларми, йиғларми бу кун?..  
Фақат оҳангидан юраклар бетин,  
Хотирот кўз очмиш, қалбларда учқун.

Шивалар, томчилар ҳали ҳам ёмғир...

## ШУКРОНА

Тонги насим каби хуш ёқар дилга,  
Олий марҳаматнинг бизга инъоми.  
Ҳар кун учун шукрона айтамиз унга,  
Илохий иноят эрур Каломи.  
Рўйи замин узра сочиб ризқ-рўзин,  
Борлиққа бахш этди рух, тан-у жонни.  
Оламни жаннатдек яшнатмоқ учун,  
Хокисор тупроқдан қорди Инсонни.  
Шу тупроқ Ватандир, туғилмиш гўша,  
Тупроқдан яралдик, унга қайтамиз.  
Азалдан тақдирга битилмиш муҳр –  
Ҳар бир кунимизга шукр айтамиз,  
Шукрона зикрида эрурмиз ҳар он,  
Кунимиз осойиш, сокин кечамиз.  
Тинчлигинг барқарор бўлсин, Хур макон,  
Керак бўлса сен-чун жондан кечамиз.



Раҳмат  
Собозхон



1998 йил 19 декабрда Хоразм вилояти Шовот туманида туғилган. Урганч Ижтимоий иқтисодиёт колледжини тамомлаган. Ҳозирда «Эзгу СЎЗ» газетаси мухаррири.

\*\*\*

Ҳасратим – қизилдир,  
Софинчим – сарик,  
Шодлигим – мовийдир,  
Бахтларим – оқдир.  
Умримни улардан асраганим йўқ,  
Гарчи, рангинликни ёқтирмас тақдир.  
Айрилиқнинг қора чизгилари мўл,  
Юрак дафтарида алардир мингта.  
«Фақатгина қаро, фақатгина оқ...»  
Бир хил ранг одамни кўрсатинг менга!  
Хисларим – гулрангдир,  
Умидим – гулранг,  
«Бир рангда яшамоқ хатодир, хато».  
Дунёдаги барча рангда бўлсинлар,

Сўзимни тошрангдан асрагин Худо...  
Биламан, келмайсан, сен ҳеч келмайсан,  
Келмайсан, ортади дилнинг дардлари.  
Азизам, қарагин бемаъно умрим,  
Минг бир хил бўёққа кетган чапланиб...

\*\*\*

Баҳорларнинг элчиси шамол,  
Узоқлардан элтганча хабар,  
Юзларимга урилар-у сўн  
Юрагимни қидириб топар.  
Кўзларимга қайтади шодлик,  
Сўзларимга қайтади маъни.  
Борлиғимга қайтар энди баҳт,  
Кучоғимда яйраб кулгани.  
Шаҳар узоқ ўйга чўмади,  
То тонгтacha унсиз сир саклаб.  
Дараҳтлар ҳасаддан ҳоргин,  
Бир айбини қўёлмас оқлаб.  
Мен яшайми ахир индамай,  
Мен йиғлайми индамай бугун,  
Ёлғиз қолган замин-у само,  
Гуллолмаган дараҳтлар учун...

\*\*\*

Дераза...ютади қоронгуликни,  
Бағридан кўзёшлар ўтади сизиб.  
Қаерда юрибсан,  
Қайси бурчакда –  
Жимгина йиғлайсан осмоннинг қизи.  
Оҳидан титраниб силкинар абр,

Фигонга тўлади найсонлар кўкси.  
Қаерда, кимларни юпатмоқдасан –  
Анов чекаётган уйларнинг дўсти.  
Токи чўкаётган юрагим маним,  
Тупроққа беланган энг муқаддас шеър.  
Кўксингдан кўксини қидириб топган,  
Мен сенинг ўғлингман, ўглингдирман ер!..  
Дераза...ютади қоронгуликни,  
Бор баҳтимдан қара, фусса ясадим.  
Мен сени яшадим доим соғиниб,  
Мен сенга интилиб яшадим...

\*\*\*

Сукунатни ичган дараҳтлар,  
Ўй суришар боғда жим туриб,  
Ёлғизлиқдан тўйган шаҳарга,  
Эринчоқ киш кирап югуриб.  
Жимликларға тўлади бекат,  
«Кетаяпман, қайтаман бир кун...»  
Жи-им кетаман олтин барглардан,  
Кузак туғиб беради тугун.  
Таранг тортар мажнуни юрак,  
Жаранглайди боғзимдаги ишқ,  
Ҳар қадамда йўлимни тўсар,  
Мен излаган илоҳий қўшиқ.  
Сузиб борар кўзларим кема,  
Дилга ташлар соғинч лангарин,  
Мен «оҳ» билан келишолмайман,  
Яшолмайман баҳтдан ташқари.  
Ноябрда эзилган руҳим,  
Ёмғирлари ботган елкамга.  
Тангрим, борар манзилим аён,

Тангрим, ўзинг йўл кўрсат гамга!

«Кетаяпман, қайтаман бир кун...»

\*\*\*

Келдим демоқликга куч топдим охир,  
Сўнгсиз ҳислар билан алдади шаҳар,  
Кетсам ҳам кетгандим эзганча бағир,  
Келсам ҳам келганман кўҳна ишқ қадар...

Елкамда менсиз ишқ қилган гунохи,  
Ўзимга ўзимни қайтар Худойим!  
Кўзларим кутмоқлик йўлини тутган,  
Қўксимга сиғмади илинжи дунё.

Ўзимдан яралган энди барча гам,  
Энди ишқизлик ҳам ўзимдан бунёд.  
Йўқликга бўлмайин лаҳзада ғойиб,  
Ўзимга ўзимни қайтар Худойим!

Ерга тўкилувчи оҳангман сўнгги,  
Кўкнинг лабидаги «оҳ» тўлган найман.  
Ўзимдан кетаман ўзимга ўзимни  
Ўзимдан бошқасин билмайман...



*Мехрибон  
Карпбаева*



Қарақалпоғистон Республикаси, Қоңликул туманида 2000 йил 1 майда таваллуд топган. Қоңлиқүл педагогика колледжи 3-босқич талабаси.

### СЕНИ ЭСЛАСАМ...

Үртаниб бораман, ёнган ўтиндей,  
Үзимни сезаман ёлғиз, етимдай,  
Мен турибман унсиз, тошдай – метиндей,  
Ортга қайтгим келар, сени эсласам.

Тун-у кун ўйлайман, билмайман нега?  
Энди чин күнгилдан кулмайман нЭега?  
Очилмасдан сўлган гулдайман нега?  
Лек кўнглим ёришар сени эсласам?

Қаноти қайрилган учмас қушдайман,  
Кўнглим баҳор эмас, ҳамон қишлийман,  
Баридан кўз юмиб, сени кўмсайман,  
Хаёл олиб кетар сени эсласам!

Мени хушламайсан, буни билсам ҳам,  
Түрт мучам соғ бўлиб, «хушнуд» юрсам ҳам,  
Бугун бошқаларга қараб кулсам ҳам,  
Дунё бўм-бўш бўлар, сени эсласам!

Шунча ёлғон сўзлар, шунчами қайғу,  
Орзу этганмидим кўқдаги ойни?  
Қалбим ғариблашди, ёмон мунгайди,  
Канча қўкрак кермай, сени эсласам!

Орзуларим йиглар, кулади армон,  
Оқликдан ийманиб, эриган қорман.  
Ёруғ дунёда на йўқман, на борман,  
Охимдан ўт чикар сени эсласам!

Сени деб, борлиқни унугтан эдим,  
Пок қалбим, туйғумни танитган эдим,  
Бир муддат кўнғлимни ёритган эдим,  
Поёнсиз ўйдаман сени эсласам!

Мен билан биргасан ўйда, хаёлда,  
Мұхаббатим наҳот қолдирдинг йўлда.  
Ёзай десам сифмас дардларим, мўл-да ...  
Мактубларим етмас сени эсласам!

Бу не туйғу, нечун кўрмайди кўзим,  
Қалбимдан жой олдинг, йўқотдим ўзим,  
Канча сабр керак, қанчалар тўзим?  
Топаман, мұхаббат, фақат кел ўзинг!

Умр, вакт ўтмоқда, айт, мен нетайин,  
Дунёдан воз кечиб, сен-ла кетайин,  
Ҳамма бахтли, афсус, мен бир бетайин,  
Чексиз ғам кемириар сени эсласам...

\*\*\*

Юздан нур, лабингдан кулгу ёйилиб,  
Кўнглингдан ғуборлар кетар ювилиб,  
Бир енгил тортасан, юқдан кутилиб,  
Яхши одам билан гаплашган вақтинг!

Ўша дам бу олам кулиб боққандай,  
Ҳатто ёмонлар ҳам сенга ёққандай,  
Кўксингта меҳрдан гуллар таққандай,  
Яхши одам билан гаплашган вақтинг!

Бирдан кўтарилар тушкин кайфият,  
Умринг гулзорининг гуллари зиёд,  
Оlam гўзаллашиб, яшнар табиат,  
Яхши одам билан гаплашган вақтинг!

Бахтли дамларингни бўлишгинг келиб,  
Ҳаммага борингни улашгинг келиб,  
Ҳар кимга юкуниб, меҳрга тўлиб,  
Ўзгача бўларсан, кулгандай бахтинг!

Кўринар ҳаётнинг ранглари ёрқин,  
Бир умр колгудай бахтли дам тўкин,  
Кўнглингга оласан ғанимни яқин,  
Осмонларда учар инсонлик тахтинг!

Яхши билан умринг топгандай мазмун,  
«Үткинчи экан!» – деб, бўласан мамнун,  
Қайғулар ҳам унут бўлади шу кун,  
Худди алмашгандай тонгга шом вақтинг!

Тилингдан бол томиб, шакар сўз бўлиб,  
Кўнгил деб аталмиш кенг сарой солиб,  
Ҳаётинг гулзори шўх куйга тўлиб,  
Булбул овозидек жаранглар шахтинг!

Хотиржам юрагинг, тинчлик ингандай,  
Кўпдан лойқаланган сувинг тингандай,  
Ҳаёт гўзаллашиб жаннат бўлгандай,  
Яхши одам билан гаплашган вақтинг!

Хуморингдан чиксанг тўйиб сирлашиб,  
Яхши билан дилдан холис дардлашиб.  
Кўнгил кўнгил билан кетар бирлашиб,  
Яхши одам билан сўзлашган вақтинг!

Яхшига борлигим бергим келади,  
Яхшини ҳар дамда кўргим келади.  
«Яхшилар яшасин!» дегим келади,  
Яхши одам билан гаплашган вақтинг!

## ОТАМ, ОНАМ БОР

Мен дунёга келдим мисоли бир гул,  
Боғимда боғбоним, бошда панам бор.  
Бўй етиб, улғайдим, баҳтлиман буткул,  
Шу баҳтга етказган отам, онам бор.

Турли ташвишимиз солиб бошига,  
Ғамлардан сочида оқ тола бисёр.  
Суюб жилмайишиб, келсак қошига,  
Суячим дейдиган отам, онам бор!

Дунёга келиб мен күрмадим завол,  
Қувончим зиёда, ҳасрат бегона.  
Бахтим осмонида учганда хаёл,  
Қуёш – бу отамдир, ой эса онам.

Фарзандин палапон қушга ўхшатиб,  
Ҳар бир нидосига ҳатто жон берар.  
Икки кун күрмаса, уйни ясатиб,  
Топганин боласин олдига тўкар.

Дард чекиб, болам деб, тин олган жонмас,  
Меҳрли кўз билан жонсарак доим.  
Улғайсак-да ер-у кўкка ишонмас,  
Ҳали ёш бола деб, боқар мулоим!

### БАЛКИ УНУТАРСАН

Хаёл... Туйғу... Кўнгил... Ўйимизмиди...  
Сарғайган япроқдай – сариқ кузмиди.  
Айтмоқчи бўлганинг айни сўзмиди:  
Балки, унутарсан мени ҳам бир кун?!

Ёди васлинг мени ёқар тинмайин,  
Кўнглим йиғлашига минг сабаб тайин,  
Юрагим ўртаниб борар кун сайин,  
Балки, унутарсан мени ҳам бир кун?!

## М У Н Д А Р И Ж А

Халима Жуманиёзова.....	5
Баҳодир Оташ .....	10
Азимжон Қаландаров .....	17
Моҳидил Шермонова.....	29
Обид Кўлдош.....	34
Баҳодир Гулом.....	41
Наргиза Ортиқова .....	45
Зилолабону Холиқова .....	49
Шоҳида Сувонқулова.....	55
Раҳшона Аҳмедова.....	60
Акмал Турсунов .....	68
Ўткир Муликбоев.....	73
Мирзоҳид Шавкат .....	80
Моҳинур Курратуллаева .....	84
Феруз Камолов .....	89
Дилноза Камол .....	94
Ислом Асилбеков .....	99
Умиджон Абдуманнонов .....	105
Шаҳноза Муҳаммедова .....	111
Умид Абдуҳакимов .....	123
Хумоюн Мирзаҳмедов .....	130
Шоҳруҳ Аҳмедов .....	137
Раҳмат Бобоҷон.....	142
Мехрибон Қартбаева.....	146

*адабий-бадиий нашр*

# БАХТ ҚҮНГИРОГИ

Мұхаррір  
Бадиий мұхаррір  
Сақиғаловчи  
Мусақхих

*Уміда Ражсабова  
Насиба Эргашева  
Шақбоз Сироғисиддинов  
Мөхінур Умаржонова*

Лицензия рақами: АI № 213, 26.03.2012

Босишига 03.07.2019 да рухсат этилди

Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$

Босма табоги 17,1. Шартли босма табоги 17,67  
Гарнитура «Times New Roman» гарнитураси. Офсет қозози  
Адади 300 нұсха. Буюртма № 17

Оригинал макет «Nodirabegim»  
нашриёт-матбаа уйида тайёрланди.  
Манзил: Тошкент ш. А. Навоий күч. 30-үй.

«AVTO-NASHR» ХК босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шахри, 8-март күчеси, 57 уй.

# Бахш құнғири

Халима Жуманиәзова  
Баҳодир Оташ  
Азимжон Қаландаров  
Моҳидил Шермонова  
Обиджон Кўлдоши  
Баҳодир Гулом  
Наргиза Ортиқова  
Зилолабону Холиқова  
Шоҳида Сувонқуловна  
Рухшона Аҳмедова  
Акмал Турсунов  
Ўткир Маликбоев  
Шавкат Мирзоҳид  
Моҳинур Кудратуллаева  
Феруз Камолов  
Дилноза Камол  
Ислом Асилбеков  
Умиджон Абдуманнонов  
Шаҳноза Муҳаммедова  
Умид Абдуҳакимов  
Хумоюн Мирзааҳмедов  
Шоҳруҳ Аҳмедов  
Раҳмат Бобојон  
Мехрибон Қартбаева



ISBN: 978-9943-5222-7-5

9 789943 522275